

1
155

110910

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ИЖТИМОЙ
ФИКР МАРКАЗИ МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

24

ТАТУ ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ

“ГЛОБАЛЛАШУВ ВА АХБОРОТ ХУРУЖИ”

*мавзудаги республика илмий-амалий
анжумани материаллари*

2032973

Т Ў П Л А М И

TATU KUTUBXONASI
365435-SONLI

Тошкент - 2007

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИ
5 ЙИЛЛИГИ ВА ИҚТИСОД ВА БОШҚАРУВ
ФАКУЛТЕТИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА
БАҒИШЛАНАДИ.**

Масъул муҳаррирлар: фалсафа фанлари доктори
С.С.Сангинов, социология фанлари
номзоди, доцент Э.Г.Каримова

Тақризчилар: сиёсий фанлар доктори
Н.Жўраев,
фалсафа фанлари доктори
Э.Хошимова

КИРИШ

Ҳозирги мураккаб ўтиш даврида халқимиз, аввало, ўсиб-униб келаётган ёш авлоднинг онги ва қалбида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ишни Президентимиз айтганидек, “бамисоли ёш ниҳолни пайванд қиладиган уста боғбондек нозиклик ва меҳр билан, оқилона йўл билан амалга ошириш лозим”. Лекин табиий равишда савол туғилади: ҳўш, бугунги ёш авлоднинг жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларга муносабати қандай, янгиликларни қандай қабул қиляпти?!

XXI аср бошларига келиб дунё мамлакатлар ўртасидаги ўзаро таъсир шу қадар кучайиб кетдики, бу жараёндан тўла ихоталаниб олган бирорга ҳам давлат йўқ, деб тўла ишонч билан айтиш мумкин. Хаттоки, халқаро ташкилотлардан узоқроқ туришга интилаётган, уларга аъзо бўлишни истамаётган мамлакатлар ҳам бу жараёндан мутлақо четда эмас. Глобаллашув шундай жараёнки, ундан четда тураман, деган мамлакатлар унинг таъсирига баъзан кўпроқ учраб қолиши мумкин. Бундай ғайри ихтиёрий таъсир эса кўпинча салбий бўлади.

Глобаллашувнинг турли мамлакатларга ўтказаетган таъсири ҳам турлича. Бу ҳол дунё мамлакатларининг иқтисодий, ахборот, маънавий салоҳиятлари ва сиёсати қандай экани билан боғлиқ. Дунёда юз бераётган шиддатли жараёнларнинг ҳар бир мамлакатга ўтказаетган салбий таъсирини камайтириш ва ижобий таъсирини кучайтириш учун шу ҳодисанинг моҳиятини чуқурроқ англаш, унинг хусусиятларини ўрганиш лозим. Бу ҳодисани чуқур ўрганмай туриб унга мослашиш, керак бўлганда, унинг йўналишини тегишли тарзда ўзгартириш мумкин эмас. Глобаллашув яна шундай жараёнки, уни чуқур ўрганмаслик, ундан фойдаланиш стратегияси, тактикаси ва технологиясини ишлаб чиқмаслик мамлакат иқтисоди ва

маданияти, маънавиятини тоғдан тушаётган шиддатли дарё оқимига бошқарувсиз қайикни топшириб қўйиш билан баробардир.

Бугун инсон ҳаётини ахборот тизимларисиз тасаввур қилиш қийин. Ахборот асри ҳатто ҳарбий ҳаракатларнинг усул ва услубларига ҳам муайян ўзгартиришлар киритди. Шу билан бирга, информацион хуружлар авж ола бошлади.

Албатта, ахборот асридаги ҳарбий ҳаракатлар билан информацион урушлар бир-биридан фарк қилади. Ҳарбий ҳаракатларда ахборот технологиялари операция муваффақиятини таъминловчи восита саналади. Информацион урушда эса ахборотга алоҳида объект, қурол сифатида қаралади.

Бу муҳим объект ҳақида сўз кетар экан, ахборот тушунчасига тўхталиб ўтиш жоиз. У ўзи нима? Маълумки, ахборот ён-атрофдаги воқеа-ҳодисалар асосида пайдо бўлади. Воқеа ахборотга айланиши учун у қайсидир шаклда қабул қилиниши, шарҳланиши, изоҳланиши керак. Шу тариқа ахборот икки воқеанинг натижаси сифатида юзага чиқади – воқеани (маълумотларни) идрок этиш ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш. Бунда маълумот қай даражада тезкорлик билан қайта ишланиши ва тайёрланиши ким қандай технологиядан фойдаланаётганига ҳам боғлиқ.

Бевосита информацион курашга келсак, ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ахборотга эга бўлиш, ундан фойдаланиш ва уни ҳимоялашга интилади. Шу боис муайян давлат бошқа бир давлатга оид ахборотни қўлга киритса, муайян устунликка эга бўлади.

Информацион урушнинг моҳияти шундаки, у якуний мақсад эмас, балки якуний мақсадга эришиш йўлидаги воситадир. Ҳозирги технологиялар ахборот ўрнига уйдирма тарқатиш, бошқаларни ёлғон ахборотга

ишонтириш имконини беради. Бунда уйдирма объекти ёлгонни ҳақиқат деб билади ва охир оқибат ёлгон тарқатаётган томоннинг манфаатларига мос ҳаракат қила бошлайди. Кундалик ҳаётда учрайдиган фитна ва бўхтонлар ҳам информацион урушнинг содда кўринишларидир.

Информацион урушнинг таркибий қисмлари ҳам кўп. Масалан, психологик операциялар, дезинформация, воқеани бузиб ёки бўрттириб кўрсатиш орқали одамларнинг бирор фирма ё компанияга, бирор сиёсий ҳаракатга ва ҳатто ҳукуматга ишончини сўндириш ёки ошириш мумкин (пиар технологиялар).

Информацион хуружнинг хавфли томони шундаки, юқорида айтилганидек, у кучли бомбадек таъсир кўрсатади. Бунинг олдини олиш учун айна қуролга қарши айна турдаги қурол билан жавоб қайтариш зарур. Президент Ислон Каримов айтганидек, мафкурага қарши мафкура, ғояга қарши ғоя билан курашмоқ керак.

Айниқса, ёшлар онгини ёт мафкура, бузғунчи ғоялардан сақлаш муҳим. Ўзбекистонда ёш авлодни жисмонан ва маънан етук инсон қилиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Спорт иншоотлари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, турли тўғараклар ташкил қилинмоқда. Ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Жамиятда бирдамлик, бағрикенглик ғоялари кенг тарғиб этилмоқда. Ўзбек халқининг миллий менталитети жамоа бўлиб яшашга, елкадошликка асосланади. Шу нуқтаи назардан маҳалла институтининг ривожланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Тўғри, айримлар жазони ўйлаб қонунбузарликдан тийилади. Лекин маҳалла-қўйчиликнинг шуниси қимматлики, киши кўпроқ иснодни, юзи ерга қараб қолишини ўйлайди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон қатор

информацион хуружини бошдан кечирди. Ваҳҳобийлар ёки Ҳизб-ут-Таҳрир оқими вақиллари билан ҳақиқий мусулмонлар ўртасидаги фарқ бугун яққол юзага чиққан. Бу ҳам Ўзбекистон раҳбариятининг ахборот хуружларига қарши муносиб жавоб берганига бир далилдир.

Президент Ислоҳ Каримов мамлакат хавфсизлиги, Марказий Осиё барқарорлиги кўп жиҳатдан ғоявий ва мафкуравий хуружларга қарши курашга боғлиқ эканлигини халқро ташкилотлар минбарларидан такрор ва такрор таъкидлаб келади. Хусусан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 2005 йил июнь ойида Остона шаҳрида бўлиб ўтган саммитида мамлакатимиз раҳбари йиғилганлар эътиборини қуйидагиларга қаратди. Кейинги пайтларда рўй берган воқеаларда пировард мақсади минтақадаги кучларнинг сиёсий ва иқтисодий мувозанатини ўз фойдасига ўзгартириш ва минтақада ўз ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган, узоқни кўзлайдиган катта стратегик пинҳона режанинг фақат айрим қирраларигана намоён бўлди.

“Хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан турли таҳдидларни кўламигина эмас, балки қўйилган геополитик мақсадларга эришишнинг маъно-мазмуни, восита ва услублари ҳам, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хослиги ва ундаги мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда, тубдан ўзгариб бораётганига эътибор қаратиш жоиз, - деди Ислоҳ Каримов. – Бу кучларни турли экстремистик ва айирмача тузилмалар билан қўшилиб бораётгани, шунингдек, ашаддий диний ташкилотлардан, гарчи ўзлари бошқа вазиятда уларни террористик ташкилотлар рўйхатига киритган бўлса-да, ўз мақсадлари йўлида фойдаланишдан ҳам тоймаётгани билан боғлиқлик фактлар ҳам жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди. Бу уринишлардан кўзда тутилган пировард мақсад минтақада “бошқариладиган беқарорлик” вазиятини келтириб чиқариш, ижтимоий-

сиёсий барқарорликни бузиш ва ўзлари хоҳлаган тараққиёт моделини зўрлаб тикиштиришдан иборатдир”.

Биз шуни биламизки, Ўзбекистонни ўз йўлидан оғдирмоқчи бўлганлар ҳали ҳам бор, уларнинг тинч гурмаслиги ҳам тайин. Лекин халқимиз Юртбошимиз раҳбарлигида ҳаётнинг барча синовларини, жумладан, информацион хуружларни ҳам енгиб келмоқда. Чунки ойни этак билан ёпиб бўлмагани каби ҳар қандай “ғирром уйин” – информацион хуружлар ҳам барбод бўлиши муқаррардир. Ўз тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олган ва шу йўлдан дадил, катъий бораётган халқимиз эзгу, улуғ мақсадлар йўлида ҳеч қандай бўхтону иғволарга учмайди. Шу боси эртанги кунимиз бугундан-да мунаввар бўлишига ишончимиз комил.

АХБОРОТ ГЛОБАЛЛАШУВИ ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ

*Н.А. Мўминов – техника фанлари
доктори, профессор*

Аввало ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг “Агар огоҳсен, шохсен, Агар шохсен огоҳсен” деган иборасини келтириб ўтишни жоиз деб билдик. Мутафаккиримиз Навоийнинг айтган сўзлари мазмуни шундан иборатки шох огоҳ бўлсагина яъни, тўлиқ ва мутгасил ахборотга эга бўлсагина шох бўла олади.

Шунинг учун бўлса керакки, Президентимиз “Ёшларни юртимиз ҳақидаги нурли ва аччиқ ҳақиқатлар тарбиялайди. Буюк ўтмиш уларнинг қонларига ўтиб, уларни янада сергак торттиради” деган эмас.

Замонавий ахборот коммуникация технологияларининг имкониятлари чексиз, у шиддат билан ривожланапти.

Ахборот асрида яшаётган эканмиз, инсон ва жамият ҳаётида ахборот оддий эҳтиёж меъёридан чиқиб сиёсий ва мафкуравий восита, бунёдкорлик ёки вайронкорлик кучига айланаётганига гувоҳмиз.

Ахборот - бу манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъий назар шахслар, фактлар, воқеалар, ходисалар ва жараёнлар ҳақидаги маълумотлардир.

Маълумки, янгилиниш ва ислохатлар жараёни ҳеч вақт бирданига амалга ошмаган. Негаки, бу инсон онги, тафаккури ва дунё қараши билан боғлиқ жараён. Инсон онги аста секинлик билан шаклланиб борар экан, унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган янгилиниш ва ислохатлар жараёни ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар қандай ахборот оқимининг ёшлар маънавиятига таъсири хусусида сўз юритганимизда аввало бу масала замирида жамиятимизнинг, давлатимизнинг миллий хавфсизлиги ётганини назарда тутишимиз лозим. Зеро бу

мавзуда сўз юритар эканмиз аввало икки масала мавзунинг долзарб нуқтасига айланади: биринчиси бу ахборот оқими-мафкуравий таҳдид;

Иккинчиси - ёшлар маънавияти-яъни турли хилдаги ахборотларга нисбатан ёшларимизда шаклланган иммунитет масалалари.

Шу масалаларни алоҳида ўрганиб чиқишга уриниб кўрамиз. Гап шундаки ахборот оқими ўз моҳиятига кўра маълум бир мақсадга йўналтирилган бўлади. Унинг қанчалик ёшларимизга таъсир қилиши унинг олдига қўйилган мақсад сари пухта йўналтирилганлигига боғлиқ. Табиийки, ахборот оқимининг салбий таъсири эса уларда шаклланган мафкуравий ҳимоя тизимининг мукамаллиги омилига боғлиқ.

Ўтиш даврида ахборот-мафкуравий идрок этиш билан боғлиқ вазиятнинг мураккаблиги яъни давлат, жамият ва шахсда мафкуравий рақобат борасида етарлича демократик тажриба йўқлигида ҳамдир. Оммавий ахборот воситалари тингловчиларининг кўпчилиги сиёсий мавзудаги ҳар қандай ахборотни расмий ахборот сифатида қабул қилади. Ахборотлар характери ва тартиби сиёсий осойишталик ва барқарорликнинг ўзига хос барометри бўлиб хизмат қилади. Агар фикрлар хилма-хиллиги ҳолати намоен бўлса, беқарорлик кўрсаткичи, сиёсий муносабатлар тизимида муаммоли вазият етилиб келаётганининг ўзига хос аломати сифатида талқин қилинади.

Энди иккинчи масалага тўхталадиган бўлсак, аввало ёшларимизнинг мафкуравий имунитети бугунги кунда қандай шаклланган деган савол пайдо бўлади. Масалани инсон омили нуқтаи назаридан ўрганадиган бўлсак, мафкуравий иммунитет-ҳар қандай ахборот таъсирига тушиб қолмаслик аввало ўша инсон онгу-тафаккури, идроки нечоғлиқ ўткирлигига, чуқур мушоҳада қилиш

қобилиятига боғлиқ. Тўғри аввало ҳаммада ҳам бундай қобилиятлар бирдек ривожланган эмас. Аммо, бу қобилиятларни шакллантириш, идрок кўникмаларини ҳосил қилиш, инсон туғилганидан то шахс сифатида шаклангунига қадар давом этади. Хусусан, бунда маълум бир ёшнинг кўп китоб ўқиши, ўз мамлакати тарихини ўрганиши, урф-одатларга нисбатан ҳурмат руҳида тарбия топиши, бир сўз билан айтганда унда миллий эътиқод - миллий фахр шаклланиши муҳим ўрин тутади. Ўз миллати қадриятларини қадрлаган, ўз тарихини билган, Ватанга эътиқоди шаклланган ёшларнинг ахборот оқимларининг таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли кам. Чунки бундай ёшларда ўзига хос психология ва масалага ўзига хос ёндашув пайдо бўлган бўлади. У ҳар қандай ахборот замирида маълум бир мақсадни ўргана бошлайди.

Аммо бугунги кундаги ёшларимиз қандай тарбия топаёдилар? Улар қайси ахборотлар, қайси муҳит таъсири доирасида шахс сифатида шаклланмоқдалар? Тўғрисиини айтиш керакки, бугунги кунда кўпчилик ота-оналар турмуш ташвишига берилиб кетиб бола тарбияси масаласига камроқ эътибор қаратишмоқда. Албатта улар имкон қадар уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун шароитлар яратиб беришмоқда, компьютер сотиб олиб беришади, Интернет улаб беришади ва ҳоказо. Аммо яратилган шароитдан фарзандлари нечоғлик мақсадли фойдаланишмоқда? Бу масала уларнинг назаридан бироз четда қолмоқда. Фарзандлари бугун қандай китоблар ўқишмоқда? Бу саволга ота-оналар жавоб беришга қийналадилар. Бунга албатта фақатгина ота-оналарни айблаб бўлмайди.

Собиқ иттифок даврида четдан кириб келаётган ахборот оқими қаттиқ назорат қилинган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг, ахборот оқимига кенг йўл очилди. Табиийки, хали ахборотга “оч бўлган” аҳоли кириб

келаётган ахборотни сараламай туриб “истеъмол” қила бошлайди. Улар хали яхши ва ёмон, керакли ва кераксиз ахборотнинг фарқига бормасди, бир сўз билан айтганда, аҳолида холис ахборот оқимидан нохолисини ажратиб олиш учун идрок шаклланиб улгурмаган эди. Шунинг асорати ҳозирги кунда айниқса сезилмоқда. Бу баъзан ёшларимизда ҳар қандай ахборотни мутлок ҳақиқат сифатида қабул қилинишини келтириб чиқармоқда.

1. Интернетнинг таъсири

- а) ёт, бузғунчи ғояларнинг кириб келиши (диний экстремизм, миллатчилик, ирқчилик, садизм мисолида)
- б) ғарб яшаш тарзига хос, лекин ўзбек менталитетига зид ғоялар, қарашларнинг ёшларга таъсири (кийиниш, чекиш, пирсинг, татуировкалар ва ҳоказо)
- в) порнографик ахборотларнинг ёшлар тарбиясига таъсири
- г) текширилмаган ахборотлар (бўхтонлар)

Бу каби муаммолар жаҳоннинг бошқа мамлакатларини ҳам ташвишга солмоқда. Тўғрироғи, зарарли ва ноқонуний ахборотлар оқимини назорат қилиш мақсадида Буюк Британияда ўзини тутиш Кодекси (Кодекс поведения) қабул қилинган. Мустақил орган-“Хавфсиз тармоқ” жамғармаси (фонд “Безопасная сеть”) ташкил қилинган. Унинг вазифаси-жамият ноқонуний деб ҳисобловчи ахборотлар рейтингини хизматини ишлаб чиқиш. Шу каби қадамлар Германия ва Нидерландияда ҳам амалга оширилмоқда. Агар ноқонуний ахборотни сервердан ўчириб ташлаш имкони бўлмаса (чунки у бошқа давлатнинг сайтида), унда альтернатива сифатида провайдер томонидан унга киришни блокировка қилиш усули ҳам кўрилади. Айрим Европа мамлакатлари тажрибасида блокировка қилиш қонун асосида белгилаб қўйилган. Хатто баъзиларда ҳужжатлар ва Интернет адресларининг “қора рўяхати” ҳам бор. Лекин бу инсон

хуқуқлари мухофазасига Европа сиёсати анъаналарига зид. Германия бироз бошқача йўл тутган: обуначиларнинг ноқонуний ахборотга чиқиши суд қарори асосида блокировка қилинади.

Муаммонинг ечимини излашда инсон хуқуқларини бузмасликка эътибор қаратилиши лозим. Бунда таъқиқлаш усулидан фойдаланишдан қочиш керак. Маълумки, Интернетдан турли миллат ва элат вакиллари фойдаланилади. Табиийки, бири учун оддий бўлган ахборот иккинчисининг маданий, анъаналарига тўғри келмайди. Ҳукумат қанча ҳаракат қилмасин, муаммони бир ўзи ёки қонунлар қабул қилиш йўли билан ҳал қилиши қийин. Ёшлар маънавиятига салбий таъсир қилувчи ахборот оқимининг иллатларини йўқотиш, тўғрироғи камайтиришнинг ягона усули-ота-она назорати. Улар фарзанди Интернетдан қандай маълумотлар олаётганини билиб туриши керак. Ривожланган мамлакатларда ота-она назоратини амалга ошириш учун кўплаб технологиялар (филтрловчи дастурий таъминот яратилган. Филтрловчи дастурий таъминотнинг уч кўриниши бор: “қора рўйхат” (Рўйхатга киритилган манбалар (сайтларга)га чиқиш блокировка қилинади, “оқ рўйхат” (фақат рўйхатга кирган манбаларга кириш мумкин), “нейтрал маркировка” (“ёмон” сайтларнинг рейтингини яратиш, унга кўра фойдаланувчи қайси сайтларга кириш-кирмасликни ўзи ҳал қилади). Албатта, бу усуллар кўпроқ уйда компютери бор ота-оналарга қўл келади. Лекин уни Интернет-кафеларда ҳам қўлласа бўлади. Шу каби технологияларни Ўзбекистонга олиб кириш ва умуман муаммони жиддийроқ ўрганиш керак.

Интернетнинг улкан имкониятлари, унда ахборот оқимининг тезкорлиги, аудиториянинг чекланмаганлиги, ўз мақсадларини террористик йўл билан амалга оширишни одат қилиб олган – ёвуз кучларнинг манфаатларига ҳам

хизмат қилади. Эндиликда Интернет тизимида юзлаб террористик сайтларнинг манзиллари аниқланган. Терроризм-Интернетда ўта изчил воқелик: сайтлар тўсатдан пайдо бўлади ва тез-тез форматини ўзгартириб туради. Кутилмаганда эса, ўз мундарижасини сақлаган ҳолда, аммо манзилни ўзгартириш йўли билан кўздан ғойиб бўлади. Террористик сайтлар асосан учта аудиторияга йўналтирилган:

1. Аввалдан мавжуд ва потенциал тарафкашлар
2. Халқаро жамоатчилик фикри

Кўпгина мутахассислар кибертерроризмнинг хавфи ҳақида бот-бот гапиришсада, террористлар томонидан Интернетдан шунчаки фойдаланилишни назардан четда қолдирар эканлар. Замонавий террористик гуруҳлар Интернетдан асосан мана бу саккиз усул орқали фойдаланадилар:

- Психологик уруш
- Реклама ва тарғибот
- Маълумотлар тўплаш
- Воситалар тўплаш
- Кўлга тушириш ва сафарбар этиш
- Тизимлар ташкил этиш
- Ахборот таъминоти
- Режалаштириш ва координация

Аҳолини (жамиятимизни) кибертерроризм ва Интернетдаги террористик ҳаракатлардан ҳимоя қилиш билан бирга, қатор антитеррористик ҳаракатлар мажмуини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда.

Интернетдаги фаолиятнинг ижобий томонлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- а) дунёқарашнинг кенгайиши;
- б) объектив ва негатив ахборотларни қабул қилиб, уларни таҳлил қилиш имконияти (бунда ёш йигит ё қизнинг ахборотга “тўқ бўлиши” ва уларни саралай олиш

қобилияти муҳим аҳамият касб этади. Агар унда ахборотга бўлган “дид” бўлмаса у ахборот оқимида “чуқиб” кетиши мумкин, яъни таъсирига берилиб кетиши);
в) масофавий ўқувларда иштирок этиш имконияти;
г) ахборотларни танлаш имконияти борлиги.

Радионинг таъсири

а) хусусий радиолар кўпайиши ва улар орасидаги рақобат кучлигига қарамадан радио ахборот воситаси эмас, балки кўнгилочар воситага айланиб борапти;

б) уларда нутқ тозалигига безътибор қараш натижасида сўзларни бузиб айтиш тез-тез сезилади. Вақт ўтган сари бузиб айтилган сўз тингловчилар учун оддий хол бўлиб, уларнинг лексиконига кириб келади (ахир аҳоли тилни тилчилардан эмас, журналистлардан тезроқ ўрганиши ҳеч кимга сир эмас).

1994-95 йилларда аҳолининг газета ўқиши сушлашиб кетганди. Ҳозир эса бироз “ўқимишлороқ” бўлиб боришмоқда. Лекин майдонга “сарик” (кўнгилочар) матбуот келиб, ахборот бозоридан анчанга жой эгаллади. Бунинг салбий тарафлари талайгина: одамлар енгил-елпи хабарлар, ахборотларга ўрганиб қолишди, уларнинг сифат даражаси ва диди тушиб кетди. Бундай матбуотни севувчи ёшларни маънавий қоқоқ демасдан иложимиз йўқ. Холатни яхшилаш учун эса кўнгилочар матбуотни аста-секин сифатини ошириб, ижтимоий сиёсий газеталарга яқинлаштириш керак. Лекин бунда жуда эҳтиёткорлик талаб қилинади. Чунки бу иш тезда қилинса, ўқувчиларни аста-секин “жиддий” ахборотларга ўргатиб борилмаса, газета кўплаб ўқувчиларини йўқотиб қўйиш хавфи бор. Ахборот оқимининг ёшларга таъсири масаласи, ёшлар маънавиятини шакллантириш масаласи бу энг аввало мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигига оид масала сифатида қаралиб, муаммони ҳал қилишга жиддий ёндашмоғимиз керак.

Глобаллашув жараёнида яшаётган инсоният олдида ҳали ўзи тасаввур қила олмайдиган муаммолар саноксиз. Тўғри, унинг ижобий тарафлари ҳам кўп, лекин ахборотдан тўғри фойдалана олмайдиган жамият учун у жуда катта талофатлар олиб келиши мумкин. XX асрда инсоният қурол (тўғри маънода) кучидан кўплаб азият чеккан бўлса, XXI асрда ахборот дунёдаги энг кучли қуролга айланди. Биргина нотўғри ахборот юртнинг тинчлигини бузиб юбориши ёки икки душман давлатларни яраштириб қўйиши мумкин. Шунингдек, ахборот оқимини тўғри йўналтира олмаслик ҳам йиллар давомида шаклланиб келаётган маънавий қадриятларни чилпарчин қилиб юбориши ҳам мумкин. Ёшларимиз ва олимлар глобаллашув жараёнида қадриятлар қоришиб кетади, шунинг учун ҳар бир халқнинг қадриятини сақлашга ҳаракат қилиши фойдасиз деган тасаввурлар ҳам бор. Лекин унинг хато эканини вақтнинг ўзи кўрсатиб беради.

Бугунги ёшларнинг 90% асосий ахборот манбаи сифатида интернетга мурожаат қилишади. Лекин уларда ахборот имунитети шаклланмаган миш-мишлар дунёси бўлмиш “Интернет” орқали ёшларимиз маънавиятига салбий таъсир этмоқда. Нега таъсир қилади? Балки ёшлар маънавиятининг етарли даражада шаклланмаганлиги эмасмикин? Бугунги кунда ёшларимиз- турли хил ғарб сериаллари таъсирида, миллий қаҳрамонларимиз- жасоратидан беҳабар ўсаётган ёшларимиз маънавиятига қайтадан чуқур эътибор қаратмас эканмиз, уларнинг зехни ўтқир, дунё билимларини эгаллаган бўлишларига қарамасдан Ватан манфаати йўлида хизмат қилишларига, бегона ғояларга берилмаслигига қафолат ҳам бераолмаймиз. Уларда энг аввало Ватанга эътиқодни, урф-одат ва қадриятларимизга садоқатли қилиб тарбияласаккина, исталган бузғунчи информацияларга нисбатан ўз ахборот имунитетлари шаклланади.

**МЕТОДЫ, СПОСОБЫ И СРЕДСТВА
ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННОЙ
БЕЗОПАСНОСТИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ**
Р.И. Исаев - первый зам. директора ЦНТМИ Уз АСИ

Одним из важных факторов общественного развития начала XXI века, является продолжающаяся научно-техническая революция в области вычислительной техники и телекоммуникаций. Ее следствием стала глобализация процессов экономического и политического развития человеческого общества, которая создала предпосылки для повышения значимости его «информационного измерения». В этих условиях особенно актуальными становятся проблемы обеспечения информационной безопасности, т.е. обеспечения безопасности развития личности, функционирования общественных структур и органов государства в информационной сфере.

Информацию сегодня без преувеличения можно отнести к одному из основных ресурсов страны. Она в современном мире активно влияет на все сферы жизнедеятельности не только отдельных обществ и государств, но и всего мирового сообщества. Однако в определенных случаях информация может использоваться не только во благо, но и во вред интересам личности, общества и государства, поэтому роль информационной безопасности в системе национальной безопасности не только существенно возрастает, но и выходит на первый план.

Речь идёт не только о правах граждан, юридических лиц и государства на свободное получение, распространение и использование информации, но и о необходимости защиты и рациональном использовании государственных информационных ресурсов, защите

конфиденциальной информации и интеллектуальной собственности.

Широкое использование современных информационных технологий во всех сферах общественной жизни существенно усиливает зависимость функционирования институтов общества и государства от устойчивости работы информационных систем, сетей и систем телекоммуникаций, сохранности информационных ресурсов.

В современных условиях существенно возрастает опасность несанкционированных воздействий на информационные системы, сети и системы телекоммуникаций со стороны преступных элементов. Стремительно растет угроза компьютерной преступности. Появилось так называемое «информационное оружие», которое позволяет отдельным государствам или террористическим организациям использовать современные информационные технологии для оказания «силового» воздействия на информационную инфраструктуру государства для достижения тех или иных политических целей.

Всеобщая компьютеризация основных сфер деятельности ведет к появлению широкого спектра внутренних и внешних угроз: нетрадиционных каналов утечки информации и каналов несанкционированного доступа к ней. Повышается уязвимость информационных ресурсов, информационных систем, сетей и систем телекоммуникаций для противоправных действий. В современных условиях проблема защиты информации от несанкционированного доступа, распространения недостоверной информации, нарушения нормального функционирования информационных систем из-за внедрения в них вредоносных программ, программ-шпионов и других преступлений в данной сфере становится особенно острой. Последствия нарушения

правовых режимов информации могут привести к нарушению законных прав и свобод граждан, а также создать угрозы интересам общества и государства

Основными направлениями обеспечения информационной безопасности являются:

- совершенствование нормативной правовой базы, разработка методических и технических документов;

- разработка и совершенствование единой политики в области защиты информации;

- обеспечение защиты государственных секретов;

- противодействие техническим разведкам;

- защита от воздействия информационного оружия;

- организационно-техническая защита информационных ресурсов, информационных систем, сетей и систем телекоммуникаций;

- соответствие информационных систем и объектов информатизации требованиям стандартов и нормативных правовых актов в области информационной безопасности и защиты информации;

- подтверждение соответствия средств защиты информации требованиям безопасности информации;

- выявление, оценка и прогнозирование источников угроз информационной безопасности, оперативное принятие адекватных мер противодействия средствам технической разведки;

- научно-техническое обеспечение и научно-исследовательская деятельность по направлениям защиты информации и обеспечению информационной безопасности;

- подготовка кадров в области информационных технологий и обеспечения информационной безопасности;

- международное сотрудничество.

Современная методология построения безопасных сетей телекоммуникаций, создаваемых на основе

цифровых АТС, систем передачи цифровой синхронной иерархии, оборудования передачи данных, реализованного с помощью протоколов X.25, Frame Relay, ATM, TCP/IP и других, должна базироваться на работах в области международной стандартизации аспектов безопасности и сертификации программных продуктов по требованиям безопасности информации.

Изучение и анализ зарубежного опыта по решению вопросов обеспечения информационной безопасности систем и сетей телекоммуникаций на основе международных стандартов и рекомендаций ISO, ITU-T, ETSI и др. показывает, что основными методами и техническими средствами, позволяющими адекватно удовлетворить требованиям безопасности информации являются:

- аутентификация;
- контроль доступа;
- конфиденциальность;
- целостность данных;
- защита от отказов с подтверждением источника и доставки.

Необходимо отметить, что темпы развития телекоммуникационных технологий существенно опережают темпы разработки и создания методов и технических средств защиты информации.

Одним из важных направлений повышения информационной безопасности в информационных системах, сетях и системах телекоммуникаций является применение криптографического преобразования информации как при ее хранении, так и при передаче по каналам телекоммуникаций. Защита информации методом криптографического преобразования заключается в преобразовании ее составных частей (слов, букв, слогов, цифр) с помощью специальных алгоритмов либо

аппаратных решений и кодов ключей.

Использование криптографических методов является одним из распространенных методов, значительно повышающих безопасность передачи данных в информационно-вычислительных сетях, а также данных, хранящихся в удаленных устройствах памяти, а также при обмене информацией между удаленными объектами. Шифрование снижает опасность несанкционированного доступа, обеспечивая следующие свойства системы: конфиденциальность, аутентификацию, целостность и управление доступом.

Выбор конкретных методов и средств обеспечения информационной безопасности зависит от требований, предъявляемых к защите информации, ее ценности и важности, сроков ее действия и хранения. Кроме того, совокупность методов обеспечения информационной безопасности и средств информации должны отвечать достаточно противоречивым требованиям (стойкость, простота, производительность и надежность).

Основными направлениями обеспечения информационной безопасности информационных ресурсов, информационных систем, сетей и систем телекоммуникаций являются:

- обеспечение бесперебойного функционирования информационных систем органов государственного управления;

- специальная защита информации от средств технической разведки;

- исключение несанкционированного доступа к обрабатываемой или хранящейся в технических средствах информации;

- предотвращение программно-технического воздействия, вызывающих разрушение, уничтожение,

искажение информации или сбой в работе средств информатизации;

- предотвращение перехвата речевой информации из помещений и объектов с помощью технических средств.

Предотвращение перехвата с помощью технических средств информации, передаваемой по каналам связи, достигается применением криптографических и иных методов и средств защиты, а также проведением необходимых организационно-технических мероприятий.

Исключение несанкционированного доступа и воздействия передаваемой, обрабатываемой или хранящейся в технических средствах информации достигается применением специальных программно-технических средств защиты информации, использованием криптографических способов защиты, а также организационными и режимными мероприятиями.

Предотвращение программно-технических воздействий, вызывающих разрушение, уничтожение, искажение информации или сбой в работе средств информатизации, достигается применением лицензионного программного обеспечения, специальных программных и аппаратных средств защиты информации (например антивирусных программ), организацией системы контроля безопасности программного обеспечения.

Предотвращение перехвата техническими средствами речевой информации из помещений и объектов достигается за счет применения технических средств защиты информации, проектных и конструкторских решений, обеспечивающих звукоизоляцию помещений, проведения специальных обследований режимных помещений по выявлению и деактивизации установленных средств перехвата и других организационных и режимных мероприятий.

К основным организационно-техническим мероприятиям по защите информационных ресурсов, информационных систем, сетей и систем телекоммуникаций относится:

- лицензирование деятельности организаций в области обеспечения информационной безопасности;

- создание разрешительной системы допуска и доступа физических и юридических лиц к государственным секретам;

- аттестация объектов информатизации по выполнению требований безопасности информации;

- подтверждение соответствия требованиям безопасности информации средств защиты информации и контроль за ее эффективностью;

- создание и применение информационных и автоматизированных систем управления в защищенном исполнении;

- разработка и использование технических средств защиты информации и методов контроля за ее эффективностью;

- применение методов, технических мер и технических средств защиты, в том числе средств криптографической защиты информации, исключающих перехват информации, передаваемой по каналам телекоммуникаций;

- организация защиты информации от несанкционированного доступа и воздействия, от заражения компьютерными вирусами в информационно-телекоммуникационных системах и локальных вычислительных сетях;

- проведение мероприятий, включающих в себя реализацию организационных и инженерно-технических мер по обеспечению функционирования систем охраны объектов, предусматривающих несколько рубежей охраны,

с комплексным применением интегрированных систем охраны, видеонаблюдения, сбора и обработки информации для осуществления надежной охраны и обнаружения фактов несанкционированного проникновения в охраняемую зону объекта;

- расширение межгосударственного сотрудничества в рамках заключенных договоренностей между государствами, направленного на обмен опытом по проблемам борьбы с киберпреступлениями;

- создание учебно-методической и материальной базы подготовки, переподготовки и повышения квалификации специалистов в области обеспечения информационной безопасности;

Конкретные методы, способы и средства защиты информации разрабатываются в зависимости от степени возможного ущерба в случаях утечки, разрушения или уничтожения.

К числу важнейших задач обеспечения информационной безопасности государства относятся:

- разработка современных методов и технических средств, обеспечивающих комплексное решение задач защиты информации;

- разработка критериев и методов оценки эффективности систем и средств информационной безопасности и их сертификации.

Комплексные исследования и научное осмысление проблем обеспечения информационной безопасности уже не первый год ведутся в Центре научно-технических и маркетинговых исследований (ЦНТМИ) Узбекского агентства связи и информатизации.

Анализ состояния научных исследований, позволил определить приоритетные проблемы научных исследований в области информационной безопасности, на решении которых необходимо сосредоточить внимание.

Значительный объем исследований по проблематике обеспечения информационной безопасности выполнен в области криптографии. История криптографии как направления деятельности, связанного с разработкой и использованием шифров для сохранения в тайне передаваемой информации, уходит в глубокую древность. Основная часть прикладных криптографических исследований всегда была и, видимо, будет закрытой. Эти исследования основываются, прежде всего, на таких разделах математики как теория сложности вычислений, теория вероятности, теория чисел, алгебра, теория информации.

В этой области научно-исследовательским отделом информационной безопасности и криптологии ЦНТМИ проведены следующие научно-исследовательские работы (НИР):

1 Разработка и исследование инструментальных средств криптоанализа криптосистем с открытым ключом (выполнено в 2001-2002гг.);

2 Разработка алгоритма и программы шифрования данных со сложным модулем» (выполнено в 2003-2004гг.);

3 Исследование современных методов оценки криптостойкости систем криптографической защиты информации. Разработка требований безопасности к криптографическим модулям» (выполнено в 2005-2006гг.);

4 Исследование и классификация международных рекомендаций и стандартов в области информационной безопасности (ITU, ETSI)» (выполнено в 2005-2006гг.).

По результатам вышеперечисленных НИР разработан ряд нормативных документов и стандартов:

O'z DSt 1092:2005 «Информационная технология. Криптографическая защита информации. Процессы формирования и проверки электронной цифровой

подписи» (Введен в действ. Постановл. Узстандарта от 17.10.05 № 05-1).

О'z DSt 1105:2006 «Информационная технология. Криптографическая защита информации. Алгоритм шифрования данных» (Введен в действ. Постановл. Узстандарта от 12.04.06 № 05-11).

О'z DSt 1106:2006 «Информационная технология. Криптографическая защита информации. Функция хэширования» (Введен в действ. Постановл. Узстандарта от 12.04.06 № 05-11).

О'z DSt 1109:2006 «Информационная технология. Криптографическая защита информации. Термины и определения» (Введен в действ. Постановл. Узстандарта от 2.06.06 № 05-19).

О'z DSt 1108:2006 «Информационная технология. Взаимосвязь открытых систем. Структура сертификата открытого ключа ЭЦП и сертификат атрибута» (Введен в действ. Постановл. Узстандарта от 31.05.06 № 05-18).

Проект нормативного документа «Требования безопасности к криптографическим модулям».

Перечень рекомендаций и стандартов МСЭ и ETSI в области информационной безопасности, подлежащих разработке в РУз.

Англо-русско-узбекский словарь терминов, используемых в рекомендациях и стандартах международных организаций.

Комплекс алгоритмов и программы для оценки криптостойкости ключей RSA-криптосистем.

Интенсивно развивается направление технических наук, связанное с защитой информации в информационных системах, сетях и системах телекоммуникаций от несанкционированного доступа.

Количество работ, посвященных исследованию

научных проблем обеспечения информационной безопасности увеличивается. В этом направлении ЦНТМИ выполнил следующие НИР:

1 Исследование и разработка методов обеспечения информационной безопасности почты и телекоммуникаций РУз.

2 Исследование объектов почты и телекоммуникаций и разработка классификатора объектов почты и телекоммуникаций по требованиям информационной безопасности.

3 Исследование методов обеспечения информационной безопасности цифровых коммутационных систем.

4 Исследование методов обеспечения информационной безопасности высокоскоростных сетей передачи данных на базе технологий Frame Relay, АТМ, IP.

5 Анализ существующих критериев оценки безопасности технических средств телекоммуникаций и подходы к их сертификации по требованиям информационной безопасности.

6 Исследование методов обеспечения информационной безопасности сетей мобильной связи.

7 Исследование методов обеспечения информационной безопасности сетей ОКС-7.

По результатам проведенных НИР разработаны нормативные документы:

Положение о Системе обеспечения информационной безопасности в области почты и телекоммуникаций (*Утв. Пр УзАПТ от 01.03.99 № 87*)

Положение о службе безопасности хозяйствующих субъектов в сфере телекоммуникаций (*Утв. Пр. УзАСИ от 04.11.02 № 142*)

Положение о классификации информационных

ресурсов предприятий и организаций сферы почты и телекоммуникаций по требованиям информационной безопасности (*пр. № 97 от 28.03.02.*)

Инструкция по организации парольной и антивирусной защиты в системах телекоммуникаций (*Утв. Пр. УзАСИ от 04.11.02 № 142*)

Программа обеспечения информационной безопасности телефонной сети общего пользования (*Утв. Пр. УзАСИ от 29.12.02 № 203*)

Программа обеспечения информационной безопасности в Национальной сети передачи данных (*пр. № 97 от 28.03.02.*) и другие.

Ведется работа по разработке стандартов:

Oz DSt. (ИСО/МЭК 15408) Информационная технология. Методы и средства обеспечения безопасности. Критерии оценки безопасности информационных технологий. Часть 1, 2, 3.

Oz DSt. Информационные технологии. Безопасность. Термины и определения.

Анализируя современное состояние обеспечения информационной безопасности в условиях глобализации, необходимо обратить особое внимание на следующие ключевые моменты:

1. Дальнейшее развитие законодательной базы в области обеспечения информационной безопасности, а также создание научно-методологической базы обеспечения информационной безопасности информационных систем, систем и сетей телекоммуникаций.

2. Лицензирование деятельности организаций в области обеспечения информационной безопасности

3. Создание системы сертификации средств защиты информации.

4. Аттестация объектов информатизации по выполнению требований безопасности информации;

5. Создание постоянно действующей экспертной группы для проведения аудита безопасности информационных систем и сетей телекоммуникаций, проведения экспертизы проектов на соответствие требованиям обеспечения информационной безопасности и разработки рекомендаций по защите информации.

6. Разработка отечественных аппаратно-программных средств криптографической защиты информации.

7. Внедрение систем и средств защиты информации, в том числе на сетях передачи данных и доступа к сети Интернет.

8. Совершенствование системы подготовки и повышения квалификации специалистов в области обеспечения информационной безопасности

9. Организация взаимодействия с зарубежными органами, работающими в области обеспечения информационной безопасности.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА МУРОСАСОЗЛИК ВА ЯКДИЛЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

*М. Бекмуродов – ТДМИ проректори, социология
фанлари доктори, профессор*

Бирор-бир халқ ҳақида фикр билдирилар экан, даставвал ушбу халқ вакилларининг бир-бирлари билан қанчалик ҳамжиҳатлиги, яқдиллиги, аҳиллиги масаласига алоҳида эътибор қаратади. Агар мазкур халқ ўзаро иноқ, ҳамфикр, уюшқоқ деган мулоҳазага келинса, бошқаларда беихтиёр хурмат туйғуси уйғонади. Мабодо, бу халқ хусусида салбий фикрлар билдирилса, бошқалар улардан ўзларини узоқроқ тутишга, ўйлаб иш қилишга ва сергак бўлишга интиладилар. Шу боис ўзаро аҳиллик, миллий бирдамлик масаласи дунёдаги барча халқлар тақдири ва тарихида ҳамиша долзарб бўлиб келган.

Ўзбеклар табиатан жамоавий миллатдир. Бирор-бир ўзбек йўқки, тўйи ёхуд маъракасини кўни-кўшни, қавму-қариндош, яқин биродарларисиз ўтишини тасаввур этса. Демак, миллатимизнинг моҳият эътиборига кўра жамоавий эканлигига шубҳа йўқ. Жамоавий халқ эса ўз тақдири, мақсади, миллий гурури, яқдил ҳаракат қилишга интилиши кучли бўлиши билан фарқланади. Шунингдек, халқимиз ўзининг урф-одатлари, анъаналари, ўзига хос феъл-атвори билан бошқа миллатлардан ажралиб туради.

Жамоавий турмуш тарзи қадим-қадимдан халқимиз вакилларини қишлоқ, маҳалла тизимлари муҳитида яшашларини, шаҳар миқёсида эса муайян касб-ҳунар ёки илм-фан соҳаларида биргаликда фаолият юритишларини тақазо этади. Тўпчилар, кулоллар, қандолатчилар, мисгарлар, темирчилар маҳаллаларда касб-ҳунар асосида бирлашиб яшаганликларини кўрсатади. Илм, тасаввуф ва бадий ижодиётда сулолавийлик, ворисийлик ҳам

жамоавийлик анъаналарини узвий давоми бўлиб келган. Мантиққа кўра, жамоавий турмуш тарзи мустаҳкам бўлган ўзбекларнинг дунёда илғор миллат бўлишини тасаввур этиш мушкул эмас. Аммо илмий кечмишимиз аянчли ва изтиробли лавҳалардан ҳам холи бўлмаганлиги эса, афсуски, бу мантиқни тўла тасдиқлай олмайди.

Нима учун дунёга Абу Наср Фаробийдек алломаларни берган, зардуштийлик дини орқали оламга якка-ю ягона худога сиғиниш маданиятини сингдирган, инсониятга Ал-Хоразмий даҳоси орқали янги усулдаги замонавий санок тартиботларини туҳфа қилган, Ибн Сино орқали тиб илмини юксакларга олиб чиққан, ислом дини мазмунини тўғри ва дунёвий талқин этиб, унинг инсоний моҳиятини теран очиб берган Имом Бухорий, аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Абу Наср ал-Мотурудий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари мутафаккирларни берган, Лутфий, Навоий, Бобур каби сўз мулкининг султонларини етиштирган буюк халқ сўнги тўрт юз йил мобайнида турли изтиробларни бошидан кечирди.

Ушбу саволга жавобни инсоний муносабатлар тизимидаги компромисс ва консенсус тушунчалари моҳиятини таҳлил этиш орқали излашга ҳаракат қиламиз. Маълумки, компромисс деганда икки ёки уч томоннинг вақтинча мураса ҳолати тушунилади. Компромисс ҳолатида томонлар бир-бирларига тоқат қиладилар, рақиблар билан кескин ихтилофлардан онгли равишда тийилиб турадилар. Шу боис ҳам “компромисс” – муваққат, яъни вақтинча келишув ҳолати сифатида тушунилади. Компромисс ҳолатида ташқи зиддиятлар ички шаклга ўтади. Ички зўриқиш вазияти муайян мудаттгача ўзини ошкор этмай туради. Аммо бирор-бир томон учун қулайроқ ижтимоий-сиёсий муҳит юзага келиши биланок, компромисс ҳолати ошкора зиддиятга

айланиб кетади. Табиийки, компромисс ҳолатини миллий менталитет, ахлоқ-одоб, давлат ва жамият бошқарувидаги ўзига хослик маълум даражада жиловлаб туради.

Шу нарса эътиборга молиқки, компромисс ҳолати муайян ижтимоий-сиёсий муҳит, давр, маънавий-маданий ёндашувлар ўзгариши билан консенсусга айланиши мумкин. Шу боис ҳам компромисс оралиқ муҳит бўлиб, таяниш ва ишонч билан ҳамкорлик қилиш учун мустаҳкам бўлмаган ҳолат ҳисобланади. Аммо, жамият ҳаётида моҳият эътиборига кўра компромисс ҳолати керакли ҳодисадир. Жалолиддин Румий таърифига кўра “Муроса бўлса кичик ишлар ривожланади. Муроса бўлмаса катта ишлар ҳам завоқ топади”.

Муроса ҳолатида ҳар икки томон алоҳида-алоҳида ривожланишга интилади. Кичик ишлар бирмунча жонланса-да, катта ишлар ривож топмайди. Шунга қарамай, компромисс ҳолати жамиятда маълум муддатга бўлса-да, муайян турғунлик, тинчликни таъминлашда муҳимдир. Муҳаммад Пайғамбар ташқи тазйиқларга кўра, Маккадан Мадинага кўчиб, ҳижрат қилган чоғларида “Кофирун” сураси нозил бўлган. Маккадаги кофирларга ушбу сура ўқиб эшиттирилган. Унга кўра исломга тазйиқ киритиш тўхталиши, ҳар бир қавм ўз илоҳи, эътиқоди, динида қолиши мумкинлиги эълон қилинади. Жоҳиллар мазкур сура мазмунидан воқиф бўлишгач, пайғамбаримиз жонига қасд қилиш фикридан тўхтаб, Муҳаммадни таъқиб қилишни бас қиладилар.

Демак, ўз вақтида, ақл билан қўлланилувчи, рақиб хушёрлиги, зарарли таъсир қилиш суръатини сусайтиришга қаратилган компромисс муайян наф бериши шубҳасиздир. Аммо, компромисс ҳолатининг миллий муносабатлар асоси, турмуш тарзининг мазмунига айланиб қолиши оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Марказий Осиёдаги XVI аср бошларидан то XX аср

охирларигача бўлган ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётни тўла маънодаги компромисс муҳитига амал қилган давр, деб аташ мумкин. Негаки, бу давр давлат ва ижтимоий мақомга давогар ака-укалар, оталар ва фарзандлар, қариндошлар, бир миллат вакилларининг ўзаро ихтилофлари, вақтинча ўзаро тоқат қилиб яшашлари, доимий ички зиддиятлар муайян мудатда алмашиб амал қилиши воқеаларига тўладир. Шу туфайли ҳам Юртбошимиз Ислом Каримов айтганларидек, XVI ва XX аср оралиғи миллатимиз тарихида энг оғир таназзул даври сифатида тарихга кирди.

Таъкидлаш жоизки, компромисс муҳитидан чиқа олмаган миллат ҳеч қачон рўшнолик кўрмаган ва тараққиётга эриша олмаган.

Компромиссдан фарқ қиладиган консенсус ҳолати инсонлараро муносабатларнинг юқори даражасини ифода этади.

Агар компромисс тушунчасини ифодаловчи иборалар жумласига “тоқат қилиш”, “чидаш”, “бир гапдан қолиш”, “тийилиш”, “ўз манфаатини ўйлаб иш тутиш”, “қош қўяман деб кўздан айрилмасликни ўйлаб ҳаракатланиш”, “рақибини ёқтирмасликни яшириш”, “вазиятни ақл билан баҳолаб бориш”, “рақибининг ҳаракатидан доимий хушёр, сергак бўлиб туриш”, “муайян чегарани сақлаб келишиш” сингарилар хос бўлса, консенсус тушунчасини “меҳр”, “қалбий ва рухий яқинлик”, “дўстлик”, “ўзгалар манфаатини ўйлаб иш тутиш”, “яқдиллик”, “саҳоват”, “муҳаббат”, “қадрлаш”, “бошқаларни ўзидек билиш”, “фидойилик” сингари сўзлар ифодалайди. Шу ўринда Хўжа Баҳоуддин Нақшбандийнинг “Кимки ўзи ҳақида қайғурибди, демакки у ўзини ўйламабди, кимки ўзгалар ҳақида қайғурибди, демакки у ўзини ўйлабди” деган пурҳикмат сўзларини компромисс ва консенсус тушунчалари фарқини айнан

очиб беради.

Инсоний муносабатларда консенсус тушунчаси ўзаро яқинликнинг қуйидаги таснифида ёрқин намоён бўлади.

Одатда одамлараро яқинлик ўзаро танишув, яъни “танишчилик”дан бошланиб, бир-бирини “билишчилик”ка ундан эса “жўрачилик”ка, кейин ака-ука даражсидаги “оғайнигарчилик”ка, сўнг эса “дўстлик” даражасига – олий босқичга ўтади. Мазкур эвалюцион динамика моҳият эътиборига кўра поғонама-поғона юксалиш хусусиятига эгадир. Турли миллатларда бу жараён турли кечади. Масалан, атоқли ёзувчи Виктор Гюго французлар дўстлиги хусусида фикр юритиб, бу халқ вакилларининг фавқулодда садоқатлилиги ва ўз яқинларининг манфаати йўлида жонини фидо этишга ҳамиша тайёр бўла олишини ўзининг машҳур “1793 йил” номли романида маҳорат билан гасвирлаган.

Шунингдек, Жек Лондоннинг “Мартин Иден”, Лев Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” асарларида ҳам дўстлик даражсидаги инсоний яқинлик лавҳаларини кўплпб учратамиз. Мазкур халқлардаги дўстликка садоқат лавҳалари ўзаро тенг ёшли, мавқе ва мартабаси ҳар хил, аммо маслаги бир одамлар ўртасида кечади. Бу халқлар ҳаёти билан бадиий асарлар орқали танишган китобхонлар дўстликнинг самимий қудратига ишонадилар.

Халкимиз тарихида дўстлик туйғуларини тараннум этувчи асарлар бисёр. Хусусан, бу борада биргина Алишер Навоийнинг “Фарход ва Ширин” достонидаги Фарход ва Шопур, Навоий ва Ҳусайн Байқаро дўстликларини эслаш кифоя. Аммо Фарход ва Шопурнинг ўзга юртлик эканлиги, Навоийнинг Байқарога ҳақиқий дўст бўлганлиги, аммо Байқаронинг эса Навоийга муносабати моҳиятан сиёсий ҳамкор, оғайни ёки жўра даражсида қолганлиги беихтиёр кишини ўйга солади. Миллатимиз тарихида дўстликни

тараннум этувчи бадий лавҳалар, ҳаётӣ воқеаларнинг бадий тасвири етарли даражада ёритилмаганлиги маълум бўлади. Дустлик туйғуларининг кам тарғиб этилганлиги эса ўзаро ахиллик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорликнинг амалга ошиши, бу ишларнинг самарадорлигига ўзига хос таъсир кўрсатган.

Дунёдаги жуда кўп бунёдкорликлар буюк ҳамкорлик орқали бажарилган. Масалан, хитойликлар Буюк Хитой деворини 250 йил мобайнида бунёд қилишган ва бу ишда 25 император ўзидан олдинги ҳукмдор бажарган ишни узлуксиз тарзда давом эттирган. Миср эҳромлар, сфинкслар қурилиши ўндан зиёд фиръавн ҳукмронлиги давомида босқичма-босқич бунёд этилган. Худди шундай ҳолатни Рим ва Париж шаҳарлари қурилишида ҳам учратамиз.

Ўзбек халқи ўз маданий тарихи мобайнида кўплаб улуг иншоотлар, дунёни лол қолдирувчи бетакрор обидаларни барпо этган. Аммо уларнинг барчаси фақат бир ҳукмдорнинг салтанати давридагина бунёд этилган. Бу эса, халқимизда миллий маданиятимиз, тарихимиз узвийлиги, меъросимизга ҳурматни мустаҳкамловчи ворисийлик анъаналари биров беқарор бўлган, дейишга асос бўлади. Жумладан, Амир Темур бунёд этиган кўпгина буюк иншоотларнинг Абдуллахон томонидан буздирилгани, Улуғбек қурдирган юзга яқин бинолардан фақат битта мадраса омон қолгани, Бобур асос солган биноларнинг аксарияти вайрон қилингани тарихдан маълум. Буларнинг барчаси миллий истиқлолга эришганимизга қадар халқимизнинг асосан компромисс муҳитида яшаганлиги, консенсус даражасига юксала олмаганлигини кўрсатади.

Фақат миллий истиқлол халқимизнинг феъл-атвори, ҳаётга бўлган муносабати, менталитетининг тубдан ўзгартиришга, ҳамжиҳатлик, яқдиллик руҳига суғорилган

яқинликни таъминлашга имкон яратади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Президент Ислом Каримов асарларининг мазмуни халқимизни миллий бирлик, ўзаро меҳрилилик, биродарлик ва дўстликка даъват этувчи ғоялар мажмуидан иборатдир. Истиклолнинг ўтган 15 йили мобайнида амалга оширилган улуғвор бунёдкорлик ишлари айтилиши вақтида халқимиз менталитетини консенсус сари йўналтиришга ҳам муносиб тарзда хизмат қилиб келмоқда. Ўзбек менталитетини консенсусга даъват этиш ғояси юртбошимиз томонидан белгиланган стратегик тараққиёти концепциясининг асоси бўлди. Президентимиз ана шу мақсадни амалга оширишга тўғанок бўлиб келган хавф-хатарлар тизимини асослаб, улардан маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, қариндошчилик, порахўрлик сингари иллатларнинг айниқса хавфлиликни таъкидлайдилар: “Ҳар бир шахснинг миллий ўзлигига қайтишини, ўзлигини минтақавий асосда англаши белгилаб бермаслиги керак... Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликни, тор доирада этник-минтақавий фикр юритишнинг кўриниши деб ҳисоблаш керак”.

Консенсус тушунчаси муштарак манфаатлар бирлигини ҳам тақазо этади. Манфаатлар муштараклиги эса корпоратив яқинликни шакллантириш заруратини туғдиради. Президентимиз Ислом Каримов англаган корпоратив манфаатлар уйғунлигини таркиб топтириш хусусида шундай дейди: “Жамият ичидаги алоҳида шахсларнинг уюшқоқлик билан жипслашишига уларнинг қайси уруғга, ҳудудга ёки этник гуруҳга мансублиги эмас, балки умумдавлат даражасида корпоратив манфаатларнинг яхши англаган муштараклиги асос бўлиши керак.

Барча минтақалар, барча этник ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ўртасида мувозанат

Толерантлик ижтимоий тузум характериға кўра синфий йўналишға эға бўлиши, умуминсоний тамойиллар қарор топған жамиятда эса синфий, миллий, ирқий ёки гуруҳий чегараланишлардан ҳоли амал қилиши ҳам мумкин. Толерантлик - умуминсоний қадриятларнинг адолат, озодлик, хурмат, тенглик, ҳамкорлик, тинчлик, осойишталик, тотувлик, ватанпарварлик, меҳрибонлик, садоқатлилик сингари тушунчалари билан бевосита боғлиқликда бўлиб, уларнинг бирортаси мазмунида мувозанат бузилгудек бўлса, толерантлик меҳрсизликка, эгоизмға айланиб кетади. Луи Ж.Хэммени (АҚШдаги Геттисберг университети профессори) толерантликни ўзига хос ижобий маънавий хислат деб ҳисоблайди. Бирок бошқаларни тушуниш, англаш истаги фавқулдда қийинчиликларни пайдо қилиши ва жиддий муаммоға айланиши мумкин. Толерант хатти-ҳаракатни ҳар қанча ижобий деб баҳолаган билан, барибир, «толерантлик» тушунчаси у қадар равшан эмас.

Биз ўрганган маънодаги толерантлик ўзгаларни очиқ диалогға таклиф қилиш ҳамда кўнгилсиз, нафратға лойиқ элементларға бардош бериш ўртасидаги диапазонда амал қилиб келмоқда.

Толерантлик ҳар бир халқда ҳар хил даражада шаклланади ва намоён бўлади. Унинг шаклланиш даври ва ифода этилиш шакли, кўлами, халқнинг ҳаёт тарзи, тарихий-маданий кечмиши, анъаналари, руҳиятнинг ўзига хослиги, умуммиллий темперамент, табиат, иқлим шароитлари, иқтисодий аҳволи, илмий-техник такомил даражаси, эстетик-ахлоқий тайёргарлиги, диний-ирқий мансубликлар билан бевосита боғлиқдир. Шу боисдан ҳам толерантлик мураккаб ижтимоий-илмий тушунча сифатида ўзининг кўп тармоқли ички таркиби ва мазмуниға ҳам эгадир. Бундай кенг ва мураккаб тушунчани фақат унға яхлит ижтимоий-фалсафий ҳодиса сифатида қараб,



Иймонни, эътиқодни, умуман олганда, том маънодаги инсонийликни таъминловчи барча омиллар қалбида чуқур томир отган фуқароларга эга мамлакатгина мустақил ва барқарор ривожлана олади.

Шунинг учун толерантликни ўрганиш ва шундан келиб чиқиб иш кўриш, Ўзбекистон мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш вазифалари билан боғлиқ равишда тадқиқот олиб бориш ҳозирги кундаги долзарб вазифадир.

Бугунги кунда толерантлик муаммоси маданий таъсир ўтказиш, маданий экспансияга йўл қўйиш муаммосига айланмоқда. Бу сиёсий ирода, сиёсий ва ҳарбий хатти-ҳаракатлар билан боғланади. Маданий толерантлик маданий қизиққонликка зиддир. Маданий келишмовчилик – низо ҳолатидаги миллатлар ўртасида толерант муносабатлар ўрнатиш имконияти, башарти у ички онг даражасида шакллантирилгандагина ойдинлашади. Бу ҳолда толерантлик маданиятининг ҳаётий дунёси, ўзининг воқелиги ўзига ҳослигини, унинг вакиллари эса улар ўз турмушларининг экзистенциал маъно-моҳиятини сақлаб қоладиган сўнгги асослар масаласига айланади. Яъни толерантликнинг сўнгги сарҳадлари – бу, эҳтимол маданиятли оламнинг «харобалар»и бўлиши мумкин. Модомики, маданий толерантликнинг ўзи толерантлик меъёридир.

Агар қонунларга ва адолатга, бошқа ижтимоий ва ахлоқий қадриятларга сўзсиз риоя қилинса, миллатлараро толерантлик тез шаклланиши ва ривожланиши мумкин. Агар у ёки бу халқлар ва элатларнинг вакиллари ўзларини бошқа халқларнинг аҳволи, мавқеи, тақдири учун жавобгар деб ҳисобласалар, ҳар бир халқ бошқа бир халқнинг мустақиллигини ҳурмат қилса, бир халқ ўз манфаатларини ва бошқа халқлар манфаатлари билан бир хил деб билсалар, уларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш

имкониятларини қидириб топсалар миллатлараро толерантлик тобора ривожланиб, мустаҳкамланиб боради.

Миллатлараро толерантлик, ҳар бир миллат ва элатнинг ўз вазифалари ва бурчини англаб етишни назарда тутати. Бу вазифалар ва бурч кўп миллатли муҳитда ҳаёт кечириш, шу жумладан, ўзининг муносабатларига, малака ва кўникмаларига, мулоқот олиб бориш эҳтиёжига талабчанлик билан қараш зарурлиги, яъни бир-бирини тинглаш, тушуниш, шунингдек, кўп йиллар мобайнида тўпланиб қолган муаммоларни сабр-тоқат билан ўзаро маслаҳатлашиб, ҳар қайси томонлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич ижобий ҳал қилишга интилишни тақозо қилади.

Аввало шунини таъкидлаш керакки, толерантлик миллатлараро алоқа маданиятида миллатлар ва элатларга ўзлигини англатиши билан бирга қуйидаги масалаларни ҳам эътиборга олишни тақозо этади:

- миллатлар, элатлар, ирқларнинг ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиши;
- ҳар бир миллат, элатнинг тилларини қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш;
- ҳар бир халқ тарихини ҳурмат қилиш;
- бошқа халқлар миллий урф-одат ва маросимларига сабр-тоқат билан ёндоша билиш;
- турли динларга эътиқод қилувчиларга ҳалал бермаслик;
- миллий феъл-атвор хусусиятларининг ҳисобга олиниши миллатлараро тотувлик жараёнига бевосита таъсир кўрсатади.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ҚУРОЛЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЛАШТИРИШ ВА ИНТЕЛЛЕКТГА ҚАРШИ ҚУРОЛЛАР

*подполковник А. Абдужамилев - ТАТУ ҳарбий
кафедраси мудири, физика-математика фанлари
номзоди*

Ҳозирги кунда инсоният Ердаги ҳаётни бир неча маротаба йўқ қилиш имконига эга бўлган жуда катта миқдордаги қуролларни ишлаб чиқди. Шу билан бирга дунё жамоатчилиги тазъийқи остида ўта ҳавfli оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиш, оддий қурол заҳираларини камайтириш, уларни ишлатиш ҳавфини қисқартириш чоралари кўрилмоқда. Яратилаётган қуролларга шундай кўриниш берилмоқдаки, улар йўқ қилиши зарур бўлган нишонларни танлаш, атроф-муҳитга кўрсатадиган зарарини камайтириш ҳисобига янги кўриниш олмақда. Бу эса танлаш хусусиятига эга бўлган юқори аниқликдаги қурол (ЮАК)ни, душманга таъсир кўрсатувчи учмайдиган, хусусан, информацион воситаларни яратишга сабаб бўлди.

Қуролли кучларнинг ахборот технологиялари билан ўзаро муносабатидаги асосий муаммолардан бири шундаки, у иттифоқчи армияларнинг ҳарбий потенциалларини бирлаштириш ва шу билан уларни кучайтиришга қаратилган Ахборот технологиялари уларнинг ҳамкорлиги учун тўсиқ бўлиб қолмоқда, чунки кўмондонликнинг барча бўғинларидаги бошқарув тизимлари бир-бири билан ханузгача ишлай олмайди. «Совуқ уруш» вақтларида мудофаа ташкилотларининг инфо-коммуникацион тизимларига четдан кириш мумкинлиги ҳақидаги фикрнинг ўзи уларнинг раҳбарларини даҳшатга солиб келар эди. Ва ахборотларнинг четга чиқиб кетишидан сақланиш

мақсадида — ҳар қандай ташкилотда ахборот хавфсизлигининг мустаҳкам деворлари қурилди, ҳозирда халқаро сиёсий вазият ўзгарган бир вақтда унинг мустаҳкамлигини ўзгартириш Берлин деворини бузишдан ҳам қийин масаладир.

Ахборот технологияларига эга бўлган куролли кучлар замонавий уруш талабларига жавоб берувчи жанговар ҳаракатларни олиб боришнинг махсус тажтикасига, ташкилий-штат тузилмасига, шахсий таркибнинг ва курол-яроғларнинг тайёрланиш даражасига эга бўлган қўшинларнинг янги тоифаси ҳисобланади. Бироқ ахборот технологияларини давлат мудофаа тизимига тадбиқ қилиш фақат қўшинларни рақамли алоқа қурилмалари, жанговар бошқарувнинг электрон мажмуалари, космик навигация асбоблари ва юқори аниқликдаги куроллар билан таъминлашгина дегани эмас. Шунинг билан чиқармаслик лозимки, мамлакат мудофааси давлатнинг бошқа фаолиятлари билан, жамият билан икки ёқлама алоқага эга бўлган муҳим вазифаларидан биридир. Демак, мудофаа ташкилотлари давлатнинг бошқа тузилмалари каби, ўз коммуникацияларини ривожлантиришга, кундалик фаолиятининг самарадорлигини ва иқтисодини оширишга интилиши лозим. Бунинг учун бугунги кунда тармоқ технологиялари ва Интернет сермахсул восита ҳисобланмоқда. Ҳарбийларнинг махфийликка интилишларига қарамасдан, улар мудофаа ташкилотларида кенг қўлланилмоқда.

Компьютер терроризми билан кураш, худди куролли терроризм билан кураш каби глобал муаммодир, шунинг учун, бу курашда барча аксилтеррор кучларнинг бирлашиши фақат қўллаб-қувватланади ва умумий иш фойдаси учун хизмат қилади.

Гигант ҳарбий-ахборот фазоси — Глобал ахборот матрицаси (Global Information Grid, GIG)нинг ёки бошқача

айтганда, «Ҳарбийлашган Интернет» мегатармоғи кўпроқ компьютер ўйин-стратегия «Warcraft»ни эслатади, фарқи шундаки, у ўйинчоқ эмас, балки ҳақиқий жанговар операцияларни кузатиб боришга қаратилган ва миллиард марта қимматроқ туради.

GIG тизимининг мақсади қуроли кучлар ихтиёрига сайёранинг ихтиёрий нуктасида пайдо бўладиган ва мамлакат хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган реал вақт шароитида янгилаб турувчи кўринишларни тақдим этишдан иборат.

Қуроли кучларнинг ва разведканинг маълумотлари бирлашган юқори даражада ҳимояланган глобал тармоқни яратиш эҳтимоли мавжуд. Айнан шундай Интернет XXI асрда бир тарафдан жанговар ҳаракатлар олиб бориш тартибини белгиласа, иккинчи тарафдан эса, XX асрда ядро қуроли қилганидек, бундай ҳаракатлар бошланишини ушлаб турувчи фактор бўлиб хизмат қилади. GIG лойиҳасига қарши бўлганлар асосланган қарши далилларни келтирмоқдалар. Бу далиллар «глобал ҳарбийлашган тармоқ» унинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи — мақсадли-бузғунчи энергетик таъсирдан тортиб, то вирус инфекциялари ва хакерлар ҳужумигача бўлган масалалар етарлича ишлаб чиқилмаганлигига асосланмоқда. Ҳозирча эса «ҳарбий Интернет» доирасида ахборот терроризмига қарши туриш усуллари изланмоқда.

Мудофаа хизматлари ахборот тизимларининг чегараланганлиги, яқкаланганлиги ва турли-туманлиги маҳфийлик ва хавфсизликка бўлган талаб натижаси бўлиб қолмай, шунингдек ўз статусини кўтариш ва қувватлашга қаратилган ҳарбий-бюрокрatik муносабатларнинг ҳам ҳосиласидир. Бундай муносабатлар сақланиб қолар экан, анъанавий куч ташкилотларининг зиддиятлар муҳитидаги

янги интеграллашган технологияларнинг киритилиши давом этаверади.

Пентагон ўз ахборот тизимларининг хавфсизлигига миллионлаб долларни сарфлашига қарамасдан, кўплаб тармоқ «бомбардимонларига» учраётганини важ қилмоқда: бир йил давомида Қўшма Штатлар Мудофаа вазирлиги компьютер тармоқларига ноқонуний киришга уринишлар 75 мингдан кўпроқ марта содир этилган. Тахминларга кўра, «хукумат хакерлари» командаси нафақат компьютер террористларига қарши курашни йўлга қўя олади, улар шунингдек, АҚШнинг рақиблари бўлган давлатлар курулли кучларининг тармоқ комплексларига стратегик жиҳатдан муҳим бўлган ахборотларни эгаллаш, ҳамда уларни ўз-ўзидан кўпаювчи, бутун мамлакатнинг Ҳаво хужумидан мудофаа тизимини ишдан чиқара оладиган вируслар билан заҳарлай оладилар.

Бироқ «махсус-ҳарбий» бўлмаган, «фуқаро» Интернетидан куч тизимлари мақсадида фаол фойдаланиш фақат Америка Қўшма Штатларигагина хос эмас. Ҳозирги кунда жуда ривожланган, турли вазифалар бажарувчи ва ҳар хил кўринишдаги веб-ресурслар ва сервисларга Буюк Британия ва Германия, Австралия ва Янги Зеландия Мудофаа вазирликлари эга, Хитойда ва МДХ давлатларида ҳарбий вазифаларга эга бўлган тармоқли ахборот тизимларини куриш жадаллик билан олиб борилмоқда. Шунингдек, ўтиш лозимки, турли соҳаларда интернетлаш ишининг бошловчилари роли курулли кучлари унчалик қувватли бўлмаган Сингапур каби давлатнинг мудофаа департаменти амалдорларига тегишлидир. Аҳолиси 3 миллиондан бир оз ортиқ бўлган шаҳар-орол хукумати миллий мудофаа ва давлат хавфсизлиги масалаларига жиддий қарамокдалар. Икки йиллик ҳарбий хизмат балоғатга етган соғлом эркеклар учун конституцион мажбуриятдир, заҳирага

бўшатишларидан сўнг, 50 ёшга етгунларича ҳарбий хизматга мажбур бўлганларнинг барчаси ҳар йили белгиланган ҳарбий қисмларга чақириладилар ва уч ҳафталик йигинларга жалб қилинадилар. Бунда сингапурликнинг ижтимоий ҳолати, моддий аҳволи ёки иш фаолияти қонун олдида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас: ким бўлишингдан қатъий назар – такси ҳайдовчисими ёки ҳукумат аъзосимисан, - биринчи галда сен «энс-мен» («NSman» — National Service man – «миллий хавсизлик ходими»), яъни аскар ёки офицерсан. Агар «энсмен» мамлакатни бир суткадан ортиқ вақтга ташлаб кетмоқчи бўлса, MINDEF (Singapore Ministry of Defence – Сингапур Мудофаа вазирлиги)дан махсус рухсат олиши ва исталган вақтда чет элдан чақириб олиш учун боғланиш телефонларини қолдириши зарур. Шунингдек, ҳарбий хизматга мажбур кишиларнинг ҳар бирини мунтазам равишда диспансеризациядан ўтказиш ҳақида ҳамда ўзларининг фуқаролик ҳаётларида доимо мустақил ҳолда жисмоний ҳолатларини «тўлиқ жанговар шайликка» мос ҳолда сақлаб туриш лозимлигини унутмаслик керак.

Сингапур заминига супер замонавий ахборот технологияларини киритиш маҳаллий давлат ҳокимиятларига кенг масштабли назорат ишларини олиб боришда катта енгиллик беради, улар олдида чегарасиз истиқболларни очади. Сингапурлик ҳарбий хизматга мажбур кишиларнинг Мудофаа вазирлиги билан амалда кўп сонли, турли кўринишдаги ва зарурий алоқалари Интернет орқали амалга оширилганлиги сабабли MINDEF сайти энг яхши ривожланган сайтлардан ҳисобланади. MINDEF маълумотлар базаси ҳар бир «энсмен» ҳақида мумкин бўлган барча ахборотни, яъни анкета маълумотларидан бошлаб, тиббий ҳужжатларгача ўзида сақлайди.

Бошқарилувчи қурилмалар (БК) замонавий

қуролларнинг энг мураккаб, қимматли ва «ақлли» қисмини ташкил қилади. Янги ахборот технологияларини қуролланиш тизимига киритиш жанговар ҳаракатларнинг шакли ва усулларини кескин ўзгартирди.

Қуролларни йўналтиришнинг ва бошқаришнинг замонавий тизимлари кенг имкониятларга эга. Улар автоматик ҳолда учишнинг оптимал траекториясини танлаши, қуролнинг нишонни самарали йўқ қилиш вазиятини топиши, унинг манёврларини кузатиши ва ниҳоят, кўпчилик объектлар орасидан кераклигини танлаши мумкин. Нишонни танлаш учун уни «таниб олиш» зарур. Бунинг учун йўналтириш ва бошқариш тизимларини ажратиш қобилияти юқори бўлган датчиклар, юқори самарали ҳисоблагич – «мия» билан жиҳозлаш, бу қурилмани олинаётган маълумотни ўз хотирасидаги ахборот билан солиштириш йўли билан мустақил қарор қабул қилишга «ўргатиш» зарур.

Датчиклар – йўналтириш тизимининг кўзларидир. Турли физик қонуниятларга асосланган бундай қурилмаларнинг кўпгина турлари мавжуд. Инфракизил диапазондаги, радиолокацион, лазер, оптик диапазонлардаги датчиклар кенг тарқалган. Бундай қурилма объектни унинг уч ўлчамли образи бўйича «таниб олади» ва қуролни унга йўналтиради.

Таниб олиш автоматининг «мияси» - рақамли ҳисоблагичлардир. Улар датчикдан олган ахборотни қайта ишлайди.

Мутахассисларнинг фикрича фақат битта датчикдан олинadиган ахборотни қайта ишлаш учун процессорнинг ишлаш тезлиги секундига 5-10 млрд. операция бўлиши керак.

Бир нечта датчикдан олинadиган жуда катта миқдордаги ахборотни қайта ишлаш, компьютер хотирасида сақланаётган андозалар (эталон) билан солиштириш ҳамда

зарур ечимни чиқариб бериш вазифасини сунъий онг тизими бажаради.

Юқори аниқликдаги интеллектуал қурол тизимининг иккита асосий кўриниши мавжуд. Биринчиси, асосан яқин жанглар учун қўлланиладиган тури бўлиб, таниб олиш қурилмаси бошқарилувчи қурол ташувчисида жойлашади. Иккинчи тури узоқ масофа қурилмалари (масалан, қанотли ракеталар) учун ўринли бўлиб, нишонга йўналтириш тизими бошқарилувчи қуролнинг ўзида жойлашди. Бундай қурол учиб чиққандан сўнг тулик автоном ҳолатда бўлади. Нишон жойлашган ҳудудда нишонни у ўзи излайди, топади, «таниб олади», мўлжалга олади ва уни йўқ қилади.

Умуман олганда, қуролни интеллектуаллаштириш бир вақтнинг ўзида бир қанча нишонни йўқ қилиш, ўт очиш жараёнида уларнинг аҳамият даражасини белгилаш, кейинги вазифаларни бажаришга тизимни тезкор қайта дастурлаш, ахборот алмашилиш имконини беради. «Ўқ узилди ва эсдан чиқарилди» тамойили ҳозирги кунда юқори аниқликдаги қуролларни яратишда муҳим ўрин тутади.

Бошқарилувчи қурол билан бир вақтда ҳарбий тайёргарликнинг ахборот ташкил этувчиси ҳам ривожланиб борди. У ахборот таъминоти (бинокль, симли телефон)дан бошланиб, ҳозирда қўшинлар ҳаракатини жанг майдонида ахборот билан қўллаб турувчи мураккаб тизимга айланди. Разведканинг, бошқаришнинг, алоқанинг, навигация ва радиоэлектрон курашнинг глобал воситаларини, юқори аниқликдаги қуролларни комплекс қўллаш мутахассислар томонидан ҳарбий ҳаракатлар театри (ХХТ)нинг ахборот қуроли деб баҳоланди.

Ҳарбий ҳаракатлар театрининг ахборот қуроли замонавий ахборот қуролининг ахборот-техник ташкил этувчиси ҳисобланади, бунда ҳужум ва ҳимоя қилишнинг

асосий объектлари сифатида ахборот-техник тизимлар (бошқариш ва алоқа тизимлари, телекоммуникация тизимлари, турли радиоэлектрон воситалар) ҳисобланади.

Ахборот қуролининг душман иродасини букишга йўналтирилган инфор­мацион-психологик ташкил этувчиси ҳам аҳамиятга эга. Бунда ҳужум ва ҳимоянинг асосий объектлари бўлиб қўшинлар шахсий таркибининг, қарши тараф аҳолисининг жамоат фикрини шакллантириш тизимлари ҳисобланади.

Инфор­мацион-психологик таъсир хусусий ҳолда ташвиқот кўринишида бўлиб, бу очик кўринишдаги таъсир ҳисобланади. Бунда инсон ахборотни танқидий қабул қилиши ва баҳолаши, бошқа каналлар орқали текшириб кўриши, яширин (асосий) мақсадни аниқлаши мумкин ва ўзи тўғри деб ҳисоблаган қарорни қабул қилиши мумкин.

Лекин ҳозирда инфор­мацион-психологик таъсирнинг шундай восита ва услублари ишлаб чиқарилмоқдаки, бунда таъсир остидагилар ўзлари тушуниб етмаган ҳолда қарор қабул қилишлари, таъсир кўрсатувчи тарафга фойда келтирувчи ҳаракатлар қилишлари мумкин.

Бунга яширин кўринишдаги инфор­мацион-психологик таъсирлар мисол бўлади, яъни яширин руҳий технологиялардан фойдаланган ҳолда таъсир остидаги шахс таъсир мақсадини, унинг кўринишини сеза олмайди. Инсон яширин ҳолда (ўзининг розилигисиз) мустақил ҳолда мантиқий қарор қабул қилишдан, ўз хоҳишларини бажаришдан, ўз ҳатти-ҳаракатини танлаш эркинлигидан маҳрум қилинади.

Бунга инсон онгини ўзгарган ҳолатга ўтказиш йўли (психотроп моддалар ёки гипноз) билан, ёки бошқарувчи ахборотни, чалғитувчи хабарни (аудио- ва видео- жихозлар ёрдамида) тўғридан-тўғри онгига «киритиш» йўли билан эришилади. Натижада таъсир остидаги шахс ўзига

киритилган дастур бўйича ҳаракат қилади ва зомби кўринишига келиб қолиши мумкин. 25-кадр ҳодисаси, нейролингвистик дастурлаш усулларининг очилиши, яъни руҳий-жисмоний қуролнинг мавжудлиги инсон ҳатти-ҳаракатини бошқа шахс томонидан ўзига керак йўналишда бошқариш имконияти мавжудлигини исботлайди.

Яширин кўринишдаги информацион-психологик таъсирлар руҳий-жисмоний қуролнинг асосини ташкил қилади. Бундай қуролни яратишга тоталитар секталар, жинорий уюшмалар, гиёҳванд моддалар билан шуғулланувчилар катта қизиқиш билдиради. Террористик гуруҳлар ҳам ўзини ўлимга маҳкум этувчиларни тайёрлашда ундан фойдаланмоқдалар. Бундай «қайта ишловдан ўтган» шахслар оидин фикрлаш қобилиятини йўқотадилар ва бировнинг хоҳишини кўр-кўрона бажара бошлайдилар. Интеллектга қарши қуролларни қўллаш вақт бўйича ҳам, ҳудуд бўйича ҳам чегараланмаган. Улар ҳуқуқий чегаралар билан боғланмаган ва уруш эълон қилинмасдан туриб амалга оширилиши мумкин.

Финляндия армияси ғайри оддий муаммо билан тўқнашди. Ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг кўпчилигини хизмат муддатти тугамасдан уйга жўнатишга тўғри келмоқда. Бунинг сабаби – ёш йигитлар Интернет-боғлиқликка дучор бўлганликларидадир. Ҳарбий шифокорларнинг аниқлашича, ҳарбий хизматга чақирилганларнинг баъзи бирлари ўзларининг компьютерларини шундай соғинадиларки, усиз олти ойлик мажбурий хизматни ўтказа олмай қоладилар. Доимо Интернет-ўйинлар ўйнайдиган, дўстлари ва бошқа қизиқишлари бўлмаган инсонлар учун армиядаги хизмат – ҳақиқий машаққат бўлади. Шифокорларнинг фикрича, ёш йигитлар Интернет-боғлиқликнинг оғир шаклидан азият чекадилар. Финляндия армиясидаги Интернет-гиёҳвандлар сони ҳақида расмий маълумотлар йўқ. Ҳарбийларнинг

айтишича, Интернет-боғлиқ ёшларни уч йилга уйларига - даволаниш учун юборадилар. Муддат ўтганидан сўнг уларни яна хизматга чақирадилар.

Ахборот хуружини олиб боришда Интернет тармоғидан фаол фойдаланиш, одатдаги бошқа восита ва технологияларга нисбатан бир қанча белгиларга эга эканлиги билан характерланди. Бу белгиларга қуйидагиларни мисол қилишимиз мумкин.

Тезкорлик. Алоҳида саҳифаларда ва Интернет-нашрларда ахборотни жойлаштириш ва доимий равишда уни янгилаб туриш электрон кўринишдаги материалларни тайёрлаш учун кўп вақт талаб қилмайди. Бунда фойдаланувчилар ахборотни реал вақт режимда оладилар.

Кам харжлик. Қўйилган вазифаларни бажаришда кам сонли персонал ва моддий воситалар қўлланилади.

Таъсир манбасининг яширинлиги. Одатда, глобал тармоқдаги агрессия ҳаракатлари оддий бузғунчилик ҳаракатларидан фарқ қилмайди. Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда киберхужумни жуда кенг доирадаги шахслар – ҳарбийлар ва разведкачилар, партизан тузилмалари, жиноятчилар, ишлаб чиқариш рақобатчилари, хакерлар ёки бирон нарсадан норози бўлган оддий шахслар ҳам амалга ошириши мумкин.

Таъсирнинг масофадан туриб кўрсатилиши. Дунёнинг турли минтақаларидаги компьютер тизимларига масофадан таъсир кўрсатиш мумкин. Бир мамлакатда туриб иккинчи давлат тизимига таъсир кўрсатилганлиги ҳақида бир қанча мисоллар мавжуд.

Таъсир оқибатларининг кенг масшталлиги. Жамоат фикрига, муҳим қарор қабул қилувчи расмий шахсларнинг қарашларига таъсир кўрсатиш билан бирга, алоҳида районлардаги, мамлакатлардаги ёки минтақадаги ҳаётий муҳим объектларнинг ва тизимларнинг нормал ишлашини издан чиқариши мумкин. Мутахассислардан

бири «Агар мени яна 12 та компьютер мутахассиси билан бирга бир хонага ўтқазиб қўйсангиз, рақиб инфраструктурасига ҳар қандай бомбардимончи самолётдан ёки бутун бир флотдан кўра кўпроқ зарар етказишим мумкин», деган фикрни билдирган.

Ахборотни комплекс равишда узатиш ва қабул қилиш. Интернет саҳифаларда ўқишга қулай бўлиши учун ахборотлар матн кўринишидаги каби, график кўринишда ҳам жойлаштирилади. Унинг ҳажми эса, ҳар қандай нашр, радиоэшиттириш ёки телевизион кўрстув ҳажмидан катта бўлиши мумкин. Замоनावий мультимедиа технологияларини қўллаган ҳолда, шарҳ ва мусиқалар ёрдамида фойдаланувчиларга қўшимча эмоционал таъсир кўрсатиши мумкин.

Ахборотнинг очиқлиги. Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Санокли онларда улар чегара, цензура ва бошқа тўсиқларсиз турли мамлакат серверларида мавжуд бўлган ахборотдан фойдалана оладилар. Шу билан бирга ҳар бир фойдаланувчи ўзининг маълумотларини бошқа мамлакат серверларига жойлаштириши ёки хабарларни бутун дунёга тарқатиши мумкин.

Интернетнинг барчага маълум имкониятларига кўп тўхтамасдан, тармоқдан ахборот хуружи йўлида фойдаланишнинг баъзи йўналишларини кўриб чиқамиз

Биринчи. Электрон хатлар (e-mail) тарқатиш; янгилик гуруҳлари (newsgroup)ни ташкил этиш; фикр алмашилиш сайтларини яратиш; ахборотни алоҳида саҳифаларга жойлаштириш каби йўллар билан *махсус тайёрланган (ёлгон) ахборотни тарқатиш.*

Иккинчи. Ахборот хуружи манфаатлари йўлида тез-тез учраб турувчи йўналиш – *сайтлардаги ахборот мазмунини алмаштириб қўйиш.* Бу иш сайтга бузиб кириш йўли орқали амалга оширилади.

Учинчи. Тармоқ структураси элементларини ишдан чиқариш ёки уларнинг иш самарадорлигини пасайтириш. Масалан, электрон хатлар билан «бомбардимон қилиш», компьютер вирусларини киритиш ва бошқа йўллар орқали иш самарадорлиги пасайтирилади.

Шундай қилиб, Интернет тармоғининг ривожланиши ахборот хуружларини кенгрок тадбиқ этиш билан бирга кузатилмоқда. Бундай хуружлар кўпроқ ахборот ресурсларига қаратилган бўлиб, уларнинг ишдан чиқиши иккинчи томонга катта иқтисодий, маънавий зарар етказиши мумкин. Ахборот тизимларига кўрсатиладиган хуружлар жисмоний таъсирлар миқёсида хавфга эга бўлиб, оқибатлари оммавий қиргин қуроли қўлланилиши билан тенглашиши мумкин.

**Методика раскрытия темы:
«ГЛОБАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОВРЕМЕННОСТИ»**

в курсе философии

**Г.Ф.Бицон – ТУИТ, к.ф.н., доцент кафедры
философии**

Закономерностью развития философии является постоянное расширение ее предмета – соотношения человека и мира. Прогресс науки, использование ее наработок для овладения силами природы привел в ходе научно – технической революции не только к успехам в обеспечении комфортности жизни людей, но и к появлению и обострению противоречий в экономическом развитии различных регионов Земли, к конфликтам политического и военного характера, а главное к выявлению того факта, что возможности биосферы нашей планеты отстают от растущих потребностей землян, количество которых интенсивно возрастает.

В связи с этим у философии, наряду с

традиционными проблемами, появилась принципиально новая, прежде отсутствовавшая тема – анализ единой судьбы человечества и сохранения самой жизни на Земле. Целый комплекс вопросов, решение которых может раскрыть эту тему, получил название «Глобальные проблемы», т.е. имеющие планетарный масштаб и затрагивающие судьбу всех и каждого.

Каковы существенные признаки, составляющие содержание этого понятия «глобальные проблемы»?

Во – вторых, затрагиваемые ими интересы имеют жизненное значение не только для ныне живущих людей, но и для будущих поколений, которые могут даже не появиться на свет, если сегодняшнее общество не найдет разумного их решения.

В – третьих, решение глобальных проблем нельзя отложить «до лучших времен», они уже стали острейшим императивом, выбора нет, их нельзя отодвигать в будущее, которого может просто не быть.

В – четвертых, и это самое главное – для их решения необходимо объединение усилий всего человеческого общества или, по крайней мере, совместной деятельности ведущих, считающихся великими, держав.

В – пятых, само число глобальных проблем пополняется, например распространение СПИДа и наркомании.

В – шестых, эти проблемы невозможно решить по очереди, сначала одну, потом другую. Только комплексно.

К началу XXI века к глобальным проблемам принято было относить: экологическую, демографическую, продовольственную (или проблему мирового голода), ограниченность или истощаемость природных ресурсов, преодоления отсталости, предотвращения термоядерного столкновения.

Ученые считают, что непосредственной причиной

возникновения и обострения глобальных проблем является преобладание стихийности в управлении и использовании природных и социальных процессов, бездумно потребительское отношение к социокультурным ценностям, эгоистические интересы не только людей, но и целых государств.

Условно глобальные проблемы классифицируются на 3 взаимосвязанных группы:

1. Интерсоциальные – в первую очередь предотвращения войны, которая при современном вооружении неизбежно приобретет атомно-ядерный характер. А использование такого оружия, как показывают модельные исследования, не оставит победителей. Между тем, есть опубликованные данные, что уже накопленного атомного оружия достаточно для однократного уничтожения всего живого на планете. И его разработка продолжается как качественно, так и количественно. В число атомных держав стремятся войти Иран, Северная Корея, Пакистан, Индия. И это говорит о сохранении опасности войны. Она заключается в региональных кризисах и конфликтах, в гражданских и межконфессиональных войнах, в международном терроризме, религиозном и межнациональном экстремизме. Президент Узбекистана И.А.Каримов аргументировано подчеркивал, что это главный вызов человечеству в XXI веке.

В эту же группу входят такие социально-экономические проблемы как неравномерность развития и всесторонняя отсталость, резкое противостояние «сытого Севера» и «голодного Юга». К началу XXI века 20% наиболее богатых стран получали 83% мирового дохода, а на долю всех остальных приходилось только 17%, а на наиболее бедные страны – всего лишь 1,4%.

США и Канада тратят на образование в 90 раз

больше, чем все Африканские страны. В Израиле ученых больше, чем в 56 странах Организации Исламская Конференция, а совокупный ВВП этих государств меньше ВВП одной Франции.

2. Вторая группа проблем – это коллизии в системе «человек - общество»: вопросы здравоохранения, народонаселения, образования, культуры и т.п. Например, темпы роста народонаселения Земли таковы, что уже на рубеже третьего тысячелетия число землян превысило 6-миллиардный рубеж. При этом основной прирост приходится на страны «третьего мира», т.е. отстающие от передовых держав. Их доля в мировом населении составляет уже более 80%. При нынешних условиях, когда каждую секунду появляются 3 новых человека, количество землян к 2020-2030 г.г. достигнет 11-12 млрд. А ведь для нормальной жизни люди нуждаются в продовольствии, питьевой, воде, чистом воздухе, земле, на которой строят жилища и производят продукты.

Подсчеты ученых аргументировано свидетельствуют, что для нормального обеспечения 1 человека всем этим нужно иметь 17,5 тыс.кв.м. Это значит, что на 1 кв.км. могут рационально жить 57 человек, а на земном шаре около 6 млрд. Этот рубеж уже достигнут, что дальше?

И возрождаются идеи Мальтуса, муссируется теория о неспособности Земли прокормить всех. Но это лукавство. Воспроизводящая способность нашей планеты такова, что она может прокормить по евро-американским стандартам питания не менее 10 млрд. человек, а по восточным (Индия, Китай) до 25 млрд. В том, что на Земле миллионы голодающих виноваты только социально-экономические, а не природные факторы. Но вопрос о регулировании роста населения, конечно, актуален, особенно для «бедных» стран.

Демографическая проблема стоит и перед развитыми государствами, но с обратным вектором. Например, в Англии, Бельгии, Германии, Франции и ряде других стран наблюдается старение населения., здесь по существу нет естественного прироста жителей. Главный фактор прироста – миграция, а она несет новые проблемы, коллизии, противоречия.

3. Третья группа проблем – сложности и противоречия системы «природа - общество»: ресурсы, особенно энергетические, окружающая среда, экология. Особо грозные формы приобрела именно экологическая проблема. Человечество сегодня производит отбросы органического характера в объеме в 2 тыс. раз больше, чем объемы отходов остальной биосферы. И очевидно, что такое неравновесие порождает целый комплекс проблем. Люди в отличие от всего живого не связаны жестко экологическими условиями своего бытия, они в определенном смысле всегда шли против природы, не приспособляясь к ней, а изменяя ее в соответствии со своими потребностями. В этом и состоит философский смысл экологической проблемы. Именно экологическая потребность человека, его невероятная (по сравнению с животными) способность к адаптации определила такое расширение масштаба его деятельности и привела в XXI век к экологическому кризису. Его суть в том, что природа уже не в состоянии полностью воспроизвести те потери, которые сопровождают деятельность общества. Например, уже стало ясным, что «кладовые» природы далеко не бездонны. Предполагается, что запасов нефти хватит при современном уровне потребления на 60-90 лет, газа – на 100, урана – на 27, свинца до 2030 г.

С другой стороны, их современное использование уже породило, например, тепловой эффект (парниковый), привело к неуклонному увеличению «озоновой дыры»,

загрязняет атмосферу планеты, поверхность морей и океанов, что вместе с вырубкой лесов, сокращает воспроизводство кислорода, а без него невозможна жизнь.

На Земле ежегодно из-за эрозии почв, химического загрязнения сокращаются культивируемые площади, а это, помимо последствий для обеспечения продовольствием, видит, например, в отсталых странах к стихийной миграции в города, где растет преступность, проституция, наркомания, питательная среда асоциальности.

Итак, суть проблем, вставших перед всей человеческой цивилизацией, следует искать именно в человечестве, а следовательно и возможности их преодоления тоже в нем, в изменении его ценностных установок, шкалы предпочтений. Если не изменится мирозерцание людей, принципы их жизнепонимания, психология и устремления, то решение глобальных проблем неосуществимо.

Пока ученые, правда, с различной долей оптимизма, говорят об еще имеющихся предпосылках их блокирования, постепенного, при соответствующих условиях, преодоления и, тем самым, отведения вселенской угрозы от человечества. Предпосылками такого рода являются:

1. Гуманистическая направленность развертывающейся информационной и биотехнологической революций, призванных содействовать объединению человечества, преодолению преград на этом пути.

2. Обеспечение изменений мировой хозяйственной системы с доминированием в ней смешанной экономики (рыночной и социально-направленной).

3. Все более полное утверждение принципа ненасилия и демократического консенсуса во внешней и

внутренней политике, в межнациональных, межконфессиональных, межличностных отношениях.

4. Интенсификация через официальные и общественные институты объединительных процессов духовной жизни человечества, как в светском, так и в клерикальном плане с исключением из нее деструктивных идей и концепций.

5. Поддержка межэтнической и межкультурной интеграции при сохранении автономности и самостоятельной уникальности всех живущих сейчас на планете этносов и каждой культуры.

6. Всесторонняя поддержка намечающихся в общечеловеческом общежитии прорывов в области научно – теоретического поиска социальных ориентиров, требующих и содействующих изменению традиционного мышления.

Общий вывод – в условиях обострения глобальных проблем человеку предстоит задуматься не о том, чтобы изменять мир, а о том, чтобы измениться самому, изменить свои идеалы и жизненные ориентиры, способы и методы продвижения к ним. И немалую помощь в этом ему может оказать философия, помогающая понять три основных жизненных начала: чувство глобальности, нетерпимость к насилию, уважение справедливости.

ИЛМИЙ БИЛИШДАГИ ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

М. Шарипов - ЎзМУ доценти

Инсоният ҳозирги пайтида дунёнинг глобаллашуви билан боғлиқ ўзгаришларни бошидан кечирмокда. Глобаллашув, агар биз унга фалсафий нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, ижтимоийлашув жараёнига хос бўлган ва унинг зарурий таркибий қисми сифатида намоён бўладиган объектив ҳодисадир. Ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган ўзгаришлар фақат иқтисодиёт, сиёсат, маданият

соҳаларигагина тегишли бўлиб қолмай, балки инсоннинг ўзини биологик, антропологик ва психологик тур сифатида мавжудлигини сақлашнинг фундаментал асослари ва у билан узвий алоқада бўлган илмий билиш амалиёти, тафаккур ҳамда таълим соҳаларига ҳам хосдир. Глобаллашув барча турдаги ресурсларнинг - ишлаб чиқариш, молня, пул, кредит, сиёсий муносабатлар, илмий билиш, таълим ва бошқаларнинг табиий миграцияси жараёнидан иборат.

Илмий билиш, хусусан ахборат алмашув глобаллашувнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Масалан, тўғридан-тўғри амалга оширилаётган чет эл инвестициялари ўзлари билан фақат реал капитал фондларинигина эмас, балки янги билимлар, техника ва технологияларни, шу жумладан, ишлаб чиқариш методлари, бошқарув усулларини ҳам олиб келади.

Ана шунинг учун ҳам глобаллашув илмий билиш олдида турган вазифаларни ечишга комплекс ёндашишни, унинг фалсафий масалаларни чуқур таҳлил қилишни тақоза қилади. Бунга бўлган эҳтиёж ҳозирги замон фани тараққиётидаги мавжуд тенденция контекстида яққол сезилади.

Фалсафанинг глобаллашув жараёнини, умумжаҳон масалаларни ҳал этишда бажарадиган асосий вазифаси – бу унинг концептуал ва методологик асосларини яратиш, хусусан муаммоли вазиятни, унинг пайдо бўлиш сабабларини тушунтириш, муаммони илмий асосда қуйиш, уни инсон ҳуқуқларини, эркинликларини ҳимоя қилиш масаласи билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этишдан иборат¹¹.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, глобаллашувни тушуниш, уни баҳолашдаги зиддиятлар ва пайдо бўлаётган муаммолар аввалам бор, бу жараёнга турлича ёндашиш

¹¹ Қаранг: Кучуради И. Философия перед лицом мировых проблем. – “Вопросы философии”, 2004 год, №3, с.7-8.

натижасидир. Баъзилар глобаллашувни «ривожланиш», «демократияни ривожлантириш» шиори остида олиб борилаётган сиёсатни ўтказишга, «бир кутбли дунё»ни яратишга уриниш, унда иқтисодий, сиёсий, маданий жиҳатдан қолоқ бўлган мамлакатлар, халқларини ривожланган давлатлар, миллатларда амал қиладиган тартибларга буйсундиришга интилиш деб қарасалар, бошқалар уни дунёнинг, жамият ҳаётининг ривожланганлигини, илмий ютуқларининг ўсишини ва демак, инсоннинг умумий интеллектуал даражасининг кўтарилганини, унинг ўз-ўзини англашининг сифат жиҳатидан янги босқичга ўтганлигини намоиш этади, деб тушунадилар.

Агар глобаллашув жараёнида содир бўлаётган ижтимоий зиддиятларни мантиқан таҳлил қилишга уриниб кўрсак, уларнинг асосий сабабларидан бирини ижтимоий-гуманитар фанларда юзага келган мураккаблик, айниқса бу жараённи акс эттирувчи илмий йўналишнинг асосий тамойиллари, муҳим ғоялари, бир сўз билан айтганда – бош стратегиясининг йўқлиги эканлигини пайкаш қийин эмас.

Бу ерда ана шу мураккаб, муаммоли вазиятдан қандай чиқиб кетиш мумкин, деган савол туғилади. Бунга глобаллашув ҳодисасига системали ёндашиш зарур, деб жавоб бериш мумкин. Биринчи навбатда, жаҳон миқёсида содир бўлаётган жараёнларни ўзаро боғлиқликда ва яхлит ҳолда олиб қараш, уларнинг ягона ижтимоий маконда амалга ошаётганини, бу макон тобора зичлашиб, яхлит бир кўринишни касб этиб бораётганини, вақт эса ўз ҳаракатини тезлаштираётганини тушуниб етиш зарур. Пьер Тейяр де Шарден сўзи билан айтганда, олам «эгилиб», глобаллашувнинг янги геометрик образини, шаклини яратмоқда.

Ана шуни учун ҳам бугунги тарихий, технократик,

маънавий, илмий тараққиётни планетамиздаги барча одамларнинг бир-бирига ўзаро ижтимоий таъсири натижаси деб олиб қарашимиз керак. Бунда ҳеч бир мамлакатни, ҳеч бир эътиборга молик ижтимоий воқеани, шу жумладан, илмий билишни глобаллашган дунёдан, яхлит ижтимоий ҳаётдан узиб олиб қараш мумкин эмас. Глобал жараёнлар сиёсатда концентрацияланиши, у эса, ўз навбатида, илмий ютуқлар синтезидан иборат бўлиши лозим. Қабул қилинадиган сиёсий қарорлар умумжаҳон миқёсида фан, техника, технология соҳаларидаги эришилган натижаларни иложи борича бир текис қайта тақсимлашни назарда тутиши зарур. Мутахассисларнинг таъкидлашича, оламни яхлит, системали тарзда билишга, бунда рационал ва иррационал билиш имкониятларини қўшишга интилиш муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, фалсафа глобаллашув жараёнини уларга системали ёндашув асосида ўрганишни асослаш билан чекланмай, уни фанлараро миқёсда ҳам ўйлашни зарур, деб ҳисоблайди.

Замонавий фаннинг тобора технологиялашуви ва тор соҳалар йўналишларида ривожланиб бораётгани сир эмас. Ҳаёт эса, оламнинг мукамал умумий, яхлит илмий манзарасини яратишни талаб қилмоқда. XX аср охири-XXI аср бошидаги асосий илмий кашфиётларнинг айнан фанлар туташидиган, кесишадиган жойларда қилинганлиги ҳам дунёни яхлит тарзда ўрганишнинг истиқболли эканлигидан далолат беради. Мазкур ҳолат фанлараро муносабатлар, уларнинг ўзаро таъсирининг янги шаклларини аниқлашни, илмий интеграциянинг ҳозирги даврдаги хусусиятларини чуқурроқ англашни бош вазифа қилиб қўяди.

Ҳозирги замон фани глобаллашув жараёнида ўз самарадорлигини ошириши учун формал чегараларидан сиртга чиқиши, илмий билишнинг умумметодологик

масалалари билан бевосита шуғулланиши керак. Бунда ижтимоий жараёнларни олдиндан кўриш, прогнозлаштириш учун математика ва синергетиканинг замонавий методологияси имкониятларидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, амалдаги сиёсий, иқтисодий моделларни математик усуллар ёрдамида қайта кўриб чиқишнинг яхши натижа бериши шубҳа туғдирмайди.

Мана шундан келиб чиқиб, бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири инсоният яратган илмий фикрларини бирлаштириш, фан ривожини учун энг хавфли бўлган ходиса- илмий соҳаларнинг ҳамда олимлар орасидаги муносабатнинг сусайишига, уларнинг биб-биридан ажралиб қолишига йўл қўймаслик эканини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу ниҳоятда муҳим ва мураккаб вазифани ҳал этиш учун илмий-тадқиқот ишларини жаҳон миқёсида мувофиқлаштирувчи мавжуд структуралар фаолиятини фаоллаштириш, янгиларини яратиш айтиш муддао бўлур эди. Буни амалга ошириш халқаро миқёсда фан-техника имкониятларини актуаллаштиришга, ривожлантиришга ва, шу асосда, инсон эркинлигини кенгайтиришга, унинг ҳуқуқларини, шу жумладан, билим олиш ҳуқуқини юқори даражада таъминлашга ёрдам беради.

Умуман, шунини айтиш керакки, илмий билишдаги глобаллашув, охир-оқибатда, инсонларга юксак ахлоқий принципларга мувофиқ ҳолда муомала қилиш билан узвий боғланмоғи лозим.

Бу барча турдаги глобаллашувнинг, айниқса илмий билишдаги, ахборот узатишдаги глобаллашувнинг бозор иқтисодиёти, унга хос муносабатлар амал қилаётган шароитда содир бўлаётганини, унинг билан боғлиқ янги муаммоларнинг келиб чиқаётганини англаб етишни тақоза этади.

Хусусан, ахборотларни тарқатишнинг глобаллашуви шароитида ахборотнинг иккинчи, учинчи ва ҳоказо қўлдан узатилиб, тўғри ёки хато бўлгани ҳолда, уни узатаётганларнинг мақсадини амалга оширишга хизмат қилаётганини ёддан чиқармаслик зарур.

Юқоридаги айтилганлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, илмий билишдаги глобаллашувни бошқа соҳадаги ана шундай жараён билан узвий боғлиқ ҳолда олиб қарамоқ керак. Ана шундагина унинг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ очиш, имкониятларини тўғри баҳолаш мумкин.

ТЕХНИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖИНИНГ ГЛОБАЛ АҲАМИЯТИ

*Х.М. Муксимова – ТАТУ фалсафа кафедраси
доценти, фалсафа фанлари номзоди*

Замонавий жамият ҳаётида техника белгиловчи (аниқловчи) рол ўйнайди. Унинг тараққий этиши амалда кишилиқ ҳаётининг барча жабҳаларига таъсир этади. Инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларини ҳал қилувчи тарзда белгилаб беради, кишилар ўртасидаги муносабатлар, инсоннинг ўзлигини англашига ўз таъсирини ўтказади. Шу сабабли цивилизация тараққиётидаги унинг генезис феномени, моҳияти, ўрни ва ролининг таҳлили XX- аср фалсафасининг диққат марказида бўлди.

О.Шпенглер техника муаммоларининг ўрганган тадқиқотчилардан бири эди. У инсониятни шаклланиши ҳамда табиат ва жамиятга таъсирининг универсал характерини англаб етишда техниканинг ўрни масаласини илк бор ўртага қўйди. Шпенглер «Инсон ва техника» китобида цивилизация бундан буён ягона деган хулосага келади, унга барча нарсалар интилади, унда умумжаҳон – “бешинчи ҳаракат” машина техникаси мавжудлигини

айтиб ўтади. Техникада у жамият яхлит ҳаётининг тамойилларидан бирини кўришга чақирган ҳамда техниканинг азалдан инсон билан боғлиқ, инсон табиати ва интилишларини ўзида акс эттириувчи феномен сифатидаги универсаллигини таъкидлашга интилган.

Шпенглер техника ва муҳандислик тафаккурининг ғайри табиий имкониятларига ишонади, токи техник ғоя юксак бўлар экан, у ўз мақсадлари учун маблағлар яратади ва ривожланади.

Бугунги кунда техника деб транспорт ва телекоммуникацион тизимлар иншоотлар ҳамда қурилиш механизмлари, электр ва иссиқлик жиҳозлари, илмий ускуналари ва уруш олиб бориш воситаларига айтилади. Техника бир вақтнинг ўзида инсон томонидан табиатни ўзгартириш воситаси бўлгани ҳолда инсоннинг макони ва ҳаёти кечириш тимсоли бўлиб ҳам хизмат қилади.

Техника фалсафасида техника ва инсон ўртасидаги муносабатлар масаласи марказий ўринни эгаллайди. Техника ўз-ўзидан мавжуд бўла олмайди, у фақат “инсон-техника” тизими компоненти сифатида маънога эга бўлиши мумкин. Ушбу фикр техника тараққиётининг бутун бир тарихий даври билан тасдиқланади.

Техника тарихи инсон даҳосининг (кашфиётлар, ихтиролар, ноёб объектлар ва қуроолларни яратиш) чексиз, кўплаб ютуқларини ўзида мужассам этган.

Жамият тараққиётининг индустриал босқичига қадар техника ашъвий аҳамиятига эга бўлади, яъни инсон табиий органларнинг имкониятларини кенгайтириб борувчи қуроолга айланади.

Сўнги ўн йилликда эътиборли томонлар ахборатлар қатламига кўчади. Жамият тараққиётини белгилувчи техник тизимлар кўп жиҳатдан ахборатларни узатиш ва уларни қайта ишлаш воситасига айланмоқда. Ахборат технологиялари ривож ҳал қилувчи аҳамият касб

этган индустрлаштиришдан сўнгги ривожланиш босқичида инсоннинг ўрни ҳам ўзгаради. У тафаккур маркази, янги технологиялар ижодкори, ахборатларнинг асосий ишлаб чиқарувчиси ва истеъмолчиси сифтида майдонга чиқади.

Айрим гадқиқотчиларнинг таъкидлашича, техника — бу инсоннинг рамзий борлиғидир, ammo ушбу борлик айнан одамникидир.

Замонавий реалликда одам ўз рамзини ахборот технологияларида акс эттиради, ўз навбатида рақамли техника эса инсонга нисбатан рамзий изоморф бўлган тизимдан иборатдир. Бугунги кунда компьютер — инсон ютуқлари ва имкониятларининг тимсолидир. Техник фаолиятни мувофиқлаштириш тўғрисидаги масала янги технологияларнинг (ядро, космик, ахборатлар, биотехнологиялар ва бошқалар) ривожланиши билан тобора долзарб бўлиб бормоқда. Юқорида санаб ўтилган янги технологиялар ичида жадаллик билан тез ривожланиб бораётгани ахборатлар технологиясидир.

Ахборотларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва қайта ишлаш жамият техник тараққиётини белгиловчи муҳим жараёнга айланади. Цивилизация ривожланишининг ахборотлар босқичи тўғрисидаги файласуфларнинг мулоҳазалари инсоният ҳаётидаги ахборот ва ахборот тизимлари ҳамда технологияларига берилаётган ролнинг аҳамиятига боғлиқдир.

Дастлабки ЭХМларнинг яратилиши давридан бошлаб ўтган 70 йил ичида компьютер техникаси эътиборга сазавор натижаларга эришди, ниҳоятда катта электрон-ҳисоблаш марказларидан тортиб то ҳақиқатда чексиз имкониятларга эга бўлган кичик ҳажимдаги шахсий компьютерларгача. Компьютер инқилоби ишлаб чиқариш ва таълим олиш характериini ўзгартириб юборди, маиший хизмат жараёни ҳамда инсон ҳаёт тарзини бутунлай, кескин ўзгартириб юборди.

Мамлакатимиз миллий иқтисоднинг ҳеч бир тармоғи самарали ва муътадил ташкил қилинган ахборот инфратузуммасиз фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Ҳозирги кунда миллий ахборот ресурслари ҳар бир давлатнинг иқтисодий ва ҳарбий салоҳиятини ташкил қилувчи омилларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ресурсдан самарали фойдаланиш мамлакат хавфсизлигини ва демократик ахборотлашган жамиятни муваффақиятли шакллантиришини таъминлайди. Бундай жамиятда ахборот алмашуви тезлиги юксалади, ахборотларини йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш бўйича илғор ахборот – коммуникатциялар технологияларини қўллаш кенгайди. Турли хилдаги ахборотлар ҳудудий жойлашишидан қатъий назар бизнинг кундалик ҳаётимизга Internet ҳалақаро компьютер тармоғи орқали кириб келади. Ахборотлашган жамият шу компьютер тармоғи орқали тезлик билан шаклланиб бормоқда.

Ахборотлар дунёсига саёҳат қилишда давлат чегаралари деган тушунча йўқолиб бормоқда. Жаҳон компьютер тармоғи давлат бошқарувини тубдан ўзгартирмоқда, яъни давлат ахборотларининг тарқалиши механизмини бошқара олмай қолмоқда. Шунинг учун ҳам мавжуд ахборотларга ноқонуний кириш, улардан фойдаланиш ва йўқотиш каби муаммолар долзарб бўлиб қолди. Буларнинг бари шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлиги даражасининг пасайишига олиб келмоқда. Давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий ва ажралмас қисми бўлиб, ахборот химояси эса давлатнинг бирламчи приоритет масалаларига айланмоқда. Ҳозирги кунда хавфсизликнинг бир қанча йўналишларини қайд этиш мумкин.

Ахборот тизимига нисбатан қуйдагича таснифни келтириш мумкин:

- ишончилилик – тизим меъёрий ва ғайри табиий ҳолларда режалаштирилгандек ўзини тутишлик кафолати;
- аниқлик – ҳамма буйруқларни аниқ ва тўлиқ бажариш кафолати;
- тизимга киришни назорат қилиш – турли шахс гуруҳларни ахборот манбаларига ҳар ҳил киришга эгаллиги ва бундай киришга чеклашлар доим бажаришлик кафолати;
- назорат қилиниши – исталган пайтда дастур мажмуасининг ҳоҳлаган қисмини тўлиқ текшириш мумкинлиги кафолати;
- идентификациялашни назорат қилиш – ҳозир тизимга уланган мижоз аниқ ўзини ким деб атаган бўлса, аниқ ўша эканлигининг кафолати;
- қасддан бузилишларга тўсқинлик – олдиндан келишилган меъёрлар чегарасида қасддан хато киритилган маълумотларга нисбатан тизимнинг олдиндан келишилган ҳолда ўзини тутиши.

Химоялаш технологияси персонали ташкилотнинг қимматли ахборотларни химоялаш қоидаларига риоя қилишга ундовчи бошқариш ва чеклаш характериға химоя эга бўлган чора – тадбирларни ўз ичига олади. Ташкилий химоялаш элементи бошқа барча элементларни ягона тизимга боғловчи омил бўлиб ҳисобланади. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрча, ахборотларни химоялаш тизмлари таркибида ташкилий химоялаш 50-60 % ни ташкил қилади. Бу ҳол кўп омилларга боғлиқ, жумладан, ахборотларни ташкилий химоялашнинг асосий томони амалда химоялашнинг принципи ва усулларини бажарувчи персоналини танлаш, жойлаштириш ва ўргатиш ҳисобланади.

Ахборотларни химоялашнинг ташкилий чора-тадбирлари ташкилот хавфсизлиги хизматининг меъёрий услубий ҳужжатларида ўз аксини топади. Шу муносабат

билан кўп ҳолларда юқорида кўрилган тизим элементларининг ягона номи – ахборотни ташкилий – ҳуқуқий химоялаш элементини ишлатадилар. Ахборотларни муҳандис-техник химоялаш элементи – техник воситалар комплекси ёрдамида худуд, бино ва қурилмаларни кўриклашни ташкил қилиш ҳамда техник текшириш воситаларига қарши сушт ва фаол кураш учун мўлжалланган.

Техник химоялаш воситаларининг нархи баланд бўлсада, ахборот тизимини химоялашда бу элемент муҳим аҳамиятга эга. Ахборотни химоялашнинг дастурий – математик элементи компьютер, локал тармоқ ва турли ахборот тизимларида қайта ишланадиган ва сақланадиган кимматли ахборотларни химоялаш учун мўлжалланган.

Компьютер техникаси ва ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳар қандай давлат эришган ютуқларининг меъёрига айланди. Бу, биринчидан ҳисоблаш техникасини ишлаб чиқариш ва фойдаланиш базасининг мавжудлиги, иккинчидан ахборотларнинг кенг тарқалиши ҳамда фойдаланувчиларни ахборотлар банкидан фойдаланиш имконини, қарорларни тез қабул қилиш ва уларни амалга тадбиқ этишни таъминловчи тегишли иқтисодий, ижтимоий ҳамда сиёсий институтларнинг ҳаракати билан боғлиқ.

Интернет умумжаҳон ахборотлар тармоғининг ташкил этилиши ва амал қилиши инсониятнинг мазкур соҳадаги ютуқларининг кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Интернет компьютер тармоғидан иборатдир. Бугунги кунда Интернет ахборотлар узатишнинг жуда тезкор бўлган йўлдош магистралларидан тортиб то, маърои паст коммутаторли телефон алоқаси тармоқларининг хилма-хил каналлари орқали бир-бирига уланган миллионлаб компьютерлардан ташкил топган.

Интернет ривожини учун телекоммуникацияларнинг

ривожланган кўп тармоқли тизими – ахборотларни узатиш амалга ошириладиган каналлар зарур. Телекоммуникация тармоқлари ва тизимлари ҳозирги кунда жаҳонда техниканинг энг барқарор ривожланиб бораётган соҳаси бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, ахборот технологияларининг ХХІ асрга келиб ривожланиши натижасида глобаллашув жараёнларини тезлашувига ва уларни хал этишда ижобий аҳамиятга эга бўлмоқда.

ГЛОБАЛ МУАММОЛАРНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

З.Н. Абдуллева - фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси

“Бизнинг кунларимизга қадар, - ёзади антрополог Питер Уорели, - инсоният жамияти яхлит бир ягона жамият сифатида мавжуд эмас эди”- бунда у, бутун планетани қоплаб олган ижтимоий алоқаларнинг шакллантирилиш тўғрисида реал гапириш яқингинада мумкин бўлганлигини назарда тутган эди. Амалда ҳар бир кишининг турмушига таалуқли бўлган бир бирига боғлиқ ўзаро муносабатларнинг кучайиб кетиши натижасида бугунги дунё чиндан ҳам ягона бир ижтимоий система бўлиб қолади. Глобал система – бу шунчаки бир оддий муҳит эмас, унинг шароитида турли жамиятлар юксалиб ва ўзгариб турадиган оддий бир муҳитдир. Ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий алоқалар давлатлар чегараларини кесиб ўтмоқда ҳамда у ерда яшовчи одамлар тақдирига таъсир кўрсатиб, ўз ҳукмини ўтказмоқда. Бутун дунё ҳамжамиятида тобора кучайиб бораётган ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган алоқаларни битта универсал атама – глобаллаштириш термини билан ифодалаш мумкин. Жаҳондаги бундай ягоналик ўсиб бориш жараёнининг ўзигина глобаллаштириш экан, деб ўйлаш хато бўлар эди.

Ижтимоий алоқалар глобаллашувини энг аввало ҳозирги мавжуд ҳаёт маконини ва замонини қайтадан вужудга келтирилиши сифатида тушунмоқ лозим. Бошқача қилиб айтганда, бизнинг ҳаётимиз тобора кўпроқ биздан анча узоқ жойларда содир бўлаётган ижтимоий реаликка боғлиқ бўлиб қолаётганлигини ҳар биримиз сезиб турибмиз. Бу жараён бугунги кунда алоҳида жадаллик билан юз бераяпти.

Сўнги 200-300 йил ичида ер юзининг ҳамма томонида ғарб институтлари мустаҳкамланиб, атроф – муҳитнинг аҳволи тобора дахшатли равишда ёмонлашиб бораверди. Кўпчилик кузатувчилар ер ресурсларининг йўқ қилиб юборилганлиги инсоният олдида бугунги кунда энг катта хавф бўлиб турган ҳодиса деб ҳисоблайдилар. Гарчи глобал ҳалокат учун бошқа сабаблар ҳам, шу жумладан кенг миқёсли урушлар бошланиб кетиш хавфи мавжуд бўлсада, барибир кўпчиликнинг фикри шундай.

Атроф-муҳитга солинаётган ҳавфнинг сабаби XVIII асрлардан бошланган саноат ишлаб чиқариш ва албатта технологик аралашув миқёсларнинг хаддан ташқари кенгайиб кетганлигидир. Бунинг устига ушбу жараёнлар тобора тезлашиб, жадаллашиб кетмоқда: одамнинг XX асрда табиатга аралашиши шу қадар чуқурлашиб ва миқёслари кенгайиб кетдики, илгари бундай ҳол ҳеч қачон кўрилмаган эди. Шу муносабат билан “табиатнинг тугаётгани” тўғрисида гап-сўзлар бўлмоқда.

Одамнинг табиатга дастлабки марта аралашуви, унда ўзининг изини қолдиргани дехқончилик бошланган кезларда – бундан бир неча минг йиллар муқаддам бошланган эди. Овчилар ва термачиларнинг қабилалари, асосан теварак – атрофдан нима топсалар, ўшанинг ҳисобига тирикчилик қилган ва амалда атрофдаги ҳаётни ўзгартиришга ҳаракат қилмаганлар. Дехқончилик бошланиши билан вазият ўзгарган: ҳосил етиштириш учун

ерни тозалаш, текислаш, дарахтларни кесиш, бегона ўтларни қуритиш ва зарарли ҳашаротларни йўқотиш зарур эди. Бироқ ҳатто энг примитив усулда ерга ишлов берилиши ҳам тупроқ эрозиясига олиб келиши мумкин. Табиий ўрмонлар кесиб ташланганидан кейин гармсел-шамоллар тўппа-тўғри экин экилган майдонларга кириб келади. Бундай ҳолларда деҳқонлар яна янги ер очиб, уни тозалайдилар ва бундай жараён яна давом этаверади. Биз табиий ҳисоблайдиган баъзи бир ландшафтлар, масалан, жанубий-ғарбий давлатларда майда, паст бўйли дарахтлар ўсиб ётган тоғлиқ манзаралари ҳаёлни олганда бундан беш минг йил муқаддам яшаган қадимги юнон деҳқонлари фаолиятнинг оқибати бўлган тупроқ эрозиясининг натижаси эди,

лекин барибир инсониятнинг ҳозирги замон индустрияси пайдо бўлгунича, умуман олганда, одамнинг табиатга кўрсатадиган таъсири нисбатан суст бўлган. Табиатнинг инсон ҳаётига кўрсатадиган таъсири унинг табиатга кўрсатадиган таъсиридан кўра анча кўпроқ бўлган. Лекин одамларнинг бугунги кунда табиатга қилаётган ҳужумлари шу қадар шиддатли тус олдики, ер юзида инсон таъсирига дуч келмаган қарийб ҳеч бир табиий жараён қолмади. Ишлов бериш учун яроқли бўлган деярли барча ерлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланилмоқда. Бир вақтлар одам оёғи етмаган жойлар минглаб туристларнинг дам олиш жойига айлантирилган. Саноат ишлаб чиқаришнинг глобал тарзда ривожлантирилиши ҳатто ер юзидаги иқлимга ҳам таъсир кўрсатди. Атроф-муҳитга ҳавф келтириб чиқараётган кишиларга жавобан ҳар хил яшил ҳаракатлар ва сиёсий партиялар пайдо бўлмоқда, уларнинг кўпчилиги ўз характериға кўра интернационал ҳаракат ва партиялардир. Яшил ҳаракатнинг кўпгина турли хил фалсафаси ҳам мавжуд бўлиб, лекин уларнинг ҳаммасида битта умумий бош

Йўналиш мавжуд – бу теварак атрофдаги табиатни ҳимоя қилишга қаратилган хатти ҳаракатларни амалга оширишдан, дунё ресурсларини келгуси авлодларга асраб-авайлаб қолдириш ва ҳайвонот оламининг қолган турларини ҳимоя қилишдан иборат. Сўнги 50 йил ичида ҳайвонларнинг юзлаб турлари ер юзидан бутунлай йўқолиб кетди. Ҳозирги пайтда ҳам ушбу жараён давом этмоқда. Муайян минтақалар теварагида атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган баъзи бир муаммолар, масалан, собиқ Совет Иттифоқининг баъзи районларида ва Шарқий Европадаги айрим жойларда ўрмонлар ҳаво саноат чиқиндилари билан хаддан ташқари ифлос қилиб юборилган. Лекин, агар вазият назорат қилинмаса, бундай ифлосланиш оқибатлари бутун дунё миқёсида кенгайиб кетиши мумкин. Ҳозирги кунда атроф-муҳитга ҳавф соладиган манбаларнинг ер юзида бир қанча асосий тулари мавжуд: қисқа бир муддат ичида йўқ қилиб ташлаш, иккиламчи ишлов бериб бошқа бир фойдали буюмга айлантиришнинг иложи бўлмайдиган чиқиндиларнинг вужудга келиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган ресурсларнинг тугаб бораётганлиги – мана шундай ҳавфлар ҳисобланади. Гап чиқиндилар ҳақида бораётганда кўпинча одамлар кўз олдига ахлат яшигидаги нарсалар келади. Майиший чиқиндилар чиндан ҳам атроф-муҳит учун муammo ҳисобланади. Саноатлашган жамиятларда ҳар куни ақл бовар қилмайдиган даражада кўп миқдорда майиший чиқиндилар чиқарилади. Баъзан бундай мамлакатларнинг “чиқинди чиқарувчи жамиятлар” деб аташади. Чунки ушбу жойларнинг аҳолиси ташлайдиган чиқиндилар ҳажми ниҳоятда каттадир. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпинча пакети билан сотиб оладилар-да, кейин куннинг охирига бориб, пакет бўшагач ташлаб юборадилар. Мана шу ташланган чиқиндилардан ниманидир қайта ишлаш ва иккинчи марта

фойдаланиш ҳам мукинدير-у, лекин уларнинг кўп қисмини такрорий фойдаланишнинг ё иложи бўлмайди ёки бундай ишни ҳеч ким бажармайди. Пластмасса буюмларнинг баъзи бир кенг тарқалган турлари шунчаки бир фойдасиз ахлатга айланиб кетмоқда. Бундай пластмасса буюмларни қайта ишлаш усуллари мавжуд эмас, шунинг учун чиқиндиларни ахлатларга олиб бориб ташлашга тўғри келмоқда. Аммо аналитик-инвайроменталистлар чиқиндилар тўғрисида гапирганда, биз кераксизлиги: туфайли ташлаб юборадиган маҳсулотларнигина назарда тутмай, шу билан бирга, атмосферага чиқариб ташланадиган кўзга кўринмас газсимон моддаларни ҳам назарда тутадилар. Бу хилдаги баъзи бир чиқиндилар глобал миқёсдаги жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Ҳавога тарқаладиган карбонат ангидрид газининг мисоли бўлиши мумкин. Бундай газлар нефть ва кўмир сингари ёнилғилар ёндирилгандан кейин ажралиб чиқиб, атмосферага тарқалади. Автомобиллар ва электр станциялари яна шундай ёнилғи билан ишлаб, ҳавога озмунча газ чиқарадими?! Аэрозол ўрамлар, изоляцион материаллардан фойдаланиш натижасида ҳавога чиқариладиган газлар хавони булғайди. Карбонат ангидрид газининг бугунги кунда глобал миқёсда об-ҳаво исиб кетиши жараёнларининг асосий сабабчисидир. Кўпчилик олимларнинг фикрига қараганда, ҳозирнинг ўзида газлар ер атрофидаги озон қатламига ҳам хужум қила бошлаган.

Глобал кун исивиши куйидаги тарзда содир бўлмоқда, деб ҳисобланади. Ер атмосферасида карбонат ангидрид газининг тўпланиши – гўё парникдаги ойна сингари таъсир кўрсатади. У қуёш нурларига ўтиб олиш имконини беради-ю, лекин улардан пайдо бўлаётган иссиқликнинг чиқиб кетишига бир тўсиқ сингари қаршилик қилади. Натижада ер қизиқ кетади. Шунинг учун куннинг глобал тарзда исиб кетаётганлиги баъзан “парник эффекти” деган ибора билан

хам атамоқдалар. Агар шундай ҳол чиндан ҳам содир бўлаётган бўлса, унинг оқибатлари жуда ҳам ёмон бўлади. Ҳаммасидан ҳам ёмони – кутб музликлари эриши натижасида сув кўпаяди, ҳавонинг ҳарорати кўтарилади ва океанларнинг майдони кенгайиб, денгиз сувларининг сатхи кенгайиб кетади. Дарё ва денгиз соҳилларида ёки паст текисликларда жойлашган кўпгина шаҳарлар сув остида қолиб, яшаш учун яроқсиз ҳолга келади. Катта-катта ҳосилдор, унумли ер массивлари ҳаво қизиқ кетганлиги сабабли чўл, саҳроларга айланади.

Ер атмосферасининг юқори қисмига жойлашган озон қатлами ўзига ҳос бир қалқон бўлиб, ҳаммамизни ультрабинафша кўёш нури билан нурланишдан сақлайди. Аэрозолларда ва холодильникларнинг кўпгина моделларида қўлланиладиган газлар озон қатлами билан реакцияга киришиб, унинг кучини қирқади. Мана шу химикатлар икки кутбдаги озон қатламида “туйнук” ҳосил қилган бўлиши керак, деб ҳисобланади. Атмосфера қатламини ёриб ўтаётган кўёш радиацияси кўпгина жуда хавфли оқибатларга олиб келиши, жумладан, кишининг кўр бўлиб қолишига олиб келадиган катаракта касали ҳамда тери раки – саратон касалига учраган кишилар сонининг кўпайиб кетишига олиб келади. Жаҳонда ҳозирги замон саноати ривожланиб, унинг миқёслари кенгайиб бораётганлиги энергия ресурслари ва хом-ашёга бўлган талаб ҳам кескин даражада ўсиб кетишига олиб келади. Бироқ, бу нарсаларнинг ер юзидаги захираси чекланганлиги равшан-ку! Ҳатто ҳозирги суръатлар билан истеъмол қилинган тақдирда ҳам, бугунги кунда маълум бўлган нефть захиралари 2059 йилга бориб батамом ишлатиб бўлиши мумкин. Албатта, хали янги –янги нефть конлари топишга, ёки янги арзон энергиянинг муқобил манбаларини ихтиро қилишга муваффақ бўлинар, лекин шу нарса мутлақо равшанки, агар глобал истеъмол қилиш

чекланмас экан, ернинг баъзи бир зарур ресурслари мутлақо тугаб қолади.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА АХЛОҚ ВА ҲУҚУҚНИНГ МУВОЗАНАТИ МАСАЛАСИ

*Д.Ш. Сагдуллаева – ТАТУ фалсафа кафедраси
ассистенти*

Жамиятнинг ҳар бир соҳасида глобаллашув жараёни кетаётган бугунги кунда ахлоқ ва ҳуқуқнинг мувозанати масаласи долзарблашиб бормоқда. Кишилар ҳаётини бошқаришнинг бу икки воситаси маънавий-мафкуравий бўшлиқни тўлдиришда ҳал қилувчи таъсир кучига ҳам эгадир.

Ижтимоий фикрда бир-бирига яқин бўлган ахлоқ ва маънавият категориялари ҳам ўз ўрнига эга. Ахлоқ деганда абадий маънавий қадриятларнинг ўзаги тушунилса, маънавият эса моҳиятан кенг тушунча бўлиб, ахлоқ ва одобни ҳам ўз ичига олади. Лекин маънавият тушунчасининг мазмуни қанчалик кенг бўлмасин ахлоқ унинг ўзагини ташкил этади. Маънавиятнинг барча шакллари ахлоқга бориб тақалади.

"Ахлоқ ўз ичига абадий ахлоқий қадриятларни қамраб олади" деган иборага оламда абадий нарса йўқлиги, ҳамма нарса ўзгаришда эканлигини кўрсатиб, эътироз билдириш мумкин. Албатта, ахлоқ ҳам қотиб қолган нарса эмас, ўзгаришларга мойил, лекин ахлоқдаги ўзгаришлар, олам тузилиши асосий тамойилларига таянган ҳолда, ахлоқий баҳолаш объектларини кенгайтириш томонига йўналгандир. Умуман олганда ҳуқуқ нормалари асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келган ахлоқий қадриятлар, анъаналар асосида юзага келган, уларни бажарилиши шарт бўлган қатъий тартиб, интизом шаклига киритиб борган.

Истиклол шароитида маънавий ҳаётга таъсир кўрсатувчи сохалар орасида ҳуқуқий тармоқни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Кейинги бир неча йиллар мобайнида ҳуқуқий соҳада инсон ҳуқуқлари ва бурчлари, демократик ҳуқуқий давлат, кўпфиррилиқ ва виждон эркинлиги, бозор муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминловчи қонунлар, иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий негизи, конституциявий назорат, демократик тафаккур каби тушунчалар, терминлар ҳаётимизга кириб келди. Буларнинг барчаси халқимизнинг маънавий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Тўғрироғи, маънавий юксалиш бу жараёнларни тўғри бошқаришга ёрдам бермоқда.

Демократик, ҳуқуқий жамиятни барпо этишнинг маънавий асосларини бошқариш иқтисод, сиёсат, ҳуқуқ ва маънавиятнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш билан боғлиқдир. Улар уйғунлигини таъминлашнинг зарурияти эса Гегелнинг куйидаги фикридан яққол намоён бўлади: "Ўсмир маънавий тарбиясининг яхши усули- уни мукамал қонунлар ҳукмрон бўлган давлатнинг фуқароси бўлишини англашидадир"¹.

Ҳақиқатдан ҳам фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши жарёнида ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўзаро уйғунлиги таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бугунги кун кишиси ҳаётини бошқаришда бу икки омил биргаликда ишласа кўпроқ самара беради. Кишининг ахлоқий тарбияланганлик даражаси, ҳаётий дастури унинг жамиятдаги ўрнини, ижтимоий ҳодисаларга нисбатан муносабатини белгилаб беради. Ҳатто эгалланаётган билимлар ҳам қанчалик даражада ахлоқ мезонларига асосланишига кўра жамият учун ижобий ёки салбий натижа кўрсатади. Масалан,

¹ Гегель. Собрание сочинений. / Т. 7. - М.-Л., 1934. - С. 188.

манбаларга кўра қонунга амал қилиб яшайдиган оддий фуқарога нисбатан жинойтчиларнинг ҳуқуқий билимлари мукамалроқ эканлигини кўришимиз мумкин. Бу ҳолатда орттирилган билимлар инсоният жамияти учун ҳеч қандай яратувчанлик фаолиятига асос бўла олмайди, аксинча бу билимлар субъекти томонидан маънавий қашшоқлик асосида содир этилган ҳатти-ҳаракат бошқа бир кишини яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилиши ҳам мумкин. Шундай экан, жамиятда демократик кадриятлар тўлиқ тантанасига эришишга ҳаракат қилинаётган бугунги глобаллашув жараёнида ахлоқ ва ҳуқуқ мувозанати масаласи алоҳида эътиборга моликдир.

Ҳуқуқий онг ва ахлоқ ўртасида умумийлик кўп. Ахлоқ ва ҳуқуқий онг ижтимоий муносабатларни акс эттиради. Бу идеал акс этишлар ушбу ижтимоий гуруҳ аъзолари учун одатий бўлган ва ижтимоий онгда шахс ҳатти-ҳаракатига йўналтирилган норматив талаблар сифатида шаклланувчи хулқ-атвор қоидаларини намоён қилади. Бир турдаги хулқ-атвор талаблари ахлоқ ва ҳуқуқий онгда айнан ўхшаш, бошқалари-муносабатларнинг турли соҳалари ва одамлар фаолиятини қамраб олади. Бундан кўриниб турибдики, маънавий баркамолликка эришишнинг воситаси одоб-ахлоқ меъёрлари доирасида иш қилиб, илм-фан хазинасидан баҳраманд бўлишгина эмас, балки давлатда амал қилаётган қонунлар моҳиятини англаш, улардан амалиётда фойдалана олишни ҳам назарда тутати. Шу маънода ҳуқуқий маданият юксак ахлоқлилиқнинг белгиси ҳамдир.

Демак, айтишимиз мумкинки, шахс ўз имкониятларини фақат қонун устуворлиги таъминланган ҳуқуқий демократик давлатдагина тўлақонли намоён қила олади. Шундай экан, ҳуқуқий демократик давлат

барпо қилишнинг муҳим омили бўлмиш ҳуқуқий онг ва ахлоқнинг ўзаро муносабати масаласига имкон қадар кенгрок тўхталишга ҳаракат қиламиз.

Ахлоқ - мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, турли ижтимоий вазибаларни бажарувчи социал, психологик, билиш ва бошқа специфик сифатларга эгадир. Бу вазибалардан бири воқеликни ахлоқий онгда акс эттиришдир. Умумий белгиларига кўра ахлоқни ижтимоий онгнинг ўзига хос шакли ва ижтимоий муносабат (ахлоқий муносабат)ларнинг тури, жамиятда инсон хатти-ҳаракатини махсус меъёрлар (ахлоқий меъёрлар) ёрдамида тартибга солишнинг асосий воситаларидан бири сифатида аниқлаш мумкин. Ахлоқ қонунлари табиатда муҳрланган, ахлоқ-бу бизнинг руҳиятимиздир. Ахлоқ- бу инсон табиатининг ажралмас хоссасидир.

Россиялик файласуфлардан бири А.Гусейнов ахлоқ хусусиятларини қуйидагича изоҳлайди:

а) у инсонларнинг бир-бири билан боғланиб яшаш қобилиятини тавсифлаб, кишилар ўртасидаги муносабат шаклини намоён қилади.

б) у сабабият қонуни ва фойдалилик тамойилига бўйсунмайди.

в) ахлоқий қонун фаолият субъекти ва объектини ажратмайди, яъни унинг ўзи ахлоқни эълон қилиб, уни амалиётда қўллайди. Бу бир бутун боғланган жараёндыр.

г) ахлоқ бу инсон ўзига ўз хоҳиши билан юклайдиган оғир юкдыр. Ахлоқ - бу шундай ўйинки, бунда инсон ўз ўзини хавф остига қўяди. Сукрот захар ичишга мажбур бўлган, Исо пайғамбар эса чормихга тортилган, Жордано Бруно ёқилган, Ганди ўлдирилган.

Бу ўйиннинг қиймати шундайдир"¹. Булар ахлоқ, покликни ахлоқий бурч сифатида тушунган шахслардир.

Ушбу таъриф қанчалик ҳиссиёт асосида баён қилинган бўлмасин, унда ахлоқнинг муҳим, ўзига хос белгиси, яъни унинг талабларига инсоннинг ўз ихтиёри билан амал қилиши очиқ ёритилган. У, юқорида кўрсатилганидек, инсон зиммасидаги оғир юк бўлиши билан бирга, усиз ҳеч ким ўз инсоний моҳиятини кашф этолмайди. Айнан ахлоқ инсон моҳиятини белгилаб, жамиятга самарали таъсир кўрсатувчи муҳим омил эканлигини назардан қочирмаслигимиз керак.

Ахлоқий нормаларнинг тизимида уларнинг маълум қисми ҳуқуқий ёзилмаларга мос тушмайди. Масалан, муҳаббат ва дўстлик ҳақидаги нормалар. Бошқа томондан, ҳуқуқий қоидалар орасида гарчи булар ахлоқда қоралансада, ўз мазмунига кўра ахлоқий нормаларга бефарқ бўлган (процессуал муддат ва бошқалар) қоидалар ҳам бор.

Ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларнинг вужудга келиш ва ривожланиш муаммосига мурожаат қиладиган бўлсак, уларни бир-биридан фарқлаш қийин бўлмайди. Ахлоқий нормалар муайян ижтимоий гуруҳ, миллат ёки бутун жамият ижтимоий онгида тарбия асосида ёки стихияли равишда шаклланади. Ахлоқий норма ва бу норманинг маънавий асосини деярли фарқлаш мумкин эмас, чунки шахс хулқ-атворида бўлган умумий талаблар фақат жамоа ижтимоий онгида мавжуд бўлади. Ҳуқуқий норма билан иш бошқачароқ кечади. Улар давлатнинг онгли хатти-ҳаракати билан яратилади, қонунларда ва бошқа ҳуқуқ манбаларида ифодаланади.

¹ Қаранг: Гусейнов А.А. Великие моралисты. - М.: Республика, 1995. - С. 16.

Ахлоқ жамият, ҳуқуқ эса давлат кучи билан яратилиши ҳақидаги фикрдан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, ахлоқ нормалари ҳар доим ҳам ёзма шаклни талаб қилмайди. Ҳуқуқ эса ҳар доим ёзма шаклда ифодаланади. Ҳуқуқ нормалари давлат қонунларида қайд қилиниши шарт.

Маълум маънода формал бўлган бу мезонни мутлақлаштириш ҳам керак эмас.

Биринчидан, ахлоқий онгга ҳам тарихий ёзма кодексларнинг таъсири бор. Иккинчидан, маълум даврларда оддий ҳуқуқ ҳам оғзаки тарзда мавжуд бўлган. Учинчидан, ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашиши ва ривожланиши даражасига кўра кўпчилик томонидан тан олинган ахлоқ нормалари ҳам ҳаммага маълум бўлиши учун эҳтиёж туғилади. Шундай қилиб, ахлоқ ва ҳуқуқий онгнинг ёзма ва оғзаки умумий талаблари ўртасидаги фарқ секин-асталик билан ўз аҳамиятини йўқотиб боради.

Ахлоқ ва ҳуқуқни бир-биридан ажратувчи асосий мезон ҳам бўлиб, у нормаларни ижро этишни таъминлаш усулида кўзга ташланади, десак хато бўлмайди. Агар ахлоқ нормаларига амал қилиш ижтимоий фикр кучи билан қўллаб-қувватланиб турилса, ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш эса мажбурлаш омилларига таянади.

Кант ва Гегель ахлоқ соҳасида ҳар қандай мажбурлашни истисно этадилар, чунки у автоном, ташқи таъсирлардан мустақил мавжуд бўлади (Кант)¹, ёки инсоннинг ички ишончи натижасидир (Гегель)². Ҳар қандай инсон жамиятда мажбурийлик асосида яшаётганини эсдан чиқариш мумкин эмас. Жамиятда

¹ И. Кант. Основоположение к метафизике нравов. - М., 1912. - С. 18-19.

² Гегель. Собрание сочинений. / Т. 7. Философия права. - С. 91-92. 111.

яшаб, ундан ҳоли бўлиш мумкин эмас. Ноахлоқий хатти-харакатни қораловчи ижтимоий фикр ҳам мажбурлашдир. У индивидуал онгга давлат томонидан амалга оширилган мажбурлашга қараганда кучлироқ таъсир қилади.

Ахлоқ ва ҳуқуқий онг ижтимоий онг шакллари сифатида одамларнинг хулқ-атвори қоидалари ҳақидаги умумий мезонлар мажмуида намоён бўлади. Бу мезонлар жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий муносабатлар билан белгиланади.

Ахлоқ ва ҳуқуқий онг предметини қуйидагиларга асосланиб фарқлаш мумкин:

А) ахлоқ ва ҳуқуқий онг умумий йўл-йўриқларининг объектив мазмунига;

Б) ахлоқий ва ҳуқуқий тасаввурларнинг шахс индивидуал онгига таъсири механизми спецификасига;

В) ахлоқ ва ҳуқуқий онг қўлланмаларини таъминлаш усулига.

Ахлоқ ва ҳуқуқий онг инсон хулқ-атворида турли "ўлчамлар" билан таъсир этиб, ўз объектив мазмунига кўра турлича категориялар билан ифодаланади.

Яхшилик, инсонпарварлик ҳисси ахлоқнинг асосий томонлари бўлса, бурч, маъсулият ҳуқуқий онгнинг асосий категориялари ҳисобланади. Албатта ахлоқ ва ҳуқуқ ўртасида бўлганидек, ҳуқуқий мажбурият, бурч ўртасида ҳам туташ, бир-бирига яқин нуқталар кўп. Бироқ улар ҳар бири ўз соҳасида аниқ мезон ва меъёрларга эга бўлган категориялардир.

Ахлоқ ва ҳуқуқий онг категорияларининг предмети инсоннинг жамиятдаги хулқ-атвори эканлиги, улар инсон онгида мавжуд бўлиши муносабати билан бу категорияларнинг бир-бирига яқинлиги масаласида ҳам

хайрон қоларли ҳолат йўқ. Жиноят - бу жазо эканлиги, қонунга мувофиқ ҳаракат яхшиликдан дарак бериши ҳақидаги тасаввурлар одатий ҳолатга айланиб қолган. Бу ўзаро таъсир биздан ахлоқ ва ҳуқуқий онг категорияларининг турли объектив мазмунини тўғри фарқлашни ҳам талаб қилади.

Ижтимоий гуруҳларнинг хулқ-атвори нормалари ва манфаатлари ҳуқуқий онг ва ахлоқда турлича баҳоланади. Ахлоқий онг хулқ-атворни яхшилик, бурч, ор-номус ва бошқа ахлоқий мезонлар ёрдамида ўлчаса, ҳуқуқий онг эса хулқ-атворни қонунийлик ёки адолат каби ҳуқуқий тушунчалар ёрдамида баҳолайди. Бу фарқлаш ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини билишга асослангандир.

Ҳуқуқий онг мезонлари давлат томонидан белгиланса, ахлоқий нормалар эса уларни давлат томонидан тан олинишидан мустақил мавжуд бўлади. Улар жамоа, миллат ёки бутун халқнинг ижтимоий фикрига таянади. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ давлатдан ташқарида мавжуд бўлмаган ва мавжуд бўла олмайди. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, одамларнинг ахлоқий тасаввурлари ҳуқуқий онгга қараганда жамиятда олдин пайдо бўлган ва кенг тарқалган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳуқуқ ва ахлоқ кенг даражадаги норматив тартибга солувчи механизмлар бўлиши билан бирга, икки мустақил, бир-биридан фарқ қилувчи, "суверен" норматив тизимлар ҳамдир.

Ахлоқ ва ҳуқуқни бир-биридан ажратувчи жиҳатлар ҳақида юқорида баён қилинган фикрларга яқин ясаб, уларнинг тафовутларида яққолроқ намоён бўладиган уч муҳим белгини ажратмоқчимиз. Булар қуйидагилардир: биринчидан, ахлоқ, унинг идеаллари,

инсонга ижтимоий фикр, тарбия ёрдамида сингади ва унинг фаолиятига таъсир кўрсатади. Ҳуқуқ эса инсон фаолиятини қатъий тартибга солувчи мезон ва меъёрлар тизимидир. У кишилар хатти-ҳаракатини давлат томонидан қўллаб қувватланадиган қонунлар ва бошқа норматив зарурий ҳужжатларда баён қилинган расмий-қатъий ёзма шаклдаги нормаларга мос келишини талаб қилади. Иккинчидан, ахлоқ- бу кишиларнинг рухий ҳаётига туташган ва ташқи, объективлашган ифодаларни зарурий талаб қилмайдиган (гарчи маълум ҳужжатларда, ҳаммадан олдин диний ёзилмаларда, ахлоқий талабларнинг мустаҳкамланганлиги улар таъсир кучини кучайтирса-да), "соф" онг соҳасидир. Ҳуқуқ эса - институцион тартибга солувчи воситадир. У жамиятда ҳеч кимнинг кўрсатмаларига боғлиқ бўлмаган, барча учун умумий ва мажбурий тартиб-интизомга бўйсунитишни талаб қилади. Ҳуқуқда мажбурийлик омиллари устувордир. Инсон ҳуқуқни бузса жазоланади. Ахлоқ чегарасидан чиқиш эса кўпинча жамоатчилик фикри асосида баҳоланади. Учинчидан, ахлоқ мазмуни бевосита бурч, мажбуриятлар, кишиларнинг ўз хатти-ҳаракатларига, жамоатчилик фикрига жавобгарлик маъсулияти билан боғланган. Ҳуқуқ эса биринчи навбатда, "ҳуқуқлар ҳақида гапириб", субъектлар мавқеини, уларнинг юридик имкониятларини таъминлашга йўналиб, алоҳида шахслар субъектив ҳуқуқларига диққатни қаратади.

Демак, юқорида айтилган фикрларга кўра, ахлоқ шафқатсиз иш кўриш тартиби ва санкцияларга эга бўлган ҳуқуққа қараганда нисбатан юмшоқ, инсоний, ён босадиган тартибга солувчидир. Бундан ахлоқ келажакда инсон ва инсоният тақдирини ҳал қилишда катта истикболларга эга бўлади деган хулоса чиқариш ҳам мумкин. Лекин бу фикрга маълум даражада қўшилган

холда, уни мутлақлаштириш тарафдори ҳам эмасмиз. Ахлоқ ҳам, ҳуқуқ ҳам жамият ҳаётида мустақил ўринга эга бўлган икки асосий, маънавий, қадриятли тартибга солувчи социал соҳалардир.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, ҳуқуқ маданият феномени сифатида ахлоқ билан жуда кўп умумийликка эга. Лекин шу билан бирга улар ўртасида фарқлар ҳам катта. Уларни маънавиятнинг ўзига хос соҳалари деб айтиш мумкин.

Ҳозирги ҳуқуқ нисбатан кечроқ цивилизация вужудга келиши шароитларида пайдо бўлди. У ташқи социал ўзаро таъсирларнинг мураккаблашиб бориши, инсон кенгроқ кўламда ижтимоийлашиб бориши жараёнида шаклланди. Ҳуқуқ тарихий тараққиёт жараёнида инсоний муносабатлар борасидаги барча мезон ва меъёрлар ичида каттароқ ўрин олиб, бошқа барча тартибга солувчи механизмлардан устуворроқ бўла бошлади. Инсон ҳаёти, фаолиятининг ташқи томони унинг ички маънавий оламидан ажралганида ҳуқуқ ва ахлоқ ўртасида рақобат бошланади. Ҳуқуқ инсон хулқ-атворининг ташқи, ахлоқ эса ички томонини бошқаради. Улар ўртасидаги курашга қарамай, ҳуқуқий норма фақат ўзининг ахлоқий, маънавий мазмуни туфайли ривожланди. Жамият тараққиёти таъсирида ҳуқуқий мезонлар ахлоқ нормаларига нисбатан тезроқ ўзгариб турди. Ҳуқуқ тараққиётида жамиятдаги ўзгаришлар тезроқ акс этиб борди. Кўплаб "пуч" қонунлар ўзгариб туришини айнан шу билан тушунтириш мумкин. Ривожланиш, янгиланиш имкониятлари жиҳатидан ҳуқуқ ахлоққа нисбатан консервативроқдир.

Ҳуқуқнинг ахлоқ талабларига жавоб бериши шартлигидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, "ҳуқуқнинг

ички ахлоқийлиги унинг самарадорлигининг муҳим шартларидан биридир"¹².

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг характери ҳам биринчи навбатда умуминсоний деб тан олинувчи ахлоқий қадриятларга асосланади. Ҳар бир инсон ўзида ақл, ирода ва ҳиссиётга, яъни уни атроф муҳитдан ажратиб турувчи сифатларга эга бўлган мавжудот сифатида қадриятни намоён қилади. Инсон эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати, Конституциянинг биринчи бўлим 13-моддасига кўра, олий қадрият ҳисобланиб, давлат ҳимоясидадир. қадр-қиммат инсоннинг ахлоқий сифати кўринишида субъектив (шахсий қадр-қиммат ҳисси), шу билан бирга объектив (инсон шахсини тан олинishi ва ҳурмат қилиниши) ҳамдир.

Ҳеч ким бировнинг шаъни ва қадр-қимматини камситишга ҳақли эмасдир. Конституция 5, 7,14-бобларининг деярли барча моддаларида бевосита ёки билвосита ахлоқ меъёрлари мавжудлиги, ҳуқуқ нормаларининг шаклланишига ахлоқнинг таъсиридан далолат беради. Демак, юқорида кўриб ўтилган ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўзаро муносабатини баён қилувчи ҳолатлар ҳуқуқ ўз табиатига кўра чуқур ахлоқий тартибдаги ходиса эканини ва унинг ишлаши ҳуқуқ моҳиятига ахлоқий мезонлар ва баҳоларнинг тўғридан-тўғри кўшилувисиз мумкин эмаслигидан гувоҳлик беради.

Демак айтиш мумкинки, жамиятда бир томондан ҳуқуқ-тартиботнинг самарадорлиги унинг қанчалик ахлоқийлиги билан белгиланса, бошқа томондан эса ахлоқий тамойилларнинг амал қилиши ҳуқуқ-тартиботининг барқарорлигига боғлиқ экан. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқ келиб чиқиши жиҳатидан ахлоқий

¹² Туманов В. А.Правовой нигилизм в историко-идеологическом ракурсе. // Ж. Государство и право. 1993. №8. -С. 56-58.

характерга эга эканлиги билан боғлиқдир.

Хуқуқ ва ахлоқ муносабати ҳақида гапирганда баъзи муаллифлар ахлоқнинг хуқуққа нисбатан устунлиги ҳақидаги хулосага келадилар. Лекин бунга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чуқурроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, салбий томонлар фақат хуқуқий тартибга солиш эмас, балки норматив-қадриятли тартибга солувчи сифатида ахлоққа ҳам хос эканлигига амин бўламиз. Умумэътироф этилган илғор ахлоқ билан бир қаторда қолоқ, архаик, тарих ва тараққиёт томонидан рад этилган тартибларни қайд этувчи ахлоқ мустаҳкам сақланиб келаётганини таъкидлаш ҳам ўринлидир. Шариат қоидалари ҳам хуқуқий мезонлар, меъёрлардир. Лекин бу ерда инсонпарварлик билан боғланган ахлоқий омиллар устуворлик қилади. Ахлоқий асосланган хуқуқий мезонгина қадрият сифатида тан олинади. Шу сабабли ҳам ислом хуқуқида инсонпарварлик қадриятлари устувордир.

Хуқуқ ҳам ижтимоий аҳамияти эътиборга олиниб қонун даражасига кўтарилган ахлоқдир. Ахлоқнинг устунлиги, унинг чексиз ҳукмронлиги ғоясини мутлақлаштириш керак эмаслигини таъкидлаб, таниқли рус хуқуқшуноси С. С. Алексеев ўз асарида бундай ҳолат ижтимоий ҳаётга ноаниқлик олиб кириши, эркин, ихтиёрий хатти-ҳаракатлар учун оқловчи асос бўлиб қолиши мумкинлиги, ҳамда амалиётда салбий оқибатларга - патернализм ғоясининг қарор топишига, қудратли давлатнинг яхшилик ва адолат йўлида шахсий ҳаётга аралashi каби ҳолатларга олиб келаётганини таъкидлайди. Ҳақиқатдан ҳам ушбу масала ўта нозик бўлиб, фан ва ижтимоий фикрда ҳалигача хуқуқ ва ахлоқнинг ўзаро муносабатига нисбатан қатъий ечимга келинмаган.

Демак юқоридаги фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳуқуқ ва ахлоқ муносабатида соф инсоний ахлоқнинг қудрати ва тенги йўқ қиммати, ҳуқуқ ва ахлоқнинг ўзаро самарали таъсирини, уларнинг чамбарчас ўзаро таъсири ва бир-бирига сингиб кетишини назардан қочирмаган ҳолда уларнинг ҳеч бирини иккинчисидан устун қўйиб бўлмайди.

Соф ахлоқ ва ҳуқуқ чуқур инсоний бўлиб, уларнинг мақсади- инсоният эволюцияси, уни тараққиёт ва маданият йўлидаги равнақи экан, биз интилиб бораётган ҳуқуқий демократик фуқаролик жамиятида ҳуқуқ ва ахлоқ кишилар ҳаётини тартибга солувчи моҳиятлар сифатида тенг даражада ўз вазифаларини бажариши керак. Шу маънода ҳуқуқий онгнинг ижтимоий онг шакллари ичида ўзига хос ва муносиб ўрни ва аҳамияти бор.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ БАЪЗИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА

*Бахтиёр Омонов - Тошкент ахборот технологиялари
университети проректори,
сиёсий фанлар номзоди*

Глобаллашув жараёни тезлашуви жаҳонда янги-янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ана шундай муаммолардан бири ахборот хуружи ҳисобланади. Ундан кўзланган асосий мақсад гегемон давлатлар томонидан ёш давлатларнинг тарихий хотирасига, жумладан ёшларнинг онги, мафқурасига кучли таъсир ўтказишдан иборат. Электрон оммавий ахборот воситалари, Интернет ушбу жараёнларда, шубҳасиз, катта роль ўйнамоқда.

Уинстон Черчиллнинг ибораси билан айтганда “Ким кўп ахборотга эга бўлса, ўша дунёни бошқаради”.

Америка Қўшма Штатларининг сўнги йилларда тутган сиёсати бунга ёрқин мисол бўла олади. Мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий қудрати ошган сари информация тўплаш, қайта ишлаш ва Интернет орқали узатишни ҳам кучайтириб бораверади. Ҳозирги кунда АҚШ шу тахлитда Осиё ва Африка қитъасининг бирқатор кичик давлатларини уз “ахборот доираси”га бўйсундиришга ва ғарбона яшашга майл уйғотишга интилмоқда.

XVII асрдан бошлаб дунё бўйлаб модернлаштириш ёки техника янгиликлари кириб келиши оқибатида одамлар олдида техниканинг ривожини билан боғлиқ равишда янги имкониятлар очилди. У одамларнинг тирикчилигини яхшилаш учун янги воситалар яратиб берди. Аммо модернлаштириш янги муаммоларни ҳам туғдирди. Чунки Ғарбдан кириб келган модернлаштириш улкаларга ғарбона яшаш тарзини ҳам олиб келади.

Дунёда беқарорлик юзага келмоқда. Беқарорлик сабабларидан бири – у ўзи билан бирга олиб келадиган либерализм ғояларини қабул қилмасликдир. Ислом кадриятлари тизими, яъни дунёвий ва диний ҳаётнинг яхлитлиги демократия тамойилларини рад этади. Афғонистон, Покистон, Ироқ, Эронда содир этилган ва содир этилаётган ғарбона сиёсий аралашувлар фикримизнинг исботи бўла олади. Ислом дунёсида диннинг ўзи яшаш шаклидир, бу ғарб қолипларини, модернлаштиришни қабул қилмасликни англатади. Бу эса ислом дунёсини бундан кейин ҳам ортда қолишга ва охиروқибатда неандерталликлар қисматини бошдан кечиришга маҳкум этади.

Яқин йилларда юз берадиган бу инқилоб жараёнида тузиладиган маънавий ибтидолар шахснинг ташаббускорлигини – индивидуализмни чекламоғи, уни жамоа олдидаги бурчларга бўйсундирмоғи лозим. Аммо қизиғи шундаки, айти шу ташаббускорлик ғарб

цивилизациясининг пойдеворини ташкил қилади ва унинг харакатлантирувчи кучи ҳамдир. Ғарб ўзини қайта кура олармикан- бу жуда катта масала.

Россиянинг цивилизацион тафаккурида Шарқ билан Ғарб аралашиб кетган. Бу Россияга Ғарб кадриятларини ҳам, Шарқ кадриятларини ҳам унчалик зўриқмай, беозор қабул қилишига имкон беради. Буларнинг бари Россиянинг вазиятини анча қулайлаштиради. Дунёда қарор топаётган янгича геополитик вазият Россияни булғувсидаги умумсайёравий модернлашув жараёнида олдинги маррага олиб чиқади. XXI аср Россия асри булиб қолиши мумкин, лекин бу Россия Америкага ёки Японияга айланиши керак, деган маънони билдирмайди.

Хулоса шундаки, олий таълимда сабоқ берувчи профессор-ўқитувчилар ёш авлодга глобаллашув муаммолари, шунингдек интеграция, модернлаштириш атамалари моҳиятини аниқ тушунтириб боришларини кечиктирмаслик лозим. Айти шундай усуллар билан талабаларда мафкуравий иммунитет шакллантириб борилади.

РОЛЬ ТОЛЕРАНТНОСТИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

*Д.Э. Нурмухамедова – ТУИТ, страший
преподаватель кафедры философии*

В общественном сознании распространены некоторые неопределенные понятия, истинность которых полагается очевидной. Например, понятие "свобода" все считают выражением истины бытия человека: никто не хочет быть рабом, все стремятся к независимости. Когда же это понятие конкретизируется, возникают вопросы и сомнения. Например, кто будет защищать свободу

убийцы? Большинство, наверное, выступит против такой свободы.

"Толерантность" (терпимость) относится к числу понятий, сходных в своей сущности с понятием "свобода". На самом деле кто может смириться с нетерпимостью, проявляемой к его личным качествам, естественным и социальным свойствам? В этом смысле все - за толерантность: но как только ставится вопрос о толерантности в отношении специфики образа жизни, привычек, ментальности конкретных индивидов, возникает немало проблем.

Например, трудно проявлять толерантность в отношении сидящего в общественном транспорте бомжа или нарушающего общественный порядок. Это очевидные явления. Но существует и такая несовместимость, которая порождает неоднозначную реакцию. Это относится к феноменам духовной, культурной, нравственной жизни.

Толерантность является важнейшим условием нахождения компромиссов, преодоления конфликтов. Нетерпимость ведет человечество к братской могиле, поэтому проблема толерантности сегодня обрела международный смысл. Не случайно Генеральная Ассамблея ООН в декабре 1992 года приняла резолюцию, приветствующую инициативу ЮНЕСКО провести год Организации Объединенных Наций, посвященный терпимости. Этот год был приурочен к пятидесятой годовщине образования ООН и ЮНЕСКО.

Как представляется, адекватное толкование толерантности возможно лишь в том случае, если принимается во внимание ее конкретное содержание. Одно

дело - толерантность в структуре межрелигиозных отношений, другое - толерантность в идеологической сфере. Особая проблема толерантности в структуре научного мышления. Смещение различных видов ментальности может иметь поистине трагические последствия. Если религии и идеологии дают свои ответы на вопросы, которые не имеют однозначных решений, то в науке два взаимоисключающих ответа на один вопрос представляются несовместимыми.

Наличие различных типов ментальности и соответственно различных форм толерантности - это та проблема, адекватное решение которой создает предпосылки установления таких социальных и политических отношений в обществе, которые обеспечивают стабильность демократии.

Толерантность как тип индивидуального и общественного отношения к социальным и культурным различиям, как терпимость к чужим мнениям, верованиям и формам поведения можно рассматривать в качестве одного из фундаментальных признаков цивилизованности, уровня политической культуры.

Несмотря на видимость общего согласия в необходимости культивирования толерантности, в современном мире идут глубинные процессы, подрывающие международное сотрудничество, порождающие острые межэтнические и межцивилизационные конфликты. В чем причина усиления нетерпимости, и есть ли путь преодоления или смягчения межцивилизационных противоречий? Не давая ответ на эти вопросы, трудно рассчитывать на выработку адекватного стратегического мышления, позволяющего

определять ориентиры долгосрочной государственной политики.

Этим объясняется необходимость нового осмысления проблемы толерантности и определения контуров ее решения применительно к современной исторической ситуации.

Чтобы ответить на эти вопросы, обратимся к природе толерантности. Исторически толерантность - духовное, а не физиологическое явление - осмысливается и получает свое определение как реакция на последствия мировоззренческого конфликта, становящегося предпосылкой религиозных войн. Религиозные войны провоцировались людьми, убежденными в том, что именно они владеют абсолютной истиной. Разве это не благородная и спасительная для человечества цель - утвердить абсолютную истину всюду, где это возможно?

Логика абсолютной истины обязывает быть последовательным. Это и нравственный императив. Нарушая его, человек проявляет слабоволие, недопустимые колебания, неуверенность в себе. Он становится жертвой общественного презрения.

Кто судит с абсолютных позиций, тот легализует право судить и себя аналогичным образом. Вера в абсолютную истину - это бритва, которая безжалостно режет по живому. Значит ли это, что во имя сохранения жизни людей следует отречься от истины? Такая постановка проблемы кажется неприемлемой. Истина придает жизни смысл. Истина присутствует в сознании человека даже тогда, когда он занимает скептические

позиции. На признании общей истины держится упорядоченная общественная жизнь.

Однако доступна ли человеку абсолютная истина? Может ли он считать реальным претензию религиозного мировоззрения на абсолютную истину? Ведь человеку, ограниченному существу, противостоит бесконечность, которая в принципе не может быть познана до конца.

Оправданный и философски осмысленный скептицизм становится логической и нравственной основой толерантности, а затем и политики терпимости, отделения церкви от государства, однако государственная толерантность не легитимизирует терпимость ко всему, к любым социальным явлениям и формам практического поведения. Под понятие толерантности нельзя подводить и требование абсолютной свободы индивида. Абсолютная свобода человека и деспотизм - это две стороны одной медали.

Государственная легитимизация толерантности несет в себе возможность утверждения демократической формы правления. С этим связаны и новая интерпретация духовной эволюции человечества, и сомнение в адекватности идеи священной истории, основанной на откровении, одномоментном постижении истины бытия человека. Истина бытия осмысливается теперь как процесс: она естественным образом соединяется с толерантностью.

Наиболее убедительную попытку соединения абсолютной истины с признанием многообразия мировоззренческих позиций предпринял Гегель. Согласно Гегелю, абсолютная истина есть конечный результат

движения идеи, которая последовательно проходит стадии, зафиксированные в исторически сформировавшихся философских системах. Все они несут в себе моменты истины и поэтому не могут отвергаться с порога: истина многогранна и прекрасна, как алмаз. Соединение абсолютной истины с толерантностью следует рассматривать как выражение философского разума, той мудрости, которая выше религиозной веры в силу своей универсальности.

С такой трактовкой философского разума связано важное умение находить общий критерий, благодаря которому воздается должное каждому народу. Диалектическая логика разума и есть универсальный критерий оценки исторической роли личностей и государств как носителей и средства реализации Абсолютной идеи.

Вместе с тем выделяется общая субстанция всемирной истории, закладываются предпосылки глубинного преодоления ксенофобии, разного рода предубеждений и предрассудков.

Эмоционально декларируемый принцип толерантности сегодня нередко сводится лишь к возбуждению сочувствия к людям иной этнической, религиозной принадлежности либо к выявлению несоответствия тех или иных общепризнанных прав человека реальной политике в конкретном государстве. Такой эмпирический подход ведет к смешению нетолерантности с различными видами дискриминации. Толерантность требует видения общественной жизни как позитивного целого. Понимание этого целого и есть объективное основание подлинной толерантности.

Толерантность - это не беспринципность, не социальный эклектицизм; это глубинное понимание необходимости иного, различий и особенностей как моментов целого. Нетолерантность - это игнорирование истины социальной жизни.

В отличие от толерантности дискриминация - это искусственное культивирование особенностей, оправдывающих ограничение прав, возможностей экономической, социальной, политической и духовной активности, вытеснение, подавление иного субъекта. Дискриминация основана на субъективной воле, устанавливающей такую иерархию ценностей, которая ставит в привилегированное положение определенного субъекта.

Толерантность имеет свой механизм самореализации. Член общества как гражданский субъект удостоверяет свое достоинство через признание достоинства иного и находит в этом подтверждение своей собственной политической культуры. Политическая культура обретает характер общего разума, сужающего сферу действия дискриминации по мере того как все большее число граждан усваивают универсальные принципы и признают их своими, что удостоверяется конкретными формами их конструктивного взаимодействия.

В обществе социальной дискриминации складывается атмосфера равнодушия к универсальным критериям оценки достоинств человека. Если даже они признаются на словах, индивиды продолжают стремиться использовать возможности своего положения для получения привилегий за счет других. Если в таком

обществе нет черных негров, то обязательно возникают "белые негры".

В атмосфере социальной дискриминации индивиды не знают критериев своего достоинства. Существует и нравственный аспект этой проблемы: социальному достоинству не учат в семье, оно не формируется и в системе образования. В итоге граждане видят в качестве реалий лишь свои естественные и социальные различия. Люди, являющиеся друг для друга "продуктами природы", никогда не увидят своей универсальной сущности. Соответственно перед ними не встает и проблема толерантности.

Проблема толерантности возникает лишь тогда, когда члены общества начинают "видеть" свою универсальную сущность. В зависимости от доминирующего в государстве общественного сознания складываются и различные типы толерантности.

Любое общество, не имеющее этнической, социальной и культурной однородности для обеспечения своей стабильности, нуждается в толерантности.

Эффективность толерантности зависит от того, насколько ее форма соответствует характеру доминирующего - мифологического, религиозного, секулярного или научно-общественного сознания.

Толерантность в структуре мифологического сознания. В структуре мифологического сознания возникают предпосылки абсолютной истины. Парадоксальным образом ее признание находит свое выражение в реакции на движение философской мысли,

которая дает разумное истолкование мифа. Процесс такого истолкования - это форма логического или фактического доказательства. Неопровержимое обоснование мифологического представления и есть путь к абсолютной истине.

На первых порах мифологическое сознание и философия легко уживаются друг с другом. Это состояние можно назвать скрытой толерантностью. Толерантность здесь еще не осмыслена концептуально. Общество терпимо относится к специфике философского мышления, поскольку оно еще не ведет к разрушению образов мифологического сознания. В итоге, однако, возникает тенденция подавления философии. 2

Утверждение полученной через откровение единственной абсолютной истины делает толерантность логически и нравственно невозможной. В структуре абсолютной веры толерантность невозможна в принципе, поскольку она разрушает абсолютность.

Утверждение абсолютной истины оказывается предпосылкой преодоления социального хаоса, создания социально-психологического климата для восприятия общего закона, сковывающего обручем субъективную волю и представителя низов, и гирана. Утверждение абсолютной веры стало путем к социальному миру. Вместе с тем очевидно, что встреча абсолютных верований чревата опасным и непримиримым конфликтом.

Постоянное очищение веры от потенциальных носителей внутреннего конфликта с течением времени оказывалось все более трудной задачей. Ферментом разрастания внутреннего конфликта оказывался конфликт

внешний, где противостояли друг другу взаимоисключающие доктрины, в равной мере претендующие на абсолютность.

Религиозные войны и подготовили легитимизацию толерантности. Но, естественно, толерантность несла бы на себе неизбежную печать беспринципности, если бы не философская критика метафизики. Именно эта критика позволила придать толерантности легитимность и вполне осмысленный характер. Критика метафизики - это отрицание претензий любой веры на окончательную и абсолютную, единственную истину, а вместе с тем и ключевой этап в установлении духовно зрелого общества. Отношения с религией, которые позволяют сохранять ее нравственные функции и вместе с тем достаточно определенно очерчивают границы ее компетенции, превращают толерантность в постоянную черту жизни общества. Толерантность, однако, укрепилась не везде. Она оказалась поставленной под удар критики, но теперь уже не с позиций религиозной догматики, а с позиций идеологии, не допускающей компромисса принципов.

Секулярное сознание и толерантность. В структуре секулярного сознания эрозия толерантности происходит в силу абсолютизации социальной роли определенного исторического субъекта, которому приписываются черты совершенства, исторического превосходства и универсальности.

Определенность исторического субъекта - этноса, нации, класса, цивилизации - это эмпирический факт. Однако утверждение универсальной мессианской роли субъекта и соответственно определение его особых качеств - это идеологический постулат.

Идеологический продукт секулярного сознания и порождает нетерпимость. Догматические постулаты в секулярном сознании не требуют эмпирического подтверждения и логических доказательств. Они обладают свойством самоподтверждения, поскольку совпадают со скрытым массовым устремлением. Любые выводы и суждения, противоречащие принятой догме, автоматически попадают в категории "клеветнических", "очернительских", "подрывных" представлений. Соответственно они служат основанием для того, чтобы общественные организации и государственные органы выполняли особые очистительные функции, определяли систему мер для предотвращения распространения враждебных влияний.

Серьезная трудность в понимании секулярной нетерпимости заключается в характере открытия, на которое опирается идеологическая доктрина. Это не открытие нового явления и не обоснованный логически вывод, а открытие истинного будущего. Поэтому в принципе ни одна идеологическая доктрина не может быть окончательно опрокинута эмпирическими и логическими доводами.

Другой важный момент состоит в том, что идеологическая сублимация этнической или социальной самооценки определяется относительностью возвышения: унижение своего визави автоматически ведет к самовозвышению. Этот аспект идеологического самосознания обычно остается в тени: принимаются во внимание лишь экономические, социальные, политические выгоды самовозвышения. При этом оказывается необъяснимым факт экономических и иных уступок ради сохранения видимости превосходства.

Сила влияния этнического и социального эгоцентризма может быть столь велика, что возможны огромные материальные и даже человеческие жертвы ради самоутверждения. Самоутверждение может стать фактором ренессанса традиционных религиозных, культурных, духовных ориентаций.

Самоутверждение формирует черно-белую действительность. Все свое предстает в одеяниях святого. Все чужое - в облике сатаны. И это наглядно обнаруживает тот факт, что такое самосознание не отражает реальность, а формирует ее определенным образом.

В секулярном обществе толерантность становится реальностью в результате признания как истинных универсальных нравственных принципов. На основе всеобщих принципов возможно уважение к иному, принятие этнических и национальных особенностей, различий в социальных воззрениях, которые порождаются особенностями условий жизни, профессиональной деятельности, культурных традиций.

Толерантность здесь - следствие высокой духовной и нравственной культуры. Для традиционного общества, однако, выявляется и проблема способности человека подчинять свои чувства и интересы таким всеобщим принципам.

Ф. М. Достоевский поставил эту фундаментальную проблему так: могут ли все или большинство следовать принципам, если им нечего есть или негде жить? Не будут ли индивиды следовать инстинкту выживания, пренебрегая принципами и священными заповедями?

Жизнь традиционного общества ставит ценность трансцендентального принципа под сомнение.

Сфера принципа - это сфера свободы, результат выбора. Если свободному выбору следуют единицы, то люди принципа чувствуют себя принадлежащими к особому клану. Если масса людей живет постоянными компромиссами: грешат и каются, каются и грешат вновь, то терпимость складывается как способность прощать. Человек, не способный прощать, не может быть в нормальных отношениях с людьми.

Научная ментальность и толерантность. Становление научной ментальности как общественного сознания имеет своим следствием критическое восприятие идеологии, критику всех ее форм как "извращенного сознания", затеняющего действительные механизмы социального действия. Научная ментальность полагается средством освобождения сознания от идеологического субъективизма. Такое освобождение должно "снимать" и идеологическую нетерпимость, и связанные с ней конфликты.

Научная ментальность предполагает анализ реальных причин и следствий так, как они понимаются в естественных науках: имеется причина как установленный материальный феномен, факт и порождаемые им определенные следствия. Все, что находится вне этой реальной материальной связи, есть фантом, продукт воображения.

Сущностные аспекты самосознания в такой ментальности утрачивают свою легитимность. Ведь порожденные самосознанием фантомы как раз и

становятся действующей причиной определенного практического поведения. Терпимость в сфере самосознания - это терпимость к фантомам в зависимости от их практических последствий. Научная ментальность не может быть в принципе терпима к фантомам: она подчиняется принудительной силе материальной объективности.

Другим аспектом проблемы толерантности становится определение подлинных механизмов поведения человека. Наука должна вскрывать глубинный "второй план", скрытый иллюзиями сознания.

"Освобождение" от абстрактных идеалов рассматривается как путь к пониманию подлинных причин поведения, в том числе и психических отклонений.

В итоге происходят глубокие сдвиги в общественной психологии, которые находят свое выражение в сексуальной, нравственной и иных революциях.

Традиционная культура опиралась на представление о том, что нравственные ценности и нормы определяются наличием в созданной Верховным Существом иерархии бытия - низших и высших его форм.

Культура модерна (нового времени) полагала объективной иерархию созданных человеком вещей, составляющих искусственный мир, и установленную социальную иерархию.

Культура постмодерна считает исходным основанием ценностных представлений выбор индивида в

данной конкретной ситуации. Эти исходные основания различных типов культуры и определяют понимание толерантности.

**КАМОЛИДДИН БЕХЗОД ИЖОДИНИНГ
МАДАНИЯТДА ТУТГАН ЎРНИ**
*Ш.Т. Ўрмонова – ТАТУ фалсафа кафедраси
катта ўқитувчиси*

XIV-XV асрлар теурийлар даври тарихининг олтин саҳифаларидан ҳисобланади. Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Мирзо Бобур, Шох Машраб сингари кўплаб машҳур олим, файласуф, шоир ва санъаткорлар шу даврнинг беназир мутафаккирларидир. Ва улар қато- риди “аср нодири, жавоҳирлар жавоҳири” саналган, бетакрор истеъдод соҳиби устод Камолиддин Беҳзод ҳам яшаб ижод этган. Хирот миниатюра мактаби асосчиси, музаҳҳиблар етакчиси, устози , “Иккинчи Моний” деган унвонга сазовор бўлган Камолиддин Беҳзод Мирак Наққош қўлида тарбия- ланган бўлиб, Пир Саид Аҳмад Табрзийдан мусаввирлик сирларини ўрганган, мусаввир Халил Мирзо Шохруҳий бадий услубини давом эттириб, ривожлантирган. Истеъдодининг жуда тез шаклланишида Алишер Навоийнинг ҳомийлиги аҳамиятли бўлган. Навоий шахсий кутубхонасида Султонли Машҳадий сингари хаттотлар билан, Ҳожи Муҳаммад каби мусаввирлар билан ижодий ҳамкорликда бўлган.

Камолиддин Беҳзод бутун дунё тарихида ўчмас из қолдирган, жаҳон маданияти хазинасига ўзининг ноёб асарлари билан муносиб ҳисса қўшган, жаҳон маданияти тарихида салмоқли ўрин олган буюк мусаввирдир.

Шарқ миниатюра санъати, хусусан, Камолиддин Беҳзод ҳаёти, у яратган миниатюра мактаби, ижодининг жаҳон тасвирий санъати ривожига таъсири бир қатор

тарихчи, файласуф, санъатшунос, адабиётшунос, европалик беҳзодшунос олимлар томонидан ҳар томонлама очиб берилган. Жумладан, З.Восифий, Хондамир, Қози Аҳмад, Э.Кухнел, Т.Арнольд, Ф.Мартин, В.Грей, Л.Ремпель, Г.Пугаченкова, Х.Сулаймонов, О.Усмонов, Н.Норқулов кабилар томонидан кўплаб маълумотлар, асарлар таҳлили келтирилган.

З.Восифийнинг “Бадойинул-вақое” китобидан гўзал бир таърифни келтирамиз:

“Кунларнинг бирида Беҳзод янги ишлаган бир суратини Навоийнинг олдига олиб келади: ажойиб боғ, дарахтлар, дарахтлар шоҳида кушлар... гуллар қулф уриб очилиб ётибди, ариқларда зилол сувлар... Боғда нуроний Алишер Навоий. У бир қўли билан ҳассага таянган, иккинчи қўлида бир товоқ, товоқда олтинлар. Навоийнинг атрофида илм-фан, санъат ва адабиёт аҳллари. Гуё Навоий уларнинг ижодий ишларидан шод бўлиб, бошларидан олтин сочмоқчи...

Суратдан завқланган Навоий (Наққош ажойиб саҳифани нақшлабсан, вақтинг хуш бўлсин, зероки, бизни хушвақт қилдинг, мазмунида) байт айтади.

Беҳзод бу суратни олиб келганида Навоий Мавлоно Фасеҳиддин, Соҳиб Доро, Мавлоно Бурҳон ва Мавлоно Муҳаммад Бадахшийлар билан суҳбатлашиб ўтирган экан. Навоий улардан бу сурат ҳақидаги таассуротларини сўзлаб беришни сўрайди.

Ширин ва ҳазиломуз суҳбат бошланади. Мавлоно Фасеҳиддин :

Маҳдумлар, мен очилган бу гулларни кўришим билан қўл чўзиб, улардан бирини узиб, салламга кўндирмоқчи бўлдим, - дейди.

Соҳиб Доро:

- Менда ҳам шундай истак бор эди, аммо қўл чўзсам, дарахтлардаги қушлар хуркиб учиб кетмасин деб андиша қилдим, - деди.

- Мавлоно Бурҳон:

- Мен мулоҳаза билан кўлимни тортиб, тилимни тиймоқчиман, агар сўз котсам. Мир (Навоий) ранжисалар. юзларини буриштириб, кошларини чимирсалар, суратдаги очик чехралари ўзгариб кетади, - дейди.

- Мавлоно Муҳаммад Бадахший:

- Эй, Мавлоно Бурҳон, агар беодоблик ва густахлик бўлмаганда эди, суратдаги Мирнинг қўлларидаги ҳассани олиб сенинг бошингга солар эдим, - дейди.

- Навоий суҳбатни якунлаб:

- Азизлар яхши сўзлар айтишди. Агар Мавлоно Бурҳон дағаллик қилмаганларида, мен, (суратда тасвирланган) товоқдаги олтинларни дўстларнинг бошидан сочмоқчи эдим, дейди ва Беҳзодга бир от билан чопон инъом қилади, суҳбатдошларига либос кийгизади ”.

- Камолиддин Беҳзод Султон Ҳусайн фармони билан салтанат кутубхонасига раҳбар этиб тайинланди. Кейинчалик бу ер бадий академияга айланди. Ҳиротда Беҳзод замондошлари қўлёзмаларини яратишда раҳнамолик қилди, бетакрор миниатюра асарлари билан зийнатлади. Султон Ҳусайн Бойқаро, Мир Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Шайх Саъдий Шерозий каби шоирлар қўлёзмалари бир неча нусхаларда кўчирилди. Шунингдек, Низомий-Ганжавий «Ҳамса»си, Абдураҳмон Жомий «Ҳамса»си, «Юсуф ва Зулайҳо»си, Алишер Навоий «Ҳамса»си ва бошқа асарлари, Амир Ҳусрав Деҳлпвийнинг «Ҳамса»си, Шайх Саъдийнинг «Бўстон»и ва «Гулистон»и ва ҳоказо асарлар қўлёзмалари миниатюра расмлари билан тўлдирилди. Жанг ва ов манзараларини тасвирловчи бир қатор композициялар билан бир қаторда

маданият ва давлат арбобларининг портретлари ҳам яратилган.

- Манбаларда айтилишича, подшоҳ Исмоил Сафавий Камолиддин Бехзодни бошқа ўлжалар қатори Табризга олиб келган, махсус фармон билан ўз кутубхонасидаги китобат аҳли (котиб, хаттот, саҳхоф, наққош, музаҳҳиф, жадвалкаш, ҳалкор, заркўб, ложувардшўй, лаввоҳ ва бошқалар)га мутасадди этиб тайинлайди. «Ўз мулкимининг ярмисига алмашмайдиган энг севимли наққош, саройимдаги хазиналар орасидаги энг нодир ва ноёб гавҳарим», деб атаган ва юқори даражада қадрлаган.

- Мутахассисларнинг фикрича, мусаввир ижоди Шарқ санъатининг энг юқори чўққиси бўлиб, унинг бетакрор асарларидаги чизиқлар ўзининг нозиклиги, рангларнинг мутаносиблиги билан ҳануз тамошабинларга маънавий завқ бағишламоқда.

- Бехзод ижодида инсон ўз қадр-қимматига эга бўлади, асар композициясида инсон образига алоҳида ўрин берилади. Илгариги юзакиликдан табиийликка ўтилади, имо-ишоралар, ҳаракатлар турли-туман бўлади, бойийди, ифодалирок бўлди, янги-янги қаҳрамонлар вужудга келиб, уларнинг кайфияти манзара орқали ифодаланди. Қилқалам соҳиби асарларининг тарҳи мураккаб, эркин ҳаракатларга бой, жозибадор ранглар ўзаро уйғун.

- Мусаввир ижодининг таъсирини бутун Яқин Шарқ, Марказий Осиё миниатюра санъати мактабларида, Туркия, Озарбайжон, Ҳиндистон тасвирий санъатида яққол кўриш мумкин. Камолиддин Бехзод ижоддан тўхтамаган ҳолда жуда кўплаб шогирдлар тўплади, мактаб яратди. У ўз атрофига энг истеъдодли мусаввирлар, наққошлар, хаттотлар ва бошқа ҳунармандларни тўплади. Ҳамда уларга раҳнамолик қилиш билан бирга кунт билан ўзи севган санъатнинг сир-асрорларини ўргатди. Бехзод ва унинг наққошлик мактаби намоёндалари томонидан юксак

поғонага кўтарилган миниатюра санъатида табиат, ҳайвонот олами, айниқса, инсонлар ва улар ўртасидаги муносабатлар ўз аксини топган. Шунинг учун ҳам айнан миниатюра санъати бизга ўтмишдаги Ўрта ва Яқин Шарқ, жумладан, Марказий Осиё халқларининг турмуш шароитларини тушунишимизда яқиндан ёрдам беради. Шу билан бирга бу омилларнинг тарбиявий жиҳатлари ҳам мавжуд. Биринчидан, талаба-ёшлар Камолиддин Беҳзоднинг ижоди ва устозлик фаолияти мисолида ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган, анъана «Устоз-шогирд» анъанасини, Шарқ педагогикасига хос тамойилларни кўрадилар. Иккинчидан, рассом ижоди мисолида, айтиб ўтганимиздек, табиат ва ҳайвонот оламининг тасвири орқали бугунги куннинг энг долзарб муаммолари, чунончи, экологик муаммоларни кўрадилар, инсоний муносабатлардаги намунавий ҳолатлардан ўзларига хулоса чиқаришга ўрганиб борадилар.

- Талаба-ёшлар Беҳзод ва унинг шогирдлари томонидан яратилган миниатюралар тасвирлари орқали эса ўша давр воқеалари, уй-анжом буюмлари, меҳнат ва уруш қуроллари-ю, ов манзаралари билан танишадилар, тарих ҳақиқатларидан воқиф бўладилар.

- Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари бизга жуда кўп ноёб асарларни мерос қилиб қолдирганлар. Мусаввирлар деярли бир хил асарлар яратганлар. Асар мавзуси ҳам, рангларнинг танланиши ҳам бир-бирига яқин, ҳаттоки, қиёфалар ҳолатларида ҳам ўхшашлик мавжуд. Бу ноёб, бир-бирига ўхшаш асарларни санъатшунослар матн орасига ёзилган мусаввирларнинг исмларидан фарклаганлар. Беҳзод асарларини бошқа мусаввир-шогирдлари асарларидан ана шу йўл билан ажратилган. Шайх Саъдийнинг «Бўстон» асарининг Миср нусхасига ишланган миниатюралардаги: «Султон Ҳусайн саройида зиёфат», «Доро ва отбоқарлар», «Масжиддаги баҳс»,

«Олимлар суҳбати», «Зулайҳонинг Юсуфга илтижоси», асарлари Низомий «Хамса»сига ишланган «Лайли ва Мажнун қабилалари жанги», «Суворийлар жанги», «Баҳром Гўрнинг аждар билан олишуви» сингари кўплаб асарлар орасида Беҳзод имзоси қўйилган. Унинг асарлари жаҳон кутубхоналари, қўлёзма фондлари, музейлар ва шахсий мажмуаларда ҳам мавжуд. Жумладан, Лондондаги Британия музейида, Дублиндаги Честер Битти кутубхонасида, Нью-Йоркдаги Метрополитен музейида, Оксфорддаги Бодли кутубхонасида, Техрондаги Гулистон музейида, Туркиядаги Тўпқопи музейида, Санкт-Петербургда, Москвада, Эрондаги Ризо кутубхонаси қабиларда ноёб қўлёзмаларга ишланган Камолиддин Беҳзод ва шогирдлари яратган миниатюра асарлари сақланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Камолддин Беҳзод ижодида инсон ўз кадр- қимматига эга бўлади, илгариги юзакиликдан табиийликка ўтилади. Янги-янги қахрамонлар юзага келиб, уларнинг кайфияти манзара орқали ифода этилади. Камолиддин Беҳзод ижоддан тўхтамаган ҳолда жуда кўплаб шогирдлар тўплади, мактаб яратди. У ўз атрофига энг истеъдодли мусаввирлар, наққошлар, ҳаттотлар ва бошқа хунармандларни тўплади. Беҳзод томонидан юксак поғонага кўтарилган миниатюра санъатида табиат, ҳайвонот олами, инсонлар ва улар ўртасидаги муносабатлар ўз аксини топган. Шунинг учун ҳам айнан миниатюра санъати бизга ўтмишдаги Ўрта ва Яқин Шарқ, жумладан, Марказий Осиё халқларининг турмуш шароитларини тушунишимизда яқиндан ёрдам беради. Шу билан бирга бу омилларнинг тарбиявий жиҳатлари ҳам мавжуд. Биринчидан, талаба-ёшлар Камолиддин Беҳзоднинг ижоди ва устозлик фаолияти мисолида ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган анъана «Устоз-шогирд» анъанасини, Шарқ педагогикасига хос

тамойилларни курадилар. Иккинчидан, рассом ижоди мисолида, айтиб ўтганимиздек, табиат ва ҳайвонот оламининг тасвири орқали бугунги куннинг энг долзарб муаммолари, чунончи экологик муаммоларни кўрадилар, инсоний муносабатлардаги намунавий ҳолатлардан ўзларига хулоса чиқаришга ўрганиб борадилар.

1997 й. 23 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фармониغا биноан камолиддин беҳзод номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди; Миллий рассомлик ва дизайн институтига Беҳзод номи берилди.

1997й. 23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси- нинг қарорига биноан, Тошкент, Самарқанд шаҳарларида ва хорижий мамлакатларда ЮНЕСКО ҳомийлигида Беҳзод таваллудининг 545 й.лиги кенг нишонланди.

2000й. 23 ноябрда Тошкентда Темурийлар тарихи музейида Беҳзодга бағишлаб Буюк Британия, Туркия, Ҳиндистон, Озарбайжон, Тожикистон ва Ўзбекистон санъатшунос олимлари иштирокида халқаро илмий конференция ўтказилди. Юбилей муносабати билан Беҳзод ҳаёти ва ижодига бағишланган бир ҳанча тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 2 қисмли «Камолиддин Беҳзод» ҳужжатли фильми яратилди.

**ЖАМИЯТНИ АХБОРОТЛАШТИРИШНИНГ
БАЪЗИ БИР ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ**
*М.А. Азизова – ТАТУ Фалсафа кафедраси катта
ўқитувчиси*

*“Инсоният сўнги нуқтага қараб бормоқда
ва ўзининг баъзи
бир фаолияти билан
бу жараёни тезлатмоқда”.*

Н. Федоров

Инсоният цивилизацияси бугунги кунда жуда тараққий этиб бормоқда. Инсоният тафаккури тараққиёти инсон ҳаётига техникани олиб келди. Техника сўзи “техне” сўздан олинган бўлиб, “маҳорат билан, устакорона” деган маъноларни англатади. Дастлаб техника усталарнинг маҳорат билан яратган ускуналари бўлган бўлса, бугунги кунда оддий маиший турмушда учрайдиган техника кўринишларидан, мураккаб кўринишдаги ижтимоий ҳаётдаги машиналарни учратиш мумкин. Инсон уларсиз эндиликда ҳаётини тасаввур қила олмайди. Ҳозирда худди шундай техникалардан бири – бу компьютерлар. Ҳамма соҳада ҳозирда ахборот технологияларининг яъни компьютерларнинг ўрни муҳимдир.

Инсонлар дунёнинг турли жойларидан ахборотни компютер орқали олмоқдалар ва ўзаро маълумот алмашмоқдалар. Ахборот ҳақидаги фан бу – информатикадир. Информатикага чет эллик мутахассислар томонидан турлича таърифлар берилади.

Информатика – бу аниқ фундаментал фан номи бўлиб, ахборотни қайта ишлаш ва узатиш жараёнини урганади. (А.П.Ершов).

Информатика – бу техника ва машиналарни қўллаш ҳамда ахборотни узатиш ва сақлаш ҳақидаги фандир.

(М.Брой, Германия).

Умуман олганда информатика ўрта таълимда ҳам, олий таълимда ҳам йўналишидан қатъий назар ўқитилади. Чунки бу фан ахборотлаштиришни, ахборот технологияларининг моҳиятини ўргатади. Информатикани назарий, техник, ижтимоий ва биоинформатикага бўлиш мумкин.


Назарий информатикага дунёқараш нуқтаи назаридан қараш мумкин.

Техник информатика информатиканинг техник воситалари тузилишини ва услубий жиҳатларини, яъни ҳисоблаш техникаси, телекоммуникация воситаларини, оргтехникани ҳамда ёрдамчи ахборот технологияларини ўрганади.

Ижтимоий информатика жамиятга ахборот таъсирининг умумий қонуниятларини ҳамда ахборот ресурсларини ва жамиятнинг ахборот потенциалини, жамиятни ахборотлаштиришни ўрганади.

Биоинформатика тирик организмлар ва ўсимликлардаги ахборот жараёнларининг кириб келишининг асосий жиҳатлари ва умумий қонуниятларини ўрганади.

Информатиканинг структураси (тузилиши)



Мана шу келтирилган тузилиш ахборот ва ахборотлаштиришнинг ўзаро муносабатини ифодалайди.

Ахборотлаштириш – бу глобал ижтимоий техноген жараён бўлиб, барча инсоният фаолияти соҳаларида

ахборот технологияларини кенг қўлланилишидир. Бундан мақсад одамлар ҳаётини ва меҳнат сифатини яхшилаш ҳамда барча жамият аъзоларини ахборот билан таъминлашдир.

Ахборотлаштириш қийин ва узоқ жараёни ифода этадики, бу инсоният тақдири тараққиётида ҳал қилувчи вазифани ўтайди. Шунинг учун ҳам ахборотлаштиришни фалсафий таҳлил қилиш, ахборотлаштиришни мақсад ва вазифаларини, ҳамда инсоният учун, жамият ва атроф олам учун келтирадиган натижаларини муҳим илмий муаммо сифатида ахборотлаштириш жараёнида ўз вақтида ҳал этиш керакдир.

Инсон ўзи табиатнинг ажралмас бўлаги экан, ахборотлаштиришнинг фалсафий жиҳатларини асосан 3 та муаммога ажратиб ўрганилади:

- ахборотлаштириш ва атроф олам;
- ахборотлаштириш ва жамият;
- ахборотлаштириш ва инсон.

Биринчи навбатда бу муаммолар ичида ахборотлаштиришнинг атроф муҳитга таъсирини кўриб чиқиш муҳимдир.

Ҳозирги глобал экологик муаммо дастлаб инсоннинг табиат устидан ҳукмронлик фаолияти натижасида ва биосфера қилишдан келиб чиқади. Бундай фаолият асосида цивилизациянинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тузилмаси ташкил этадики, унинг тўғридан – тўғри асорати сифатида аҳоли сонининг ортиб бориши ва технологияларнинг мукамаллашуви намоён бўлади.

Инсониятнинг бундай фаолиятини бундан 150 йил аввал Ж.Б.Ломарк шундай баҳолаган: “Шуни таъкидлаш мумкинки, инсон хатти – ҳаракати ўз наслини тугатишга, ер шарини яшаш учун яроқсиз ҳолга келтиришга қаратилган”.

Бу ҳақида рус файласуфи Н.Федоров шундай ёзади:

“Демак, олам сўнги нуқтага қараб бормоқда, ҳатто инсон ўз фаолияти билан бу жараёни тезлатмоқда, чунки цивилизация қайта тикловчи эмас, балки эксплуатацияловчи бўлганлиги учун ҳам сўнги нуқтага боришни тезлатишдан бошқа натижани бермайди”.

Н.Н.Моисеев ўзининг “Инсон ва ноосфера” номли асаридида шундай фикрни билдиради: “Бизнинг умумжаҳон жамиятимиз бўлиниб кетиш арафасида. Бугунги кунда бизнинг олдимизда турган кўпгина йўллардан балки биринигина танлаб олишимиз керак бўлади! Тараққиёт жараёнини, унинг қонуниятларини янгича тушунишсиз, янгича англашсиз буни амалга ошириб бўлмайди, ҳеч қандай технология ва бошқача табиатни қўриқловчи технология ҳам ўзининг ҳаётий зарурати билан ҳам ўз-ўзидан Инсон ва Табиат ўзаро муносабатларида қутқарув муаммоларини ҳал қилиш имкониятига эга эмас”.

А.Урсул ўзининг “Ноосферага йўл. Инсоният мустаҳкам тараққиёти ва яшаб қолиш концепцияси” номли китобида инсоният цивилизацияси тараққиётини шундай баҳолайди: “Замонавий цивилизация ўзининг табиий тараққиёти имкониятларини ишлатиб бўлади. Агарда яна шундай тараққиёт 10-15 йил давом этса, нафақат инсониятнинг балки бутун сайёрадаги ҳаётнинг инқирози каби таҳдид келиб чиқади. Бу шундай хулосани келтириб чиқарадики, инсоният яшаб қолиши ва биосферани сақлаб қолиши нафақат табиатдан фойдаланиш йўлларини янгилашни, балки барча инсоният фаолиятларини экологик муаммоларини янгилашга қаратилади”.

Юқоридаги фикрлар шундан далолат берадики, цивилизация тарихини таҳлил қилиш шундай таҳлилни берадики, инсоният ўз тараққиётида шундай чегарага етиб келадики, бунда нафақат инсоният тараққиёти балки унинг яшаб қолиши ҳам муаммо бўлиб қолади.

Бу муаммолар шуниси билан мураккаблашиб

бормокдаки, инсон фаолияти табиатга кўрсатаётган зарарли ҳолатларини тўхтатиш ёки ўрнини қоплаш имкониятига эга бўлмаяпти ва инсон ҳам ақл-заковати билан бундай фаолиятларнинг оқибатларини яхши англаб етмаяпти ва олдини олишга ҳам ҳаракат қилмаяпти.

Цивилизация инқирози – бу инқироз инсон интеллекти томонидан келиб чиқиб, у томонидан мавжуд глобал муаммоларни самарали ҳал қилишни топишдан иборатдир.

Ахборотлашув инсонни ер юзида яшаб қолиш муаммосини ҳал қилишнинг йўлларида биридир. Мана шу йўл билан бу муаммони ҳал қилиш усулларини топишга, ҳамда умуман тўхтатиш йўллари бўлмаганда, жуда бўлмаганда уларни олдини олиш чораларини топишга ҳаракат қилинади.

Ахборотлашувнинг ижтимоий жиҳатлари ўзида жамиятнинг бир формадан иккинчи формага ўтишини ифодалайди. Шунга кўра ахборотлаш турининг фалсафий жиҳатларида иккинчи муаммо бу “ахборотлаштириш ва жамият” ҳисобланади ва бу муаммода жамиятни индустриал жамиятдан ахборотлаштирилган жамиятга ҳамда ахборотлаштирилган цивилизацияга ўтказилади.

Бундай ахборотлаштирилган жамият қандай бўлиши ҳали жуда аниқ бўлмасда, олимлар унинг қуйидаги кўринишларини кўрсатиб ўтдилар:

- “информацион портлаш” ва “информацион танқислик” тушунчаларининг узаро мос келиши ҳозирда мавжуд ахборот инқирозини енгиб ўтишга олиб келиши;

- ишлаб чиқаришни “юқори” илмга асосланган ҳолда янги ахборот технологиялари ташкил этувчи технологияларга ўтказиш;

- ахборотни нуфузли воситага айлантиришга, ҳамда ахборот фаолиятини инсоният фаолиятлари орасида юқори поғанага кўтариш.

Ахборот технологиялари бугунги кунда жамиятда асосий ўринни тутмоқда. Чунки инсон ахборот асрида яшамоқда. Ҳозирда ҳеч бир соҳа ахборот технологияларисиз фаолият юритмайди. Интернет ҳам кенг инсонлар ҳаётига кириб бормоқда. Лекин ёшларга интернетдан фойдаланиш маданиятини ўргатиш керак. Чунки интернетда маълумотлар кўп, улардан керагини, фойдалигини олиш керак бўлади.

Ахборотлаштиришнинг фалсафий жиҳатларида учинчи муаммо бу “ахборотлаштириш ва инсон” ҳисобланади. Бунда ахборотнинг инсон миясига таъсири, ҳамда ахборот технологияларнинг инсон саломатлиги учун зарарли томонларига эътибор қаратиш керак бўлади. Албатта инсоният тараққиётида, онгнинг ривожланишида ахборот технологиялари муҳим ўрин тутди. Жамиятни ахборотлаштиришда ҳар томонлама инсонлар учун қулай бўлишини, саломатлиги учун зарарли бўлган жиҳатларни олдини олиш имкониятларини қўллаш керак.

ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ МИЛЛИЙ РУҲИЯТГА ТАЪСИРИ

*Р.Н. Абдулазизова – ТАТУ “Касбий педагогика”
кафедраси катта ўқитувчиси*

Инсон шахси кўплаб омилларнинг мураккаб ҳаракати ва ўзаро биргаликдаги ҳаракатининг натижаси ҳисобланади. Бу омилларнинг бир хили кишилар иродаси ва онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда таъсир қилади. Бунга кишининг биологик табиати, ижтимоий меҳнатнинг айна пайтдаги даражаси, ишлаб чиқариш қуроллари ва ижтимоий муносабатлар ана шулар жумласига киради.

Инсон шахсини шакллантиришда иштирок этадиган бошқа бир хил омиллар кўпроқ еки озроқ даражада одамлар иродаси ва онгига боғлиқ бўлади. Бу

ғоянинг, партия ва давлатнинг жамоатчилик муассасаларининг фаолиятидир.

Учинчи бир гуруҳга мансуб омиллар шахснинг йўналтирилган ҳолдаги шаклланиши бўлиб, бунда тарбия назарда тутилади. Тарбиянинг ўзига хослиги шунда, у бошқариладиган ва мақсадга қаратилган жараёндир. Тарбия кишини шакллантириш билан шуғулланади. Аммо, тарбия инсон шахси камолатининг иродаси ва онгига умуман боғлиқ бўлмаган кўпгина омиллар таъсирини йўқота олмайди. Бу ҳолда шундай савол туғилади: тарбиячи шахсни шакллантиришнинг кўпинча унга боғлиқ бўлмаган тарзда юз берадиган жараенига таъсир қила оладими?

Бунинг учун тарбиячи кишини шакллантириш омилларига таъсир ўтказа олиши, бу омилларнинг ҳаракат қонунларини эгаллаши ва шу тариқа уларнинг таъсирини исталган йўналишига бура билиши мумкин бўлиши лозим.

Кўпгина назариётчилар инсонни шакллантириш қонунларининг таъсирини, ижтимоий муҳитининг таъсирини йўққа чиқара оладиган воситаларни узок вақт мобайнида ва астойдил изладилар, лекин топиша олмади ва топиша олмас ҳам.

Жамият технологик жиҳатдан қанчалик тараққий этмасин, ҳар бир тарихий давр инсон маънавий-маърифий камолати, ёшлар тарбияси борасида янги-янги, мураккаб масалаларни кундаланг қўяверади.

Ҳозирги вақтда глобаллашув жараёнининг ёшлар руҳиятига таъсири қандай? Глобаллашув жараёни ҳақида суз юритилганда, кўпинча турли мамлакатларнинг иқтисодий, илмий-техникавий, сиёсий интеграциялашувига бу жараённинг ижобий ва салбий жиҳатларига эътибор қаратилади. Лекин нима сабабдандир унинг маданий-маънавий соҳа ривожига таъсири, миллий урф-одат ва анъаналарнинг, хусусан оилавий

кадриятларнинг ўзаро муносабатларига таъсирига эътибор қаратилмайди. Айрим тараккий этган давлатлар барча воситалар орқали, хусусан, оммавий ахборот воситалари, интернет, кинофильм ҳамда видеофильмлар орқали ўз турмуш тарзи, дунёқараши ва кадриятларини тарғиб этишга интилаётгани, бу ҳол бошқа халқларнинг миллий урф-одат ва анъаналарига путур етказётганлигининг гувоҳи бўласиз. Шарқона ахлоқ-одобга зид фильмлар, маданий ҳаётдаги айрим ҳолатлар, кинофильмлар ва театрларимизда қўйилаётган кино ва спектаклларнинг ғоявий-тарбиявий савиясининг талаб даражасида эмаслиги, миллий эстрадамизда ғарбона андозаларда тақлиднинг кучайиб бораётгани, баъзи газеталарда олди қочди мақолаларнинг нашр этилиши ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этади деб бўлмайди. Ёшлар билан мулоқат жараёнида қандай бадий асрларни ўқигансиз? Классик асарлардаги бош қаҳрамонларнинг психологик ҳолатларидан мисоллар келтиринг? - деб сўралганда, айрим ёшларнинг бадий китобларни ўқимаслигининг гувоҳи бўласан, баъзан ўзлари ҳам буни тан оладилар.

Хўш, ёшларимиз онгида ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр – муҳаббат, меҳнатсаварлик, билимга, ота-оналарига, устузларига, урф-одатларимизга алоҳида ҳурмат-эҳтиром каби фазилатларни тарбиялаш учун нималар қилиш керак?

Аввало, таълим тарбия тизимида ўқитишнинг янги, изчил ва самарали услублари жорий этилиши даркор. Бунинг учун юксак малакали, касбини жони дили билан севган фидоий муаллимларни тайёрламасдан, кўзлаган мақсадларга эришиш қийин. Касбий таълим йўналишида таҳсил олаётган талабаларимизда педагогик маҳоратни шакиллантириш, бу йўналишда тасодифий ўқиётган талабалар билан реориентация ишларини олиб борилиши муҳум ахамиятга эгадир.

Ёшлар таълим тарбияси борасида факат ўқув юртигина эмас ота – она, маҳалла, ва кенг жамоатчилик масулияти ҳам оширилиши шарт. Ота-она биринчи ҳаёт муаллими ҳисобланади, улар ўз фарзандларига ахлоқий камол топишнинг ҳаётдаги ўрни ва фойдасини тушунтиришлари айниқса муҳимдир.

Биз ахборат глобаллашуви асрида, мафкуравий тўқнашувлар кучайган даврда яшаётган эканмиз, аввало, ёшлар онгида мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслигимиз, уларда ташқи ғоявий таъсир ва хуружлардан ҳимоя қиладиган мустаҳкам иммунитетни шакиллантиришимиз даркор. Бунинг учун эса ёшларимизни эркин ва мустақил фикр юритишга ўргатишимиз, иймон – этиқодли, ақл – заковатли, иродаси мустаҳкам қилиб тарбиялашимиз, ўзининг миллий кадриятларини ва манавий меросини онги ва руҳига жо этмоғимиз, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилишга ҳам ўргатишимиз даркор.

КОНЦЕПЦИЯ ОБРАЗОВАНИЯ ДЛЯ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ И ВОПРОСЫ ИНТЕГРАЦИИ ЕЕ ПРИНЦИПОВ В СИСТЕМУ ОБУЧЕНИЯ НА ВСЕХ УРОВНЯХ

З.С.Касимова – ТУИТ, ассистент кафедры “Философии”

Система образования в современном мире переживает время перемен. Концепция устойчивого развития, идея которого была принята большинством стран мира после конференции в Рио-де-Жанейро в 1992 г., внесла существенные коррективы в понимание целей образования. Саммит тысячелетия ООН (Нью-Йорк, США, 2000 г.), Всемирная конференция «Образование для всех» (Йемен, Таиланд, 1990 г.), Всемирный Саммит по устойчивому развитию (Йоханнесбург, Южная Африка,

2002 г.), Саммит G8 (Санкт-Петербург, Россия, 2006 г.) и другие форумы также способствовали переоценке принципов и задач образования на национальном и глобальном уровнях.

Всемирном саммите по устойчивому развитию в г. Йоханнесбурге в 2002 г. особо была подчеркнута роль экологического образования и образования для устойчивого развития в решении проблем окружающей среды. Было рекомендовано объявить Десятилетие просвещения в интересах устойчивого развития с 2005 г. и в соответствии с этим решением Всемирного саммита в период с 2005 по 2014 гг. мировое сообщество проводит Декаду ООН по образованию в целях устойчивого развития. В рамках Декады Европейская экономическая комиссия ООН приняла на Встрече Высокого уровня с участием стран Центральной Азии в г. Вильнюсе в 2005 г. Стратегию по образованию для устойчивого развития, разработанную совместно с ЮНЕСКО¹³.

В настоящее время вопросы развития образования и просвещения в целях достижения устойчивого развития обсуждаются во всем мире на уровне глав государств и правительств, в рамках различных международных и межправительственных организаций и рабочих групп, неправительственных организаций, ассоциаций работников просвещения и других объединений. Политики и практики, государственные органы и общественные организации выделяют ряд основополагающих принципов образования для устойчивого развития. Наиболее значимыми среди них представляются следующие:

- единство общего, профессионального, экологического, экономического и социального образования;

¹³ Центральная Азия: на пути от экологического образования к образованию для устойчивого развития. Материалы 5-ой юбилейной Центральноазиатской конференции по образованию для устойчивого развития. Бишкек, 2006, с.

- преемственность программ разных уровней;
- адаптивность;
- учет местных особенностей;
- разнообразие форм и методов;
- связь с практической деятельностью.¹⁴

В различных странах и регионах планеты внедряются учебные курсы, готовятся концепции и доклады, разрабатываются международные и межгосударственные региональные соглашения в этой области. Совершенствование системы образования и разработка программ обучения по принципам образования для устойчивого развития имеет целью углубление понимания того, как осуществлять и поощрять устойчивое развитие на практике. Это должно включать инициативы в таких областях, как образование, наука и просвещение, а также укрепление партнерства с заинтересованными кругами в государственном, общественном секторах и бизнесе, направленного на разработку учебных программ в соответствии с целями образования для устойчивого развития. Образование в целях устойчивого развития должно поощрять формирование у людей чувства личной и коллективной ответственности и тем самым изменения в поведении, если они необходимы.¹⁵

Идея образования для устойчивого развития созвучна менталитету народов нашего региона, приверженных ценностям солидарности, равенства и взаимоуважения между людьми и поколениями. Для такого региона характерно стремление к устойчивому развитию, включая обеспечение экономической жизнеспособности,

¹⁴ Образование в интересах устойчивого развития в международных документах и соглашениях. Москва, 2005, с. 5

¹⁵ (См. документ ECE/AC.22/2001/2. Доклад регионального совещания министров ЕЭК ООН по Всемирной встрече на высшем уровне по устойчивому развитию).

справедливости, социальной сплоченности, охраны окружающей среды и устойчивого управления природными ресурсами, с тем чтобы удовлетворять потребности нынешнего поколения, не нанося при этом ущерб возможностям будущих поколений удовлетворять свои потребности.

Образование, помимо того, что оно является одним из прав человека¹⁶, выступает и одной из предпосылок для достижения устойчивого развития и важнейшим инструментом эффективного управления, обоснованного принятия решений и развития демократии. Таким образом, образование в интересах устойчивого развития может содействовать воплощению принципов устойчивого развития в жизнь. Образование в интересах устойчивого развития развивает и укрепляет потенциал отдельных лиц, групп, сообществ, организаций и стран. Оно может способствовать изменению взглядов людей, давая им возможность делать наш мир более безопасным, более здоровым и более процветающим, тем самым, повышая качество жизни. Образование в интересах устойчивого развития может обеспечить критическое мышление и способствовать повышению информированности, а также расширению возможностей, что позволит разрабатывать новые подходы к образованию и развивать новые методы и средства их осуществления.

Устойчивое развитие представляется как улучшение качества жизни людей, согласованное с состоянием природы и ее законами. Отсюда - цель образования для устойчивого развития: создание образовательной среды, которая поможет обучающимся принять такие ценности, развить знания и умения, которые позволят им в дальнейшем выбирать решения локального и глобального

¹⁶ (См. также «Положение по Образованию для Устойчивого Развития», Пятая Министерская Конференция «Окружающая среда для Европы», Киев, 2003.)

характера для улучшения качества жизни без угрозы для будущего планеты. Для реализации этой цели необходимо решить следующие задачи:

- Разработка и реализации программ и методических материалов, направленных на формирование понимания целей устойчивого развития и как у отдельной личности, так и у общества в целом;
- Разработка и реализация новых технологий и форм работы в преподавании различных учебных дисциплин, нацеленных на повышение уровня знаний и представлений об устойчивом развитии;
- Развитие аналитического, творческого, критического мышления у обучающихся, умения принимать решение, делать выбор и нести за него ответственность;
- Выработка навыков сотрудничества в решении разнообразных проблем;
- Выработка активной жизненной позиции по отношению к происходящим в обществе культурным, экономическим, политическим и экологическим вопросам;
- Воспитание толерантности, уважительного отношения к разнообразию в природе и обществе;
- Развитие внеаудиторных форм работы с обучающимися.

Задача образования в целом – подготовить человека к жизни. Задача образования для устойчивого развития – подготовить человека к тому, чтобы он смог впоследствии внести свой вклад в построение устойчивого общества. Образование для устойчивого развития должно показать детям примеры решений, которые помогут снизить нагрузку человечества на биосферу до безопасного для будущего уровня, т.е. может постепенно перестроить экономику и жизнь общества.

Содержание образования для устойчивого развития включает в себя экономический, экологический, социальный, культурологический и другие аспекты взаимодействия человека с окружающей средой, при этом наибольшее значение имеет содержание, интегрирующее наибольшее число аспектов.

Образование для устойчивого развития связано с рассмотрением таких вопросов, как:

- взаимосвязи в обществе, экономике, природе;
- гражданская позиция, права и ответственность человека;
- потребности и права сегодняшнего и будущих поколений;
- культурное, социальное и биологическое разнообразие;
- качество жизни, равноправие и социальная справедливость;
- «устойчивые» изменения – развитие в рамках способности экосистем к самовосстановлению;
- позитивное видение будущего, как прогнозируемого, так и непредсказуемого.

Устойчивое развитие представляет собой некий образ, а не готовый рецепт. Для формирования этого образа у обучающихся понадобятся не только знания из различных областей науки, но и ряд важных умений и личностных качеств.

В отчете Делора сформулированы четыре принципа достижения устойчивого развития, связанных с четырьмя основами образования:

- учиться знать
- учиться жить вместе
- учиться делать
- учиться жить

Образование для устойчивого развития представляет

собой процесс обучения тому, как принимать решения, нужные для обеспечения долгосрочного будущего экономики, экологии и равенства всех обществ. Одной из ключевых тем образования для устойчивого развития является тема защиты окружающей среды. Наше благосостояние зависит от способов использования природных ресурсов, которые являются основой для устойчивого развития. Знание о состоянии окружающей среды и путях решения экологических проблем есть экологическая грамотность. Она предполагает понимание целей и задач устойчивого развития, экологические знания способствуют определению причин возникновения угрозы устойчивому развитию и нахождению путей их устранения.

Образование для устойчивого развития – это динамичное и масштабное мероприятие, позволяющее каждому человеку извлечь полезное в сфере образования, узнать жизнь, поведение, ценности, необходимые для создания устойчивого будущего. Формальная образовательная система не устанавливает каких-либо ограничений в обучении. Образование для устойчивого развития доступно для всех, рассчитано на все периоды жизни и все возможные контексты обучения. В силу своей масштабности Образование для устойчивого развития руководствуется принципом партнерского подхода с привлечением многочисленных секторов и заинтересованных сторон, в т.ч. СМИ, частного сектора, использует все формы и методы подготовки для обеспечения широкого понимания устойчивого развития.

Для реализации целей образования для устойчивого развития определены следующие перспективы:

- социально-культурные: права человека, мир и безопасность человека, равенство полов,

многогранность культуры и понимание других культур, здоровье и др.;

- экологические: природные ресурсы, изменение климата, преобразование на селе, устойчивая урбанизация, предотвращения стихийных бедствий и снижение их последствий;
- экономические: сокращение бедности, корпоративная ответственность, отчетность и рыночная экономика.
- укрепление контактов, обмен и взаимодействие заинтересованных в образования для устойчивого развития лиц и организаций;
- повышение качества преподавания и обучения в сфере образования в целях устойчивого развития;
- помощь странам в деле прогресса и достижения Целей развития тысячелетия на основе образования для устойчивого развития;
- предоставление странам новых возможностей для интеграции принципов образования для устойчивого развития в реформы в сфере образования.

Вовлечение молодежи в образование для устойчивого развития особенно важно, т.к. она является самой динамичной силой в происходящих переменах сегодня и построении будущего общества. Учитывая это, молодых людей необходимо вовлекать в планирование, решение политических вопросов и принятие решение по образованию для устойчивого развития. Задачи всех проводимых мероприятий – усиливать партнерство с молодежью для реализации целей образования для устойчивого развития. Для внедрения системы образования для устойчивого развития очень ценными являются государственные программы для молодежи. В свою очередь, реализация молодежных программ требует разработки четкой стратегии и институциональной поддержки. Вузы могут сыграть большую роль в

предоставлении возможностей для вовлечения молодежи в образование для устойчивого развития. Этому может способствовать и разработка программы по вовлечению СМИ в освещение вопросов подготовки молодых людей по вопросам устойчивого развития.

Образование для устойчивого развития нельзя рассматривать в качестве «еще одного предмета», дополнительно включаемого и без того насыщенный учебный план. Это должен быть целостный или «учебный подход» по выполнению задач образования. Политики играют решающую роль в продвижении реформы образовательной системы и поддержке данного подхода. В данном вопросе необходимо учитывать вопросы финансирования мероприятий по внедрению образования для устойчивого развития. Необходимо разрабатывать концептуальные рамки интеграции задач образования для устойчивого развития в учебные программы на всех уровнях обучения: дошкольного, начального, среднего, высшего и послевузовского. Это требует применения системного подхода к вопросу о включении принципов образования для устойчивого развития в учебные планы не только на всех уровнях обучения, но и для разных направлений образования и специальностей. Не являются исключением и учебные планы по специальностям, в соответствии с которыми ведется подготовка бакалавров и магистров в нашем университете.

ГЛОБАЛ-ЛОКАЛ ТИНЧЛИК МАДАНИЯТИ САРИ

*Э.Г. Каримова – ТАТУ, с.ф.н., доцент, фалсафа
кафедраси мудири*

*Т.З. Давронов – ТАТУ махсус факультет 4-курс
курсанти*

ЮНЕСКО туфайли сўнгги йилларда «тинчлик маданияти» атамаси тобора оммавийлашиб бормокда, бироқ унинг у ёки бу даражадаги аниқ шарҳи ҳамон ишлаб чиқилмаган. Бу атама мазмунига турлича шарҳлар берилдики, биз куйида уларнинг айримларига тўхтаб ўтамиз. «Тинчлик маданияти» барча мамлакатлар учун бир хилда қўлланилган концепция бўлиши керакми ёки алоҳида олинган халққа хос концепция бўлиши керакми? Ёки бу атаманинг мазмунини «тинчлик маданиятлари» деб олиб, кўпроқ плюралистик йўналишда талқин қилиш тўғрироқ бўладими? Зеро, сўнгги фикр ЮНЕСКОнинг «тинчлик маданияти» атамасига берган таърифининг куйидаги қисмини акс эттиради, яъни «тинчлик маданияти» импорт қилиниши ёки четдан олиб келиниши мумкин эмас, у ҳар бир халқ маданиятининг ичида ривожланиши лозим.

«Тинчлик маданияти» атамасининг қайси талқини қўлланилмасин, маданият локал ёки микро-даража, глобал ёки макро-даражага (масалан, Шарқ ва Ғарб) эга эканини ҳисобга олиш муҳимдир. «Тинчлик маданияти» концепциясига киритилиши лозим бўлган кўплаб маданий анъаналар мавжуддир. Шунингдек маданият ичидаги ва маданиятлар ўртасидаги тинчлик масаласини ҳам фарқлаб олиш лозим. Системали ёндошув позициясидан келиб чиқадиган бўлсак, «тинчлик маданияти»га берилган турли таърифлар система ичида ҳам, системалар ўртасида ҳам бирдек қўлланиши, локал қисмларга ҳам, глобал

бутунликка ҳам тегишли бўлиши керак.

«Тинчлик маданият(лар)и» атамасининг мазмунини аниқлаш муаммоси унинг таркибий қисмлари бўлган «маданият» ва «тинчлик» элементларига бериладиган турли изоҳлар туфайли қийинлашади.

«Тинчлик» атамаси ҳам, «маданият» атамаси каби, кўплаб таърифларга эга. Бу ўринда тинчлик тушунчасининг уни тадқиқ этишнинг фарб анъаналари доирасида асосан сўнгги 50 йил (II жаҳон урушидан сўнг) давомида тарихан шаклланган олтита категориясини кўриб чиқамиз. Бу олтита категория Фарб тадқиқотларида ушбу муаммо эволюциясини акс эттиради.

Бу тушунчанинг эволюция босқичлари қуйидагича:

А.Тинчлик - бу урушнинг йўқлиги. Аввалдан шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бу ерда тинчликка берилган олтита таърифнинг ҳаммасида урушнинг йўқлиги тинчликнинг гарови экани кўзда тутилади. Бу ўринда эса тинчлик - урушнинг йўқлиги таърифи давлатлараро ва давлатлар ичидаги зўравонлик ишлатилган тўқнашувлар - уруш ва граждон урушига тегишлидир. Тинчликнинг бу талқини оммавий фикр ва сиёсатчилар орасида ҳозирга қадар жуда кенг тарқалган. Айрим ўринларда бунга эътироз билдириш, бахс олиб бориш мумкин, бироқ, айтиш керакки, қон тўкиладиган тўқнашув давом этаётган пайтда бу қонуний мақсад бўлиб қолади.

Б.Тинчлик халқаро системада қучлар мутаносиблиги (баланси) дир. Квинси Райт «тинчлик урушнинг йўқлиги» ғоясини «тинчлик динамик баланс сифатида» талқинига модификация қилди. Бу ўринда динамик баланс сиёсий, социал, маданий ва технологик омилларни ўз ичига олади. Уруш эса мана шу баланс бузилганининг оқибатидир. Унинг модели бўйича, бирон-бир омилнинг жиддий ўзгариши, баланс сақланиб қолиши

учун, бошқа омилларнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Масалан, «атом бомбанинг отаси» Роберт Оппенгеймер янги глобал ҳарбий технология устидан назорат ўрнатилишига эришиш учун глобал сиёсий институтлар (БМТ) яратилиши лозим, бунинг учун эса атом бомбани ишлаб чиқиш давом эттирилиши керак деб ҳисоблаганда, Райт нуктаи назаридан келиб чиққан эди.

В. Тинчлик негатив тинчлик (урушнинг йўқлиги) сифатида ҳамда позитив тинчлик (структуравий зўравонликнинг йўқлиги). Райт назариясини тараққий эттирган Галтунг биринчи бор Райт томонидан 28 йил аввал киритилган «негатив тинчлик» ва «позитив тинчлик» категорияларидан фойдаланди. Галтунг ўз позициясини ёқлар экан, «структуравий зўравонлик» нинг йўқлиги сифатидаги позитив тинчлик концепциясига четлаб ўтиш мумкин бўлган ўлимлар миқдори сифатида ёндошиб таъриф беради. Бошқача қилиб айтганда, агар одамлар, уларни тўйдириш имконияти бўла туриб, очликдан ўлар экан, ёки керакли дори-дармонлар бўла туриб, касалликлардан ҳалок бўлар экан, бу ўринда биз структуравий зўравонликнинг мавжудлиги ҳақида гап юритишимиз мумкин, зеро альтернатив структуралар назарий жиҳатдан бу ўлимларнинг олдини олиши мумкин. Шундай қилиб, бу талқиндаги тинчлик позитив тинчликни ҳам, негатив тинчликни ҳам ўз ичига олади. Галтунг модели трансмиллий корпорациялар (ТМК) таъсири остида бўлган глобал иқтисодийнинг глобал даражадаги таҳлилини ҳам ўз ичига олади

Г. Феминистик тинчлик: макро ва микротинчлик даражалари. 1970-1980-йиллар давомида феминистик йўналиш доирасида тинчликнинг тўртинчи концепцияси ишлаб чиқилган эди. У негатив ва позитив тинчлик тушунчаларини кенгайтириб, уни алоҳида шахсга татбиқ қилди. Тинчликка берилган янги таъриф нафақат ташкил

этилган макродаражадаги зўравонлик (масалан, уруш)нинг инкор этилишини, балки микродаражадаги ташкил этилмаган зўравонликнинг (масалан, уруш пайтидаги таҳқирлашлар ёки оиладаги зўравонликнинг) ҳам инкор этилишини кўзда тутар эди. Шундай қилиб, феминистик тинчлик модели кенг маънода кишилар устидан зўравонликнинг ҳар қандай кўринишлари ва турларини ўз ичига олиб, уларнинг барчасини ҳисобга олиш сайёрамизда тинчлик қарор топишининг гарови эканини исботлар эди.

Д.Бир бутун Гайя тинчлиги: атрофдаги дунё билан тинчлик. 1990-йилларда бир бутун тинчликнинг иккита назарияси шаклланди. Бу ерда ҳам, феминистик тинчлик моделида бўлганидек, кишилар ўртасидаги тинчлик барча даражаларда (алоҳида шахсдан бошлаб, то глобал даражагача) олиб қаралади. Гайя тинчлиги назариясида кишиларнинг биосистемаларга муносабатига катта аҳамият берилади (атроф муҳитга муносабат даражасидаги таҳлил). Атроф муҳит билан тинч-тотувлик ушбу тинчлик назариясининг марказий бандларидан биридир. Бу назарияга кўра, инсон Ерда кун кўрадиган кўплаб тирик мавжудотларнинг биридир, сайёранинг тақдири эса энг муҳим мақсаддир. Бир бутун тинчлик назариясининг бу кўриниши маънавий меъёрга эга эмас, бу ўринда тинчлик кишилар ва атроф муҳит устидан барча турдаги жисмоний зўравонликлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Е.Бир бутун ички ва ташқи тинчлик. Тинчлик назариясининг олтинчисида тинчликнинг ички, изотерик (маънавий) жиҳатларига алоҳида эътибор берилади. Маънавиятга асосланган бу тинчлик назарияси барча диққат-эътиборни ички тинчликка йўналтиради ҳамда ташқи тинчликнинг индивидуал даражадан бошлаб, то атроф муҳит даражасигача бўлган барча жиҳатлари

(аспектлари) ички тинчликка асосланган бўлмоғи лозим, деб ҳисоблайди. Бу ерда Гайя назариясидаги кишиларнинг бир-бирлари билан ва атроф муҳит билан муносабатларига яна маънавий меъёр қўшилади. Тинчлик тадқиқотчилари бу меъёрни маданий муҳит билан боғлиқ ҳолда турлича белгилайдилар. Тинчлик тадқиқидаги бу янги парадигма жаҳоннинг маънавий ва диний анъаналари билан ҳамоҳангдир.

Е.Тинчлик маданияти бир бутун ички ва ташқи тинчлик учун. Ғарбда бу борада олиб борилган тадқиқотларда бу дунёвий тинчлик парадигмасидан маънавий тинчлик парадигмасига ўтишни билдиради. Ички (маънавий) тинчлик ва ташқи (моддий) тинчлик ўзаро боғлиқ ва ўзаро бир-бирига тобеъдирлар. Айнан жаҳон динлари ва маънавий анъаналарнинг ҳиссалари тинчликни бир бутунликда англаб етишга ёрдам берса, ажаб эмас.

Тинчлик маданиятлари назариялари бўйича хулосалар. Юқорида тинчлик маданияти концепциясининг турли талқинлари келтирилди. Бунда ушбу муаммо доирасида давлатлар ўртасидаги урушни имконсиз қилиб қўядиган маданий шароитларнинг яратилишини кўзда тутган тор ёндошувдан бошлаб, то ҳар бир давлат маданиятини бир бутун ички-ташқи тинчликка эришиш имкониятини яратадиган қилиб ўзгартирилишини талаб қилувчи кенг қарашгача кўриб чиқилди. Агар мана шу структурани қўллайдиган бўлсак, глобал тинчлик маданиятларини яратиш учун камида учта стратегия мавжуд бўлади.

Биринчи стратегия глобал тинчлик маданиятларини яратишда халқаро тизимнинг муҳимлигини кўзда тутди. Иккинчи стратегия шуни таъкидлайдики, биз ўзимизнинг маҳаллий маданиятимизни тинчлик маданиятига айлантиришимиз учун ўзимизнинг маданий

ҳамжамиятларимизда иш олиб боришимиз ҳамда шу йўл билан глобал тинчлик маданиятини шакллантиришимиз лозим. Учинчи стратегия глобал ва маҳаллий ташаббусларни қамраб олади ҳамда тинчлик учун керакли маданий шароитларни яратиш мақсадида халқаро, миллий ва маҳаллий ташкилотлар ва гуруҳлар билан иш олиб боради. Глобал даражада тинчлик авваламбор кенг миқёсдаги жисмоний ва структуравий зўравонликни бартараф этишга қаратилганини айтиш лозим.

Гарчи урушнинг йўқлиги тинчликка берилган барча таърифлар учун зарурий шарт бўлиб қолса-да, унинг ўзи кўпчилик таърифлар учун етарли эмас. Шунинг билан бирга «тинчлик - урушнинг йўқлиги» деган таърифнинг фақат давлат даражасидаги таҳлиliga кўп даражали таҳлил кўшилдики, у алоҳида шахсдан то атроф муҳитгача бўлган даражаларни ўз ичига олди. Бунинг натижаси ўларок, кўп омилли ва кўп даражали тинчлик концепциялари «урушнинг йўқлиги» назариясидан анча мураккаброкдир.

Бу ерда келтирилган назарияларнинг тўртинчиси бўлган феминистик назария позитив тинчлик концепциясига оила каби микроструктурани ҳамда Галтунгнинг макроструктурасини қўшиб, уни кенгайтирди.

Бир бутун тинчлик парадигмасининг пайдо бўлиши позитив тинчлик концепциясига бўлган қизиқишни орттирди. Бу қизиқиш қисман шу билан изоҳланадики, миллатимиз, маданиятимиз ва диний эътиқодларимиздан қатъий назар, биз ҳаммамиз ўзаро боғлиқ ва ўзаро тобеъ эканлигимизни тушуниб етдик. Бу янги тафаккур глобал экосистема ичидаги ўзаро боғлиқликларни тан олишимизни, маданиятимизнинг глобал маданий система контекстида ҳамда турли жаҳон динлари контекстида қиммати ва қадри намоён бўлишини тан олишимизни кўзда тутади.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЭКОЛОГИК
МАДАНИЯТНИНГ ТУТГАН ЎРНИ
В.Г. Тожиев – ТАТУ, Фалсафа кафедраси
ассистенти

«Мақсадим –қашоқликка юз тутмай,
исрофгарчиликка йўл қўймай,
ўзгаларга буйруқ бермай, бировларга тобе бўлмай
яшаш»
Петрарка.

Ҳозирги давр глобаллашув жараёнида инсонинг табиатга бўлган муносабати муҳим аҳамиятга эга. Бу муносабатни кўриниши экологик маданиятга боғлиқ. Экологик маданиятнинг марказида инсон ҳаёти давомида учрайдиган цивилизацияга асос солган 4 унсур яъни ер, сув, ҳаво ва табиат билан боғлиқ маданият ётади. Инсонинг табиатга бўлган муносабатини муофиқлаштириш маданияти инсониятнинг турли даврларида турли кўринишга эга бўлиб келди. Айниқса бу 4 унсурни асос қилиб атроф муҳитни ифлослантормаслик, эҳтиёжни қондириш билан бирга атроф муҳитга зарар етказмаслик маданиятига инсоният тарихида шарқда асос солинди. Табиатнинг чуқур фалсафий ҳақиқатини ҳис қилган шу замин халқлари, дунё цивилизациясига наъмуна бўларлик даражада маданият яратдилар-ки, бошқа халқлар маданиятлари асосида экологик маданият бўлишини таъминладилар. Табиат инсоннинг сезгилари орқали, унинг ҳаётида ва маданиятида кескин бурилиш ясагини ҳис қилиш учун , бу маъсулиятга тайёр бўлиш керак эди. Табиат жамият ҳаётига рўй рост кириб, инсон табиатнинг бир бўлаги эканлигини ва жамиятдаги бутун қонунлар табиат қонунлари билан ҳамоханглик маданияти даражасига кўтарган шу замин халқларининг муқаддас

«Авесто» китобида мужассам бўлган эди. Табиатга хурмат зардуштийлик динининг асоси ҳисобланарди. Унда куйидаги ахлокий фалсафий экологик маданият турлари қонунлаштирилган.

1. Бу 4 унсур бўлиб қуёш(олов)сув, ер, хавони улуғлашни, улар дунёдаги энг муқаддас нарса деб тан олишган. Олов қуёшнинг ердаги шакли (заррачаси)деб, унга алоҳида сажда қилишган. Шунингдек, оловни барча гуноҳдан тозаловчи сеҳрли куч санашган ва унга бағишлаб махсус оташхоналар қуришган, унда турли байрамлар, маросимлар уюштиришган.

2. Ўсимликлар дунёси ва ҳайвонот оламига мансуб қадимий удумларни зардуштийлар томонидан от, ит, бўри, қўчқор, хўроз, кийик, тоғ эчкиси каби ҳайвонларни, қалдирғоч, лайлак, окқуш, турна каби қушлар илохийлаштирилган ва уларга оид махсус маросимлар ўтказишган.

3. Инсон ҳаёти ва турмуши билан боғлиқ бўлган одатлар (масалан, юриш-туриши, кийиниши, покланиш, эр ва аёлларнинг хусусий русумлари ва ҳоказоларга) кенг ўрин берилган.

Ҳозиргача етиб келган- «Наврўз» байрами, касалликларни олдини олиш мақсадида исирик тутатиш, турли маросимларда шам ёқиш, тўйларда гулхан атрофида айланиш, ўт атрофида кечки базм уютириш, чавандозларнинг катта гулхан алангасидан сакраш уйинлари, баъзи касалликларнинг гулхан устидан хатлаб ўтишлари, чақалокни олов устидан ўтказиб олиш муқаддас дарахтлар шохига турли латталардан боғлаш ва бошқа анъаналарни ҳозир ҳам учратиш мумкин. Қуёшни озодалик билан кутиб олиш, тонгда ховлини тозалаш, уйни супуриш, ювиниш, ўчоққа олов ёқиш, олов ёрдамида озик-овқатларни, турмуш анжомларини зарарсизлантириш, турли гиёҳлар тутатишдан фойдаланиш ҳам

зардуштийлардан келаётган одатлардир.

Зардуштийликда экологик маданиятдан мақсад табиатга хурмат аввал жисмоний поклик, кейин эса у рухий покликка олиб келиши кўзда тутилган. Аслида инсондаги биргина дунёқарашни олсак, у табиат билан инсон ўртасидаги муносабатни, у ҳақидаги билимга эга бўлишни акс этади ва дунёқараш замирида ётган билишнинг мақсади ўша объектнинг ташки мухитга бўлган муносабатини ўрганишдан иборатдир.

Экологик маданият сўзи нимани билдиради ? Экология юнонча сўздан олинган бўлиб инсоният турар жойи, яшаётган оламини ўрганувчи тирик мавжудоднинг ташки мухит билан алоқасини ўрганувчи фандир. Барча фанлар ўзининг ривожига албатта экологик маданиятга мурожаат қиладилар. Чунки ҳар бир мавжудотнинг яшаши ташки мухит билан аълоқада булишини таъминлайди. Бу борада «Оламдаги нарсалар бир бирига шу даражада чамбарчас боғланиб кетганки, уларнинг бирини бошқаларисиз ва яхлит ҳолда олмай туриб англаб бўлмайди» деган эди Паскаль. Ҳар қандай ташқи мухитга муносабат инсоният цивилизациясига олиб келди. Демак, маданият бу глобаллашув жараёнига боғлиқ тушунча бўлиб, кишилик жамиятининг онгидаги ўзгаришга боғлиқлик жиҳатларини кўрамиз. Ҳар қандай маданият замирида табиат ва атроф мухитга хурмат устун бўлсагина кишилик жамиятининг онгида бу борада ўзгариш ясалган бўлади. Ушанда табиат билан инсон ҳамоханглиги инсон тафаккурида таъсирли жой олади. Демак, ҳар бир маданиятнинг экологик маданият билан чамбарчас боғлиқлиги нимада деганда? -биз бир сўз билан ҳар бир маданиятнинг яратувчиси табиатдан чиққан инсонинг экологик маданиятининг бугунги кундаги долзарблигидадир деймиз. Экологик маданиятнинг фалсафий жиҳатлари инсоннинг ўзлигини англашдан

бошланади ва умуман инсон табиат махсули эканлиги уқтирилади. Шу маънода экологик маданият ҳақиқий фалсафий дунёқарашни касб этади. Истиқлолимизнинг биринчи йиллариданок экологик маданият давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Призидентимиз И.А.Каримов томонидан экологик маданиятнинг муаммолари, инсоният тараққиётининг глобал муаммолари, кўп асрлик тарихга эга минтақа нуқтаи назаридан кўрсатиб ўтилди. « Миллий умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий ахлоқий фазилатларни, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабада бўлишни шакллантирайлик».И.А.Каримов.

Ҳозирги давр фалсафасининг дунёқаршида хаводек зарур бўлган барқарор ривожланиш таълимининг қатор йўналишлари билан синергетик боғланган экологик тарбия жамият фалсафасида ўз ўрнини топа олди. Барқарор ривожланишнинг асосини ташкил этди.

Шу ўринда маданият сўзи моддийликни касб қилгани учун таъриф касб этади. Тарихдан инсоният ўзининг ижтимоий тараққиётида, табиатга муҳтож бўлиб келдилар, бу муҳтожлик таъсирида табиатнинг турли образларини (мифологик, диний, фалсафий ва бошқа қилиб) яратдиларки , бу орқали ўзларини гоҳ табиатга мансуб гоҳ табиат орқали ўзларини англадилар ва ўзлари орқали табиатни англадилар. Шундан келиб чиққан ҳолда табиат инсондан унга тўлақонли мунсабатни талаб қила бошлайди. Экологик муаммо инсон учун унинг борлиги ва дунёдаги ўрнини билдиради. Шунга қарамай маданият инсон фаолиятининг махсулидир деган ғоя илгари сурилади. Инсон қандай йўл тутиши керакки у ўзи учун яратган маданияти табиат фалсафасига тўғри келсин. Бу борада инсоният табиатга нисбатан социал ахлоқий қарашлар, эстетик қарашларнинг қолаверса давлат ва жамиятнинг макон ва замон нуқтаи назаридан кўраётган чоралари кифоя эмасмикин деган совол туғилади. Бугунги

кунда барқарор ривожланиш таълимнинг миллий дастури, ўзликни англашнинг ўзини табиат фалсафасига ўйитиш уни инсоният яна ҳам чуқур ҳис қилиши кераклигини билдиради. Бугунги кунда инсон билан табиат ўртасидаги муаммо улкан техника тарраққиёти экологик маданият дунёқарашига, назарий жихатларига бунчалик муҳтож бўлмагани табиийдир. Инсоннинг бу борадаги хатти ҳаракати бу улкан тарраққиёт машинасини йўқ қилиб юборади, ёки бўлмаса дунёнинг гуллаб яшнашига замин яратади.

Экологик маданиятнинг мақсади табиатга қўл теказмаслик эмас, ёки ҳаракатдан воз кечиш эмас, балки аксинча у билан ҳамоҳанг бўлиб унинг истиқболини йўналтириб туришдир.

Табиатдаги инкироз бўронини фақат маданиятгина тўхтата олади. Тарихда экологик маданиятга турли ёндошиш гувоҳи бўлинган. Бу инсоният тарихи давриларидаги экологик маданият тарихини кўриб чиқишдан аввал, биз инсон деган мураккаб саволга қисқача таъриф берамиз. Инсоният планетада биомасса бўйича тирик организмлар фойзининг минг бўлақларидан бирини ташкил қила туриб, ўзидан бир неча марта кўп чиқинди чиқаради. Ер юзидаги биосферага унинг таъсири катта. Бу ҳолатни тизимлаштириш маданият зиммасида бўлиб, инсоният яратган барча экологик маданият ҳозирги улкан техника тарраққиётини ер юзини гуллаб яшнашига қарата олади. Биз техникани табиатга қарши қурол ёки бўлмаса машинадек тушунамиз. Дж. Мартиннинг фикрича, «биз ер шарига қилган зараримизни йўқотишдан кўра, ер шарини йўқ қилиб юборишимиз осонроқ. Бу муаммоларни келтириб чиқарган техникалардан воз кечиш эмас, балки технологияларни ривожлантириш зарур. Технологияларни ривожлантирмаслик дунёни кўриб бўлмайдиган

оқибатларга олиб келиши мумкин. Шундай технологияларни танлаш ва ривожлантириш керакки, уларни яратилиши ишлаши табиат билан ҳамоханг бўлсин». Инсон нафақат техникада, хатто жамият ахлоқий принциплари, қонунлари, одатларини ишлаб чиқишда табиат билан ҳамохангликни унутиб қўйди, бунинг натижаси кечириб тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келди.

Н.А.Бердяев инсонинг табиатга муносабатининг 4 даврини кўрсатади.

1. Инсонинг табиатнинг бир қисми эканлиги хис қилиши.

2. Инсоннинг табиатдан ажралиб чиқиши ва у билан кураши.

3. Табиатга мурожат, уни енгиш учун.

4. Табиат руҳи билан мулоқатга киришиш ва табиатни маънавий англаш.

Табиат дегани бу фақат бизни ўраб турган далалар, ўрмонлар, ва дарахтзорлар эмас, балки инсон туғилиши билан табиатдан ўз сийратини олиши, унинг бир бўлаги эканлигини ҳаёти давомида англаши демакдир. Демак инсон табиатни англаши учун маданиятни табиат қонунлари нуқтаи назаридан қайта тушунишидан иборат. Табиат инсоннинг яшаш учун озик овқат кидириши ва ўзини этник номоён бўлишини таъминлайди. Табиат маданиятнинг асоси унинг бир қисмидек курилади. Лекин маданиятни яратган инсон табиатни унутиб қўйиши, маданиятда кўзга кўринмас, тузатиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин экан. Атрофимизни ўраб турган табиат инсонларнинг психологиясига тасир қилиб миллий характер, миллий маданиятни ҳам амалиётга йўналтириб туради. Инсон ўзини табиатнинг бир бўлаги сифатида хис қилишини ахлоқ нормаларида кўрамиз. Табиатга ўзини жонига карагандай қараш, ҳар бир дарахт синса инсоннинг жони оғригандай бўлишини халқ

ахлоқий урф одатларида, мақолларида кўрамиз. Булардан «Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил», «Сувни булгама», «Сувга тупурма», «Олов уйнама», «Қуёшга тик қарама», «Харом идишни олов билан тозала», «Учокка ахлат ташлама», «Ерни урма, у сени боқади» ва хоказолар. Халқ сайилларидан Наврўз, Меҳржон, Лола ва Хосил байрамлари, сув сайли, ерга чигит экиш маросимлари шулар жумласидандир. Фалсафий антропологик нуқтаи назардан инсон меҳнати ва тафаккури билан яратилган сунъий мухитга, иккинчи маданият деган ном бериш мумкин. В.И.Вернадский (1881-1945) томонидан маданиятнинг ва табиат ўртасидаги боғлиқ томонлари очиб берилди. Инсон ер юзида пайдо бўлиши билан ер юзининг ташки кифоаси ўзгарди, унинг яшаши ақл ва тафаккурга боғлиқ бўлиб қолди. «Инсон организми ва уни ураб турган борлиқ доимий равишда ривожланиб туради. Уларнинг бир бирини гоҳ инкор этиб, гоҳ бир бирисиз яшай олмайди»-дейди мутафаккир. Демак инсон таракқиёти даврида табиат билан мулоқоти фақат маданият ва ахлоқнинг юксак даражаси орқали кўринишларида бўлсагина яхши натижаларга эга бўлади. Шу борада маданиятга бугунги кунинг нуқтаи назаридан туриб қуйидаги вазифалар юклатилади.

1. Инсоннинг қулайликка интилиши табиий бўлиб бу борада табиатга зарар етказмаслиги керак

2. Инсон ҳаёти давомида қадриятларга инсоний, диний қадриятлар таяниши керак.

3. Ёш авлодни тарбиялашда маданият нуқтаи назаридан табиат қонунларининг асосида эканлигини тушунтириш керак.

4. Инсон табиат махсули эканлиги сунъий қулайликлар ўткинчи эканлиги борасида шарқдаги барча таълимот илмининг намоёндаларини асарлари ижодларига ахлоқ нуқтаи назаридан ёндашиш лозим.

МИЛЛИЙ МАФКУРАНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Э.М. Тўхтасинов – ТАТУ фалсафа кафедраси доценти

Ёшларда миллий мафқурани шакллантириш ҳозирги кунда олдимизда турган долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Миллий мафқурасиз инсон манқуртга айланиши мумкин. Миллий мафқурани шакллантиришнинг турли-туман имкониятлари мавжуд. Улардан бири дарс жараёнида, айниқса ижтимоий-гуманитар фанлардан маъруза жараёнида тарихга, тарихий фактларга, мисолларга муурожаат этишдир.

Халқимизнинг тарихи эса бундай намунали мисолларга жуда бойдир. Баъзан эса талаба ёшлар халқимиз тарихини тўла ва тўғри билавермайди.

Таъкидлаш лозимки, халқимиз дунёдаги кекса халқлар қаторидан ўрин олади, дунё тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган. Халқимизнинг илоҳий динлардан бўлмиш Оташпарастлик эса ўзидан кейин шаклланган буддизм, яҳудийлик, насронийлик ва исломнинг шаклланишида ғоявий-маънавий, ижтимоий-руҳий ва ахлоқий замин бўлиб хизмат қилди. Оташпарастликнинг баъзи анъаналарини, ғоявий маънавий элеменетларини, таълимотларининг таъсирини ушбу динларда учратамиз. Айниқса ахлоқий элементлар яхши сингиб кетган. Оилавий муносабатларга қўйиладиган энг оқилона талаблар Оташпарастлик таълимотида такомиллини топган ва кейинги динларда янада мукаммаллашган. Шунингдек Оташпарастликда ватанни севиш, ватанга муҳаббат, ватанга садоқат ва унинг ҳимояси учун ҳар бир фуқаро доим тайёр ва шай туриши ҳақида гапирилади. Ҳатто хотин-қизлар ҳам эркаклар бир қаторда ватанни ҳимоя қилишга чақириқлар учрайди. Бунинг амалий тасдиғи сифатида тарихимиздан кўплаб мисоллар келтириш

мумкин. Масалан, Тумарис ва унинг фаолияти, Широқнинг қахрамонлиги, Спитаменнинг ватанпарварлик намуналари. Шунингдек халқимизнинг ватанпарварлик даҳси олдида қойил ва лол қолган Македонский, ҳалифа Хорун-ар-Рашид, Чингизхон каби саркардаларнинг эътирофларини эслаш кифоядир. Ўзбек халқи аجدодларининг эътиқоди ватан учун жон фидолиги, топқирлиги, ақл заковатини оқилона ишга солиш, тахликали ҳолатлардан мардонавор чиқа олишлиги ва уни дафъ эта олиши, тузукқа тушмаслиги, айниқса, душманга панд бера олиш, машаққатларга чидамлилиги каби сифатлар уларни қойил қолдирган.

Шу сифатлар ва уларни амалда қўллай билиш оқибатида халқимиз жипслашиб, мустаҳкамлашиб, тафаккури сайқалланиб, маънавияти юксалиб илғор илоҳий анъаналар шаклланиб борди.

Тарихнафис ёзувчилар Явдат Ильясов ва Миркарим Осимлар тавсиф этган ва аслида ҳам бўлган Спитамен ҳақидаги маълумотлар эътиборга лойиқдир. Юнон жаҳонгири ва дунёга машҳур саркарда Александр Македонский эрадан аввалги IV асрларда ватанимизга бостириб киради ва маҳаллий халқни тобе қилишга ҳаракат қилади. Халқ эса унга қарши жавоб қайтаради. Шу жараёни шонли ва ҳаққоний тарзда тасвир этадилар. Спитамен раҳбарлигидаги кўп бўлмаган айрим йигитлар ватан ҳимоясига отландилар. Улар маҳаллий шароитни яхши билганликлари, унга яхши мослашганликлари, қисқа вақт Македониянинг ҳарбий тактикасини яхши билиб олганликлари ва албатта ўзларининг қурол-яроқларининг соз бўлганлиги оқибатида кўп марта ва қутилмаганда юнон саркардаларини шошириб қўйганликлари, чекинишга мажбур қилганликлари маълум, ҳатто баъзида устун келганлар. Спитамен бошчилигидаги аскарларнинг жасорати, топқирлиги, уддабуронлиги Македонскийни қойил қолдирди. Спитамен билан юзма-юз тўқнашишга ва

уни жангда мағлуб этишга қарор қилган юнон саркардаси шахсан ўзи майдонга тушади ва ўзига маъқул бўлган ҳужум тактикасини қўллайди. Аммо Македонский ҳеч қачон ва ҳеч кимдан енгилмаган ва дакки емаган эди. Ўзига ўзи ҳарбий маҳоратига, ўз қуролига қаттиқ ишонар эди. Ўзи ихтиро этганда ўз даврининг энг илғор ҳарбий қуроли ҳисобланган оғир ва узун найза билан отда Спитаменга ташланади. Македонский ҳамма жангда ҳам биринчи бўлиб ҳужумга ўтар ва ҳар қандай пахлавон саркардани ҳам бир зарб биланоқ ер тишлатар эди. Шунинг учун ҳам Македонский енгилмас, илоҳий, буюк деб ҳисобланар эди.

Македонский Спитаменга ҳужум қилди. Спитамен ҳам Македонскийга ташланди. Македонский Ўрта Осиёни чўлларида яшаган, жангари бир кайсар деб ҳисоблаган Спитаменни, тобе бўлишини истамаган ўжар Спитаменни, юнон армиясига халақит бераётган ва шошириб қўяётган “безбет” Спитаменни таъзирини бермоқчи, мағлуб этмоқчи ва халқини таслим этмоқ учун унга ҳужум қилди. Спитамен эса Ватанига бостириб кирган, ҳаммани қираётган, бойликларини талаётган, юртига қирон келтираётган босқинчини мавҳ этиш учун Македонскийга ташланди. Македонскийнинг бутун танаси метал зирх билан ўралган ва ҳимояланган эди.

Македонский жаҳл билан ҳужум қилди. Спитамен бутун нафрати билан Македонскийга ташланди. Ўз анъанасига содиқ Македонский биринчи булиб найза билан зарба берди. Абжир ва моҳир, топқир ва чакқон Спитамен Македонский зарбасига чап беради ва ўзи шарқона қиличи билан уни бошидан иккига бўлиб ташлаш учун унга қилич солади. Македонский ҳам қиличдан қочади, аммо Спитаменнинг дубулғасини, унинг кулоғи ёнидан кесиб ўтишга улгуради. Отлар уларни икки қарама қарши томонга олиб кетади. Македонский Спитаменга

зиён етказа олмади, аммо Спитамен унга қилич сола олди. Македонский умрида биринчи марта ва шу бир бора рақибдан дакки еди. Македонский Спитаменни жангда енга олмагач, уни бойлик билан сотиб олмоқчи бўлади, жуда кўп олтин таклиф этади. Спитамен рад этади, ўз шаъни, ватан озодлигини ҳар нарсадан устун қўяди. Македонский Спитаменга жуда катта амалларни ва саркардалиқни таклиф этади. Спитамен уни ҳам рад этади ва ватанидан чиқиб кетишини талаб этади. Македонский ҳийла ишлатибгина Спитаменни ҳалок этади. Спитамен ҳиёнатнинг қурбони бўлади.

Халқимиз Спитамен билан боғлиқ бўлган ушбу воқеани сайқал бериб, авайлаб авлоддан-авлодга, даврдан-даврга ўтказиб келмоқда. Бу воқеа асрлар давомида ватанпарварликнинг ва садоқатнинг, мардликнинг ва жасоратнинг намунаси бўлиб хизмат қилмоқда. Халқимизни жипслаштиришда маънавий, ғоявий ва мафкуравий пишиқтиришда намуна бўлмоқда.

Аслида, юнон босқини даврида биргина Спитамен эмас, юзлаб, минглаб унга ўхшаган қахрамонлар ва ватанпарварлар етишиб чиққан ва ватанини химоя қилган, аммо бизгача бу қахрамонларнинг номлари тўлиқ етиб келмаган.

Халқ бошига ташвиш ва кулфат тушганда халқ ичидан ҳам кўплаб ҳақиқий қахрамонлар чиққан. Буни тарихий фактлар кўп марталаб тасдиқлаб турибди. Фақат биз буни билишимиз, ёшлар ўртасида наъмуна ва тарғиб қилишимиз лозим, ёшлар эса кшп тарихий фактларни, воқеаларни билавермайди.

Ёки бошқа бир мисол. Ёшларда миллий мафкурани қарор топтириш учун, уларда ватанпарварлик хиссини, тарихимизга ҳурмат хиссини шакллантириш учун халқимизнинг жанговарлик қахрамонликларидагина эмас ихтирочилик, яратувчанлик даҳосидан ҳам мисоллар

келтириш мумкин. Масалан, дунёда биринчилардан бўлиб ватанимизда водопровотнинг барпо этилиши сардобаларнинг қурилиши, сув омборларининг, кўприклар ва йўлларнинг бунёд этилишини кўрсатиш мумкин.

Ёки, маънавият ва маърифат соҳасидаги ажодларимиз ютуқларини таъкидлашимиз мумкин. Проф. Г.А. Ҳидоятловнинг таъкидлашича мадрасалар IX асрда аввал бизда, сўнг Бағдодда пайдо бўлган.

Араблар ва исломлар маданияти кириб келгунча ҳам ватанимизда ўта юксак маданият, маърифат, ишлаб чиқариш ривожланганлигининг, ўз даври учун ўта юксак маданият элементи сифатида Оташпарастилик таълимотининг (динининг) шаклланганлигини ва унинг ўзидан сўнг шаклланган яҳудийлик, буддизм, христианлик, ислом каби динларга асос бўлганлигини таъкидлаш ёшларда фахр туйғусини ғурур хиссини ҳурмат эҳтиёжини шакллантиради. Таъкидлаганимиз, халқимиз тарихида мустаҳкам ўрин эгаллаган хозхлаган мисолни келтириш ва батавсилроқ баён этиш мумкин. Агар келтираётган мисол халқ даҳоси билан боғлиқ бўлса унинг ёшларга таъсири яна ҳам буюк бўлади. Чунки, ҳар бир талаба шу халқнинг фарзанди ўз ота боболарининг набираларидир.

Халқ даҳоси у яратган кашфиётларга қилинган ишларда намоён бўлади. Халқнинг дили, қалби ўз аксини унинг яратувчилигида топади. Ёш авлод эса уни кўриб фахрланади, ота боболаримизга муносиб бўлишга ҳаракат қилади.

Маънавият, мафкура ҳақида гап кетганда муҳтарам Президент жаноблари қайта-қайта таъкидлайдиларки, халқ ўз тарихини, унинг мазмун ва моҳиятини чуқур англаб етгандагина, унинг қалбида ўз ватани ва ўтмишига ҳурмат, садоқат хисси шаклланади. Аксинча, ўз тарихини билмаган, у билан фахрланмаган маънавий қашшоқ ва ватанини севмайдиган лоқайд манкуртларга айланадилар.

Ёшларда маънавий маданиятни ва миллий мафқурани шакллантириш учун барча воситалардан фойдаланиш лозим, жумладан маърузалар жараёнида халкимиз тарихидан ибратли намуналар келтириш, уни фахр билан эслаш ёшларда миллий ғурурни шакллантиради. Миллий ғурур эса миллий мафқурани шаклланишига туртки бўлади.

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

*А.М. Умаржонов – ТАТУ, “Иқтисодийёт
назарияси” кафедраси катта ўқитувчиси*

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда мамлакатнинг истеъмол сектори устуворлигининг қонуний-ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий асосларини яратиш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Ишлаб турган корхоналарни қайта тузилмалаш ва янги корхоналар ташкил этиш асосида мамлакатнинг истеъмол бозори аҳоли эҳтиёжларини ўз ишлаб чиқариши, айниқса, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳисобига қондиришда сифат жиҳатдан янгича ривожланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида таъкидлаганидек, ҳозир мамлакатимизда иш ҳақи ва аҳоли даромадларининг босқичма-босқич ўсиб боришини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ўз навбатида, даромадларнинг кўпайиши аҳолининг харид қобилиятини ошириш, мамлакатда ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиши ва барқарор ўсиши учун муҳим рағбатлантирувчи чора бўлмоқда.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш юзасидан солиқ имтиёзлари тизими қабул қилинди. Хорижий инвестицияларни жалб этиш ва

ҳимоялаш бўйича қонунчилик базаси шакллантирилди. Бу эса, янги объектлар фойдаланишга топширилишига, ишлаб турган корхоналар техника билан қайта қуроллантирилишига, энг муҳими, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари турларининг кўпайишига омил бўлиши керак.

Ислоҳот йилларида давлат томонидан мамлакат истеъмол бозорини ривожлантириш чоралари қурилиши натижасида:

- озиқ-овқат гуруҳи бўйича истеъмол товарлари, айниқса гўшт ва гўшт маҳсулотлари, ун, ёрма, ёғлар, макарон маҳсулотлари ва бошқаларни, саноат буюмлари гуруҳи бўйича-тайёр газламалар, пайпоқлар ва тикувчилик буюмларини, трикотаж маҳсулотлари, гиламлар ва гилам буюмлари, мебел ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш юзасидан таклиф аста-секин ва барқарор равишда ўсиб борди;

- республика учун янги товарлар, чунончи енгил автомобиллар, телевизорлар, кондиционерлар, музлаткичлар ва мураккаб маиший техникалар гуруҳига мансуб бошқа товарларни ишлаб чиқариш ўзимизда ташкил этилди;

- бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдиришда юқори даражага эришилди ҳамда импортга қарамлик даражаси анча камайтирилди;

- товар таклиф қилиш аҳолининг тўловга қобил талабига яқинлашди ва товар айланмаси даражаси ўсди.

2006 йил Ўзбекистоннинг истеъмол бозорини шакллантириш ва ривожлантиришда улкан натижаларга эришилган йил бўлди. Масалан, 2006 йилда ялпи ички маҳсулот 7,3 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 10,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,2 фоизга, пулли хизматлар кўрсатиш 19,3 фоизга ўсиши таъминланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2006 йилда таъминланган ана шундай ўсиш суъратлари ва юксак мақроиктисодий кўрсаткичлар жамиятимизнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилган кўп йиллик машаққатли ва мурраккаб ишларнинг мантиқий натижаси, мамлакатимиз иқтисодиётини изчил ва барқарор ривожлантиришнинг амалий намоёни бўлди.

Масалан, 2006 йилда иқтисодиётнинг ўсиши, солиштирма нархларда олиб қаралганда 2000 йилга нисбатан 45 фоизини ташкил этади, бунда саноат ишлаб чиқариш 1,6 марта, қишлоқ хўжалиги 1,5 баробар, ташқи савдо айланмаси 1,7 марта, экспорт ҳажми 1,9 , олтин-валюта захираси 3,7 баробар, реал иш ҳақи эса 4 марта ошганини кўриш мумкин, шу билан бирга, инфляциянинг йиллик даражаси 4 мартадан зиёд пасайганини ҳам қайд этиш лозим.

2006 йилда республиканинг йирик корхоналарида кўп турдаги саноат товарларини ишлаб чиқариш 2005 йилдагига нисбатан кўпайганлиги кузатилди. Шу билан бирга бу ҳол уларни импорт қилиш қисқарган ёки барқарорлашган вазиятда юз берди. Масалан, совуткичлар ишлаб чиқариш 1,2 баравар, телевизорлар - 3,6 баравар, гилам маҳсулотлари - 1,4 баравар, пайпоқ буюмлари- 1,1 баравар, енгил автомобиллар - 1,7 баравар, кирсовун ишлаб чиқариш 100,1 фоиз ўсди. Чинни-фаянс идишлар, тайёр ипак газламалар, трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш кўпайди.

Шунга қарамай, ҳозирги вақтда аҳолининг республикада ишлаб чиқарилаётган саноат товарлари асосий турларига бўлган тўловга қобил талаби меҳел, кирсовун, енгил автомобиллар, гиламлар ва тамаки маҳсулотлари бўйича тўла қондирилмоқда. Асосий товарлар бўйича етишмаётган ассортимент ўрнини у ёки

бу даражада импорт маҳсулотлари тўлдирмоқда.

Шунинг учун ҳам ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли истеъмол товарлари билан тўлдиришга қаратилган, бозорни бошқариш усулларини такомиллаштиришга асосланган янги стратегияга кескин эҳтиёж сезилмоқда. Ўзбекистонда истеъмол бозорини янада ривожлантириш ва бошқаришни такомиллаштириш чоралари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

I. Тўловга қобил талабни рағбатлантириш чоралари.

Тўловга қобил талабни рағбатлантиришдан мақсад:

- республикамиз товар ишлаб чиқарувчиларнинг истеъмол товарлари учун сотиш бозорларини кенгайтириш;

- реклама компаниясини кучайтириш воситасида талабни фаоллаштиришдир.

II. Ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш чоралари.

Ички бозорни истеъмол товарлари билан тулдириш муаммоси, мамлакат аҳолиснинг саломатлигига эътибор қаратиш маъносида ижтимоий хусусиятга эга. Ана шу муаммо нуқтаи назаридан қараганда, асосий мақсад, товарлар орасидан сифатсиз маҳсулотни чиқариб ташлаш учун шарт-шароит яратиш ҳамда маҳсулот сифатини оширишни рағбатлантиришдан иборатдир. Бу мақсадларга сифат стандартларини ҳамда уларга риоя этилишини қаттиқ назорат қилиш тизимини жорий этиш йўли билан эришилади.

Бунинг учун қуйидагилар назарда тутилади:

- энг яхши товарлар учун миллий мукофотлар жорий этиш йўли билан маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш;

- сифат соҳасидаги тадбирларни имтиёзли кредитлаш;

- ғоят қисқа муддатларда маҳсулот сифатини ва рақобатбардошлигини ошириш учун реал имкониятларга эга бўлган корхоналарни имтиёзли солиққа тортиш.

III. Мамлакатимиз истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлаш чора тадбирлари.

Мамлакатимизда товарлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда улар улушини ошириб бориш зарурлиги аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш маъносида ҳам, бюджетни мустаҳкамлаш нуктаи назаридан ҳам равшандир.

Таклиф қилинаётган ташкилий чора тадбирлар самарадорлигини ошириш учун истеъмол бозорини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати бўлмоғи зарур.

Ушбу сиёсатнинг энг муҳим асослари жумласига энг аввало, ички бозор учун ҳам, экспорт учун ҳам рақобатбардош товарлар ишлаб чиқара оладиган корхоналар капиталини кўпайтириш ва жамғариб бориш киради.

Рағбатлантирувчи чораларни амалга оширишга кўшимча равишда истеъмол бозоридаги рақобатнинг ривожланиш шароитларини ўрганиш, хусусий инвесторларни товарлар ишлаб чиқарадиган ва хизматлар кўрсатадиган тармоқларга, товарлар, капиталлар ва тўпланган билим ҳамда тажрибани экспорт қилишга жалб этиш механизмларини ишлаб чиқиш ҳам зарур. Рақобат қоидаларига риоя қилиш, ижтимоий ҳимоя, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, солиққа тортиш тизимида меъёрий ҳужжатларнинг амал қилиши билан боғлиқ қонунларни ўрганиш ва такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Истеъмол бозорига нисбатан олганда, бир мақсадни бошқа мақсадлар билан боғламаган ҳолда қўйиш ва унга эришиш мумкин эмас. Масалан, конъюнктурани

баробарлаштирмасдан, тармоқнинг ички тузилишини такомиллаштирмасдан, пул муомаласини барқарорлаштирмасдан капитал жамғарилишини рағбатлантиришни тасаввур қилиб бўлмайди.

Давлат истеъмол бозорининг ривожланишини маъмурий ва иқтисодий усуллар орқали рағбатлантириши ва қўллаб-қувватлаши мумкин.

Давлат томонидан қўлланиладиган маъмурий воситалар, қоида тариқасида, қўшимча моддий рағбатлантириш чорасини яратиш билан боғлиқ бўлмайди. Улардан асосан ижтимоий кескинликнинг олдини олиш (масалан, аҳолини чакана савдо тармоғи орқали озиқ-овқат билан таъминлаш меъёрларини жорий этиш, мулкчиликнинг турли шакллариغا мансуб савдо тармоғида мажбурий ассортиментдаги товарларнинг бўлиши воситасида) учун фойдаланилади ҳамда давлат ҳокимиятини ишга солишга асосланади. Бу чораларни шартли равишда тақиқловчи, рухсат берувчи ёки мажбур қилувчи чораларга бўлиш мумкин.

Бозор муносабатлари ривожланиб борган сари маъмурий воситалардан, қоида тариқасида, жуда кам фойдаланилади. Уларнинг амал қилиш доираси асосан атроф- муҳитни муҳофаза қилиш билан чегараланади. Сўнгги вақтларда давлат томонидан қурилган энг йирик маъмурий чора, республиканинг етакчи концерн ва ассоциацияларини ихчамлаштиришдан иборат бўлди.

Истеъмол бозори ривожланишини давлат томонидан рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий воситаларини пул-кредит ва бюджет сиёсати воситаларига бўлиш мумкин.

Истеъмол бозорининг ривожланиши тўғридан-тўғри давлат томонидан бюджет сиёсати воситалари орқали қўллаб-қувватланади.

Бозор субъектлари фаолиятига таъсир кўрсатиш

учун солиқлардан ва улар даражасини ўзгартиришдан фойдаланилади. Бундай ҳолларда солиқлардан фискал восита сифатида эмас, балки энг аввало, рағбатлантирувчи восита сифатида фойдаланилади. Давлатнинг солиқлар ёрдамида бошқариш асосан, солиқ тизимини танлаб олишга, солиқ ставкаларининг юқорилигига, шунингдек, солиқ имтиёзлари турлари ва миқдорига боғлиқ.

Солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш ва солиқ органлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда. Даромад солиғи ставкаларни 12 фоиздан 10 фоизга, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 13 фоиздан 10 фоизга, шунингдек, ягона ижтимоий тўлов ставкасини 24 фоизга камайтириш кўзда тутилмоқда. Бу мақсадлар товар ишлаб чиқарувчиларга ва айниқса, саноат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларга имтиёзлар беришни назарда тутади.

Солиқлар икки томонлама рол ўйнайди: бир томондан улар давлат харажатларини молиялашнинг асосий манбаи, бюджет сиёсатининг моддий асоси; иккинчи томондан - улар бошқариш воситасидир. Ҳозирги вазиятда истеъмол бозорининг ривожланишини рағбатлантириш соҳасидаги давлат бюджети сиёсатининг вазифаси, маблағ келиб тушадиган у ёки бу манбаларни шунчаки солиққа тортишдан иборат бўлиб қолмай, балки бозор субъектлари бўлмиш юридик ва жисмоний шахсларнинг хўжалик юритишига таъсир этадиган, нозик созланадиган механизмни яратишдан иборатдир. Бунинг учун вақтинча ёки танлаб бериладиган солиқ чегирмалари, имтиёзларидан, солиқ тўлашни кечиктиришдан фойдаланилади.

Давлат томонидан рағбатлантириш воситалари сифатида бюджет харажатларидан ҳам фойдаланилади. Булар, биринчи навбатда, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича муҳим инвестиция лойиҳаларини

кредитлаш учун бериладиган давлат кредитлари, субсидия ва кафолатлари, шунингдек, бозорда етишмаётган муҳим товарлар ва хом ашёни импорт бўйича марказлашган тартибда харид қилиш, хўжалик юритувчи субъектлардан давлат буюртмаси тарзида товарлар харид қилиш харажатларидир.

Истеъмол бозорини давлат томонидан бошқаришнинг энг мақбул шакли аниқ мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборатдир.

Истеъмол бозори билан боғлиқ вазифалар ҳал қилинган сари қисқа, ўртача ва узоқ муддатли вазифалар қўйила бошланди, уларни ҳал қилиш тартиби ва ушбу қарорлар бажарилиши учун жавобгар идораларга зарур маблағлар ажратиладиган ва аниқ мақсадли дастурлар орқали молиялаш тартиби белгиланадиган бўлди.

Истеъмол бозорини ривожлантириш билан боғлиқ давлат дастурларини белгилашнинг ривожланиш даражаси турли мамлакатларда турличадир. Улар асосан маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган хом ашё базасини ривожлантириш ва кенгайтиришга, экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга, мамлакатнинг озик-овқат хавфсизлигини таъминлашга ва бошқаларга қаратилган.

ТЕРРОЗИМ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ

Ж.Х.Ибодов – ТАТУ, фалсафа кафедраси

профессори, тарих фанлари доктори

Ш.М.Ибодова - ТМИ қошидаги 2-сон академик

лицей олий тоифали ўқитувчиси

«Глобализация» атамаси французча «глобал» - умумий ва лотинча «глобус» - ер шари сўларидан олинган булиб, умумжаҳон миқёсида маъносини англатади.

Терроризм атамаси лотин тилидан олинган бўлиб –

бузиш, бузгунчилик маъноларини англатади. Терроризм XIX асрда вужудга келди ва XX асрнинг II ярмида глобал муаммога айланди.

Масалан, Россиядаги Декабристлар харакати озодлик учун кураш эди, улар 1825 йил 14 декабрда подшоҳ Александрга суикасд уюштирдилар, барчаси жазоланди.

XX асрнинг II-ярмида она заминимиз мамлакатларида 3 та жахон дини ва 200 га яқин миллий динлар бор эди. Буддизмга - 2,5 млрд, Христианликка - 2 млрд, Ислом динига 1,5 млрд дан ортик инсонлар эътиқод қиладилар. Ушбу динларнинг ҳар бирига оз ёки кўп миқдорда ақидапарастлик ва диний экстремизм мавжуд. Диннинг 5 та функцияси мавжуд. Уларга кўра ҳар бир эътиқод қилувчи ўзининг бахтиёрлиги, ғамли кунларида худога мурожаат этиб, шукр ва сабр қилади. Ўз орзу - умидлари, ниятларини амалга ошириш учун худодан ёрдам сурайди. Динлар дунёкарашни шакллантиради ва тарбиявий ахамиятга эга, чунки улар инсонларга меҳр - мухаббат, оқибат, ҳамкорлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, садокат, бағрикенглик, ҳалоллик, ҳамда бошқа ижобий ҳислатларни тарбиялайди. Ақидапарастлик деганда, диннинг бошланғич даврига қайтиб ҳозирги замон цивилизациясини тан олмасликка тушунилади: Ақидапарастларнинг фикрича, дин барча иқтисодий ва халқаро муносабатларни ҳал қила олади. Ислом фундаменталистлари ҳозирги давлатларни тугатиш, ягона халифаликни тузиб, инсонлар уртасида тенгликни урнатишга даъват қиладилар. Коммунизм ва фашизм мафқураларида ҳам ақидапарастлик мавжуд, чунки улар фақат уз гоёлари тугрилигини даъво қиладилар. Орқага қайтиш гоёсини амалга ошириб булмайди, чунки ҳозирги замон илмий техника ютуқларидан воз кечиш мумкин эмас.

Диний экстремизм деганда, диннинг сиёсатга

аралашиб, ҳокимият учун курашига айтилади. 2007 йил бошида БМТ маълумотига кура дунёда 500 га яқин диний экстремистик ташкилотлари бор, улар 60 дан ортик мамлакатларда жойлашган, моддий таъминоти юкори даражада, чунки даромади наркотик моддалар ва курол аслахаларидан олинади. Улар узлари учун асосий курол сифатида терроризмни танлайдилар.

2000 йил март ойида Афғонистондаги Толибонлар ҳаракати раҳбари Мулла Умар журналистлар саволларига жавоб кайтариб шундай деди: «АҚШ ва унинг иттифокчилари булган бир катор ривожланган давлатлар араб мамлакатлари ички ишларига аралашиб, ақл ургатадилар, уларга иктисодий чеклашлар киладилар. Биз бунга каршимиз. Ушбу давлатларда янги курол - аслаха, харбий техника бор, бизда эса йук, шунинг учун биз терроризмни асосий курол деб олдик». Худди шу фикрни унинг сафдоши, Саудия Арабистони давлати фукароси миллионер Усама Ибн Ладен ҳам айтган. У 2001-йилгагча Афғонистон ҳукуматида харбий вазир лавозимида ишлаган. Террористлар 80 дан ортик мамлакатларда юзлаб портлашларни уюштирдилар, натижада ўн мингларча гунохсиз инсонлар халок булдилар.

Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 1992-2000 йилларда 32 та халқаро анжуманлар, шу жумладан, БМТ сессияларида сузга чикиб, диний экстремистлар ва террористларга қарши курашда халқаро марказ тузиш кераклигини таклиф этди.

Давлатлар раҳбарлари бу таклифни маъқулладилар, лекин биронта ҳам чора курмадилар. Бунда фақат ижро этувчилар эмас, балки хомийлар ва раҳбарлар жазоланиши керак.

2001 йил 11- сентябрь куни АҚШ нинг Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларига хужум уюштирилди. 5 та шаҳарлараро учадиган тайёралар одамлари билан қулга

олинди. Улардан иккитаси «Жахон савдо уйи» га, колганлари эса Ок уй ва Пентагонга йўналтирилди. 102 қаватли «Жахон савдо уйи» икки зарбадан сўнг қулаб тушди ва 4000 дан ортик инсонлар халок бўлди. Бу мудхиш воқеадан сўнг АКШ, Англия, Германия ва бошқа кўплаб ривожланган давлатлар парламентлари янги конунлар қабул қилдилар.

БМТ махсус сессиясида терроризмга қарши кескин кураш хақида резолюция эълон қилинди. Биринчи навбатда Усама Ибн Ладен «Ал-Қоида» ташкилоти ва Афғонистондаги толибонлар ҳаракатига қарши кескин кураш бошланди. БМТ статистик маълумотларига кура 2000 йилда Афғонистон Колумбиядан утиб, наркотик моддалар етиштириш буйича жахонда биринчи уринга кутарилди. Толибонлар ҳукумати буйругига кура эллик мингга яқин фермер хужаликлари гиёҳванд усимликларни экишга мажбур этилди. Хом аше махсус фабрикаларда наркотик моддаларга айлантирилиб, куп мамлакатларга сотилди. Бир йиллик даромад 600 миллиард долларига тенг эди.

Маълумки, 1990 йилда собик СССР республикалари, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам мафкуравий бушлик булган. Бунинг сабаби шуки, коммунистик мафкура ўз таъсирини йўқотди ва СССРда парокандалик, парчаланиш жараёни бошланди.

Ўзбекистонда мафкуравий бушлик урнини ваҳобийлик, «Хизбут-тахрир» сингари зарарли, ёт ғоялар эгаллашга ҳаракат қилдилар. Улар аҳолининг турли катламларидаги инсонлар онгини захарлаб, узларига кул қилиб олишга ҳаракат қилдилар.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон мустақилликда эришгандан сўнг ақидапарастлар, диний экстремистлар хуружи қуйидаги ҳолатларда кўринди:

1. 1991 йил ноябр ойида Намангандаги воқеалар.

2. 1997 йил декабрь ойида Намангандаги холат.

3. 1999 йил 16 февралдаги Тошкентда рахбариятни улдириб, хокимиятни эгаллаш учун 5 та портлашларнинг уюштирилиши.

4. 1999 апрели ва 2000 йил июль ойларида 15 тадан куролланган жангариларнинг мамлакатимиз чегарасини бузиб кириши.

5. 2000 йил июль – сентябрь ойларида Сурхондарё вилоятининг Узун, Сариосиё туманларига 70 та куролланган жангариларнинг бостириб кириши.

6. 2004 йил март апрель ойларида Тошкент шаҳри, вилояти ва Бухоро вилоятидаги портлашлар.

7. 2005 йил май ойида Андижон шаҳрида конуний конституцион ҳукуматни ағдариш учун ҳаракат.

Бу жиноятлар туфайли юзлаб гуноҳсиз ватандошларимиз ҳалок бўлдилар.

Ҳуш, бундай ақидапарастлар, диний экстремистлар ва террористларга қарши қандай қурашиш керак, деган савол тугилиши табиий.

Бунга жавоб шуки, биринчидан юртбошимиз И.А. Каримов ташаббуслари билан 2004 йил май ойида ўтказилган «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти» нинг Анжуманида олти давлат раҳбарлари Тошкент шаҳрида терроризмга қарши қураш халқаро марказини очиш маросимида иштирок этдилар.

Иккинчидан, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси оғох ва ҳушёр бўлиши керак. Турли хил бузгунчилик ҳаракатларига ўз салбий муносабатларини билдириши

лозим.

Учинчидан, чегарамизни бузиб утган хар бир инсонга карши аёвсиз кураш олиб бориш зарур.

Тутинчидан, юртбошимиз И.А.Каримов сузлари билан айтганда «Гояга карши - гоя, жахолатга карши - маърифат» тамойилига кўра яшашимиз лозим.

ГЛОБАЛИЗАЦИЯ И ЕЁ ВЛИЯНИЕ НА ИДЕОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ

*Р.З. Галеева – ТУИТ, старший преподаватель
кафедры философии*

Огромное влияние на идеологическую картину современного мира оказывает глобализация.

Что же такое глобализация? Подробно рассказывает, что такое глобализация, известный американский ученый Алвен Тоффлер. В книге «Сдвиги мощи» А. Тоффлер рассматривает глобализацию как необходимое действие качественно новой системы производства материальных благ. Для неё характерно применение передовых технологий, повышенных требований к качеству рабочей силы, снижающих количество людей «у станка».

Новая система производства материальных благ неразрывно связана с такими явлениями, как охват всё новых рынков, создание глобальных рыночных механизмов, включающих не только материальное производство, но и банковское дело, и научные исследования. Все элементы этой системы находятся в постоянной взаимосвязи, обмениваясь огромным все увеличивающимся потоком данных, информации и знаний. Накопление, переработка и распространение огромных масс информации невозможна без компьютеров. Вот один из примеров.

Каждый год в США создается 1,3 триллиона

документов. Если бы они были на бумаге, то ею можно было 107 раз оклеить стены Большого Каньона реки Колорадо. Однако в действительности лишь 5 % хранится на бумаге, остальное в «памяти» машин, компьютеров.

Знаменитое выражение английского мыслителя Бэкона «Знание – сила, сила есть знание» приобретает качественно новое значение в эпоху информационной революции.

А. Тоффлер считает, что в производстве информация может заменять ресурсы. Станок с компьютерным управлением способен изготовить из того же количества материала больше изделий, чем самый квалифицированный рабочий. Снижается потребность во многих традиционных видах массового сырья.

«Информационная революция» даёт фирмам и корпорациям возможность значительной экономии средств, благодаря сокращению запасов сырья, оборудования и компонентов выпускаемой ими продукции. Крупнейший производитель домашнего электрооборудования в Италии В. Мерлони смог на 60 % уменьшить затраты на складские запасы благодаря компьютерному управлению производством с помощью системы спутниковой связи.

Американские фирмы по производству и сбыту текстиля и одежды создают общую электронную систему учета спроса и взаимного информирования с тем, чтобы быстро реагировать на часто меняющуюся – до 6 раз в год – моду. Они рассчитывают не только сократить расходы, но и вернуть назад производства, переместившиеся в страны с дешевой рабочей силой, – азиатские производители просят делать заказы на три месяца, а сейчас идёт на недели и даже дни.

Примером быстрой перестройки производства и создания совершенно новых предприятий может быть

предприятие по выпуску такого продукта, как прибор по радиовызову абонента. В 1986 году американская электронная компания «Моторола», используя компьютеры, усилиями 24 специалистов разработала проект предприятия за рекордно короткий срок — 18 месяцев. Ныне это завод выпускает продукцию, пользующуюся спросом во всём мире. Из 40 занятых на нём рабочих лишь один прикасается к выпускаемой продукции, все остальные операции выполняют роботы.

Главное, что принесла информационная революция — это возможность невиданно повысить эффективность всей производственной деятельности. Миллиарды долларов инвестируются в электронную инфраструктуру, необходимую для сверхбыстрого функционирования экономического механизма. Создание систем информации и связи сопоставимо со строительством железных дорог и в целом с развитием системы коммуникаций на заре промышленной революции. Возникает «нервная система», без которой любые государства обречены на отсталость.

В конечном итоге весь цикл создания и потребления материальных благ будет находиться под постоянным ежесекундным контролем.

Мелкие производства не теряют своё значение, так как способны быстро реагировать на перемены на рынке, осваивать новые технологии.

Возникает новый водораздел между различными государствами — «быстрые» экономики высокоразвитых стран и «медленные», характерные для остального мира.

«Быстрые» будут и дальше наращивать темпы своего развития не только с помощью новых производственных технологий, но и благодаря более быстрому осуществлению всех управленческих операций и сокращению времени для принятия решений, в том числе в сфере инвестиций, разработки идей и их воплощения в

жизнь, ускорению оборота капитала, обработки информации и всего массива знаний и их прохождения через весь экономический механизм.

Чтобы не отстать, страны с «медленной» экономикой должны быть постоянно нацелены на ускорение развития. Для этого требуется компьютеризация с использованием самых передовых достижений, развитие современных систем связи и ликвидация информационной изоляции от остального мира. Это необходимые элементы курса, направленного на то, чтобы не отставать то ускоряющей свой бег развития глобальной экономики.

То, о чём мы говорим сейчас, относится к влиянию информационной революции на экономическое развитие. Вместе с тем глобализация оказывает не меньшее влияние на идеологические процессы современности. Суть этого влияния заключается в необычном ускорении «доставки» идей, имеющихся в мире, в любую точку земного шара, которая соединена с мировой информационной сетью. Эту систему называют «Всемирной паутиной», Интернетом.

Эти процессы относятся и к Узбекистану. Интернет представляет собой техническую базу для распространения идей. Содержательная их сторона требует специального рассмотрения.

Так, население Узбекистана, прежде всего, получает идеи, которые выражают основные идеологии современного мира. Как известно, доминирующими идеологиями современного мира является либерализм, консерватизм и социал-демократизм.

Одним из основных принципов либерализма является следующий: «разрешено всё то, что не запрещено законом»

Консерватизм отстаивает другой принцип: «разрешено только то, что разрешено законом».

Социал-демократическая традиция (а в рамках её и

Марксизм) ставит своей задачей улучшение положения трудящихся в рамках капиталистического общества.

Наряду с этим на идеологическую ситуацию в Узбекистане оказывают влияние и другие идеологии (религиозные, коммунистические и др.).

При этом с распространением положительных знаний (научные и технические достижения, передовой опыт развития экономики, малого и среднего бизнеса, решение экологических и социальных проблем, проблем демократии и борьбы за права человека и т.п.), пропагандируются и реакционные идеи (терроризма, насилия, религиозного экстремизма), используется клевета, изображение в ложном свете положения в Центральноазиатских государствах, раздуваются трудности, ошибки и недостатки.

Особое значение при этом придаётся религиозному, прежде всего мусульманскому фактору. Как известно, среди населения Узбекистана (как и других Центральноазиатских государств) наибольшим влиянием пользуется ислам. Именно поэтому в пропаганде на Узбекистан и весь центральноазиатский регион одной из главных тем является ислам. При этом намеренно искажается место и роль ислама, положение верующих (оно изображается как гонения, преследования со стороны государства и т.п.), поддерживаются религиозные течения, выступающие против государственной власти. В частности, ведётся усиленная пропаганда идей ваххабизма.

Вот один из примеров.

На одном из сайтов международной информационной сети Интернет 8 июля 2003 года появилась статья «В Узбекистане нет места мусульманам» (имеется в виду статья, опубликованная на сайте «Muslim Uzbekistan» и подписанная IWPR). В статье говорится о том, что в Андижане, расположенном в самом центре

Ферганской долины, из-за нехватки мест в мечети (центральная городская соборная мечеть может вместить одновременно не более 2000 человек), люди вынуждены религиозные обряды и чтение молитв совершать на улице. Авторы статьи с возмущением сообщают о том, что руководство республики под предлогом борьбы с международным терроризмом и религиозным экстремизмом закрыло многие мечети. Авторы на весь мир с негодованием заявили, что в Андижане нет ни одного учебного заведения, где изучался бы ислам и давались бы знания по исламской религии.

Как же обстоят дела на самом деле? На самом деле вместимость главной соборной мечети Девонабой – 5000 молящихся. Любая другая вмещает не менее 2-3 тысяч человек. Надо признать, что в пятничные и праздничные дни Хаит-намоза молящихся бывает очень много, и люди вынуждены отправлять религиозный обряд на улице. Однако это в республике не запрещено. То, что в такие дни люди расстилают молитвенный коврик на тротуаре или на улицах вокруг мечети, - не ущемление религиозности, а проявление её свободы. Здесь не нарушение конституционного права людей, а свободное волеизъявление народа.

В городе 20 действующих мечетей, из которых 16 – главные и соборные. Здесь мусульмане свободно отправляют свои религиозные обряды, созданы все условия для развития религиозных знаний, повышение уровня духовности и просветительства. Так как нет никаких препятствий в этой области, число верующих всё время растёт. В пятничные и праздничные дни госструктуры активно содействуют в проведении праздничных молебнов в мечетях. С этой точки зрения нелепым выглядит утверждение авторов статьи, что в такие дни организаторами выступают только духовенство

и имамы.

Работает в Андижане и среднее специальное учебное исламское заведение имени Сайида Мухиддина махдума с сентября 1992 года. Срок обучения в нём 4 года, здесь готовят специалистов по 2 направлениям: исламоведы и имам-хотибы. За истекший период 600 человек закончили данное учебное заведение, в настоящее время 100 учащихся занимаются. Работают подготовительные курсы, где ежегодно 100 человек готовятся к поступлению сюда. Сейчас же 250 человек сдали документы. Среди них представители различных областей республики и Каракалпакстана. Студенты обеспечиваются бесплатно общежитием и горячим питанием. Имеются учебные компьютерные классы, комнаты отдыха, уголки здоровья, спортплощадка, столовая. В мечети данного медресе вместимостью 500 человек учащиеся имеют возможность свободно отправлять свои религиозные обряды. В современных рыночных условиях студенты социально защищены. Все они получают стипендию в размере 5300 сумов, а отличники – именную стипендию имени Имама Аль-Бухарий – 11000 сумов и стипендию имени Имама Аль-Термизий – 9000 сумов. Среди студентов есть особо одаренные знатоки Корана (кори), которые принимают участие в различных конкурсах.

Таким образом, утверждение статьи об отсутствии в Андижане исламского учебного заведения прямо противоречит действительности. Отсюда следует, что выше названная статья о положении исламской религии в городе Андижане является клеветнической.

В 2003 году в андижанской области было 180 мечетей, 120 мечетей из них - это соборные главные храмы. В городах и районах области также функционируют соборные мечети. Здесь собрана религиозная

литература. Имамы при них имеют высшее образование, некоторые закончили Андижанское исламское учебное заведение.

До обретения независимости в области было всего 12 мечетей, 3 из которых в городе Андижане. Ни для кого не секрет, что отправление религиозных обрядов в этих условиях было сопряжено с определенными трудностями. Сегодня мечетей достаточно. Но если возникает необходимость открытия и регистрации нового храма, то никаких препятствий со стороны государственных органов не бывает.

Важно отметить, что не только в Андижане, но и в целом в нашей стране для верующих мусульман созданы необходимые условия для исполнения религиозных обрядов, пропаганды вероучения, издания религиозной литературы, подготовки священнослужителей.

Такого рода сведения должны размещаться в Интернет, чтобы глобализация служила прогрессу общества и каждого отдельного человека.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
<i>Н.А. Муминов.</i> Ахборот глобаллашуви ва ёшлар маънавияти	8
<i>Р.И. Исаев</i> Методы способы и средства обеспечения информационной безопасности в условиях глобализации.....	16
<i>М. Бекмуродов.</i> Глобаллашув жараёнларида мурасасозлик ва яқдилликнинг аҳамияти	29
<i>З.Р. Кадырова.</i> Толерантность как важный фактор преодоления глобальной проблемы терроризма	37
<i>И. Абдуллаев.</i> Особенности государственной политики в области защиты национального информационного пространства	43
<i>Сангинов С.С. , Усманов Э.М.</i> Основные факторы экологической политики Узбекистана	54
<i>М.М. Каримов, К.А. Тошев.</i> Технология виртуальных сетей VPN перспективы её развития в глобальном информационном пространстве.....	74
<i>Э.Г. Каримова.</i> Глобаллашув, маънавият ва ёшлар	87
<i>И.Х. Абдуганиев.</i> Глобаллашув ва маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш	93
<i>А. Эшмуродов.</i> Ахборот хуружи ва миллий манфаат	98
<i>Г. Бурханова.</i> Глобаллашув жараёнлари ва толерантлик	101
<i>А. Абдужамилев.</i> Глобаллашув жараёнида курулларни интеллектуаллаштириш ва интеллекта қарши куруллар	106
<i>Г. Ф. Бицон.</i> Глобальные проблемы современности.....	117
<i>М. Шарипов.</i> Илмий билишдаги глобаллашувнинг ўзига хослиги.....	123
<i>Х.М. Муксимова.</i> Техника ва ахборот технологиялари ривожининг глобал аҳамияти.....	128
<i>З.Н. Абдуллева.</i> Глобал муаммоларнинг айрим жиҳатлари.....	134
<i>Д.Ш. Сагдуллаева.</i> Глобаллашув жараёнларида ахлоқ ва ҳуқуқнинг мувозанати масаласи.....	140
<i>Б. Амонов.</i> Глобаллашув жараёнининг баъзи муаммолари ҳақида.....	152
<i>Д.Э. Нурмухамедова.</i> Роль толерантности в условиях глобализации.....	154
<i>Ш.Т. Ўрмонова.</i> Камалиддин Бехзод ижодининг маданиятда тугган ўрни.....	168

<i>М.А. Азизова.</i> Жамиятни ахборотлаштиришнинг баъзи бир глобал муаммолари.....	175
<i>Р.Н. Абдулазизова.</i> Глобаллашувнинг миллий руҳиятга таъсири.....	181
<i>З.С.Касимова.</i> Концепция образования для устойчивого развития и вопросы интеграции ее принципов в систему обучения на всех уровнях.....	184
<i>Э.Г. Каримова. Т.З. Давронов.</i> Глобал-локал тинчлик маданияти сари.....	193
<i>В.Г. Тожиев.</i> Глобаллашув жараёнида экологик маданиятнинг тутган урни.....	199
<i>Э.М. Тўхтасинов.</i> Миллий мафкуранинг тарихий илдизлари.....	206
<i>А.М. Умаржонов.</i> Истеъмол бозорини ривожлантириш ва такомиллаштириш муаммолари.....	211
<i>Ж.Х.Ибодов. Ш.М.Ибодова.</i> Террозим ва унга қарши кураш.....	218
<i>Р.З. Галеева.</i> Глобализация и её влияние на идеологические процессы.....	223